МИРКАРИМ ОСИМ

# ТЎМАРИС



Миркарим ОСИМ

# ТЎМАРИС

*Тарихий қиссалар*



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

УЎК 821.512.133-3 11.6 Ўзбек адабиёти
КБК 84 (5Ў) 6
О-80

**Осим, Миркарим**
Тўмарис: Тарихий қиссалар. /М. Осим/. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи 2016. – 120 б.

Азиз китоб муҳиблари!

Халкимизнинг миллий қаҳрамони, озодлик ва ҳурлик курашчиси, дашт маликаси Тўмарисни билмаган, у ҳақида йиллардан йилларга, тиллардан тилларга ўтиб келаётган афсонаю ривоятни эшитмаган киши бўлмаса керак. Тўмарис – мардлик, озодлик ва матонат тимсолидир.

Қадрли китобхон! Сиз тўпламда Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндалари Бобораҳим Машраб ва Жаҳон отин Увайсий ҳақидаги қиссаларни мутолаа қилар экансиз, бу жараён қалбингизни фахрга тўлдиришига ишонамиз.

**УЎК 821.512.133-3**
**КБК 84 (5Ў) 6**

**© Миркарим Осим**
**© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016**

**ISBN 978-9943-03-739-7**

Alisher Navoiy
2016/89
A 3623
MK

# ТЎМАРИС

## I

Чўл баҳор келинчаги оёғи остига чечаклар билан безалган яшил пояндозини ёйиб ташлаган. Тўрғайлар ҳавода пириллаб кўкламга мадҳия ўқимоқда. Ранго-ранг капалаклар чечакларнинг хушбўй ҳидидан маст. Аллақандай узун оёқли қушлар ўтлар орасида думларини ликиллатиб, катта-катта босиб юради, тошбақалар буришиб кетган хунук бўйинларини ўтларга чўзади, қўнғизлар эса орқаларига қараб юриб, тезакдан ясаган қумалоқларини аллақаёққа юмалатади. Қизғиш-қўнғир бир илон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша қилаётгандек қаққайиб қолган юмронқозиққа ташланади, қушларга ўхшаб чирқиллаб турган калтакесаклар қўрқиб кетиб оёқлари билан қумлоқ ерни икки ёнларига чиқариб, тупроқ остига яширинади. Баъзан овуллар яқинидан кўкраклари оппоқ сайғоқлар гала-гала бўлиб чопиб ўтади, ер гумбурлаб кетади.

Орол денгизининг жанубидаги шу бепоён чўлларнинг соҳиби бўлган кўчманчи массагетлар келин кутмоқда. Уларнинг қароргоҳи байрам тусини олган. Ҳар ер-ҳар ерга гулхан қаланган, кийик ва қўй гўшти пишаётган мис қозонлар гўё меҳмонларни сабрсизлик билан кутаётгандек шақир-шақир қайнамоқда.

Қабила бошлиғи Тўмарис ўғли Сипарангизни шак уруғидан Зарина деган бир қизга уйлантирмоқда. Массагетлар келинни олиб келадиган меҳмонларни кутиб олиш тараддудида.

Ёшлар меҳмонларга жой ҳозирламоқда, аёллар овқат пиширмоқда, янгалар ўтов хизматини ўтайдиган узун соябон араваларни безатмоқда...

Чарчаб гулхан ёнида ўтирган ёшлар узоқдан от чоптириб келаётган чопарни кўриб, ўринларидан сакраб туриб кетдилар.

– Келин... келин келаётир, – деб бақирди у ҳарсиллаб. – Қариялар олдинда... дарҳол кутиб олинглар.

Чопар сакраб эгардан тушди-ю, отини қозиққа боғлаб, бир чеккадаги катта гулхан яқинидаги чоллар олдига бориб ўтирди.

Бутун қароргоҳ, оёққа қалкиб, азиз меҳмонларни кутишга ҳозирланди. Орадан кўп ўтмай узокда учи ингичка намат қалпоқ кийган отлиқлар кўринди. Массагет ёшлари шакларга пешвоз чиқиб:

– Хуш келибсизлар, қўноқлар, пойқадамларингизга ҳасанот, – дедилар ва отларини жиловидан ушлаб, эгардан тушишларига ёрдам бердилар.

Шаклар отдан тушиб, массагет қариялари билан кўришганларидан кейин атрофи соябон аравалар билан қуршалган сайҳон жойга, гулдор наматлар устига чордана қуриб ўтирдилар. Мезбонлар қўй терисидан қилинган супраларда пиширилган гўшт, мешларда қимиз келтира бошладилар.

Кун боттандан кейин келин ва унинг дугоналари тушган узун соябон аравалар етиб келди. Ҳар ер-ҳар ерга қаланган гулханларнинг олови гуриллаб, осмонни ёритиб юборди, ашулаларнинг авжи фалакка кўтарилди. Келин билан келган қизлар ва йигитларнинг ялласи, болаларнинг қий-чуви, хурсандликдан терисига сиғмай қолган кишиларнинг шовқинига қўшилиб кетди. Осмон баравар кўтарилган гулханларнинг ёруғида ўйин-кулги, зиёфат бошланди.

Вақт алла-палла бўлганда куёв билан келинни улар учун белгиланган соябон аравага чиқариш олдидан кураштириб кўришди.

Бўйчан, буғдойранг, сочлари тимқора, кўзлари чақнаб турган Зарина ўзининг саҳройи гўзаллиги билан бошқа аёллардан ажралиб турарди. У гулханлар ёруғида давра қуриб ўтирган йигит-қизларга бир қараб олди-да, тўрда, обрўли кампирлар ва чоллар қуршовида савлат тўкиб ўтирган Тўмарисга таъзим қилди, сўнгра қаршисида курашга шайланиб турган чўзинчоқ юзли, кўзлари катта-катта Сипарангизга тикилди. Қиз сочларини рўмолча билан маҳкам танғиб, белини камар билан боғлаб олган эди. У бехосдан келиб, йигитни белидан олди-да, чирпирак қилиб улоқтириб юборди, йигит анча ергача гандиракла б бориб тиззалаб қолди. Келин томондан келган йигит-қизлар хурсанд бўлиб қийқириб юбордилар.

Куёв билан келин пайт пойлаб, бир-бирларининг атрофида анчагача айланиб юришди. Зарина эпчиллик билан Сипарангизга чанг солиб уни чалиб юборди, йигит ёнбоши билан қаттиқ йиқилди-ю, лекин кураги ерга тегмади, дарҳол сакраб туриб яна олиша кетди.

Бир-бирларини йиқита олмагандан кейин улар ўзларини совитиш учун айланиб юришди. Сипарангиз тетиклангандан кейин тўсатдан кизнинг ўнг қўлига ёпишди-ю, бир силтаб тортиб, хипча белидан маҳкам қисганича кўкрагига кўтариб олди. Қиз чап томонга ташлайди, деб мўлжаллаб турган эди, йигит унинг кўнглидаги гапни англагандай, тиззаси билан қайириб, ўнг томонга ташлади. Шу маҳалгача нафаслари ичларига тушиб кетган куёв томон йигитлари қийқириб юбордилар. Қизнинг яғрини ерга теккан эди, у қизариб-бўзариб ўрнидан тургач, янгалар: «Яраш-яраш»,– деб бакириб, келин билан куёвни аравага чиқариб қўйдилар.

Эртаси куни тонготар пайтида ҳаво айниб, қум бўрони бошланди. Ҳамма жониворлар саҳродан келган қум уюрмаларидан ўзларини сақлаш учун ин-инларига беркинди, чўл ҳувиллаб қолди. Қум тўзонидан осмон қоронғилашди, кўчманчилар араваларининг ҳаммаёғини беркитиб олдилар. Бўрон бир соат давом этди, сўнгра қандай бехосдан бошланган бўлса, шундай тез тинди. Соябон араваларнинг олди очилди, одамлар намат устига ёйилган қумларни қоқиб тушира бошладилар. Тўрғайлар ҳеч нарса бўлмагандек, яна чулдираб қўшиқларини айтишга киришди. Офтоб яна жилмайиб, чўл келинчаги устидан олтин тангалар соча бошлади. Баҳор наққоши яна қўлига мўйқаламини олиб, табиат қўйнига зебо нақшлар сола бошлади.

Ўғли билан келинига қараб Тўмариснинг севинчи ичига сиғмас эди. Бироқ ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи, деб бекорга айтмаганлар. Бахт осмонида бир парча булут пайдо бўлиб, чўл маликасининг юрагини ғаш қила бошлади. Мамлакат чегарасидан келган чопарлар унинг ҳузурига Эрон шоҳининг элчиси келаётганидан дарак берган эдилар.

Кайхисравнинг элчиси ўз мулозимлари билан Ўкузнинг ўнг қирғоғига ўтиб, икки кун йўл юргандан кейин Тўмарис ҳузурига етиб келди. У отини секин юргизиб, устига оқ намат қопланган катта соябон арава олдида тўхтатди. Шу пайт эгнига ярғоқ теридан камзул кийган, камарига қилич ва ўқ-ёй осган намат қалпоқли бир паҳлавон йигит келиб, отнинг жиловидан ушлади ва элчи эгардан тушгунча бир қўли билан олтин узангини ушлаб турди. Худди ўша йигитга ўхшаб куролланган икки аёл арава ёнига шолча солиб, таъзим қилганларича қотиб қолдилар. Ёши кирқларга бориб қолган,

чиройликкина бир аёл араванинг орқасидаги пардани кўтарди-да, белидаги олтин камарга тақилган қиличини авайлаб ушлаган ҳолда палос устига сакраб тушди. Бу аёл массагетлар маликаси Тўмарис эди. Ярқироқ мис болта ушлаган икки қиз унинг икки ёнига келиб турди. Элчи Тўмарисни кўргач, икки қўлини ерга қўйиб, ер ўпди-ю, ўрнидан туриб таъзим қилди:

– Шаҳаншоҳи Эрон аълоҳазратлари сен улуғ маликага беҳад салом ва совғалар юбордилар, – деди у баланд овоз билан. – Сенга соғлиқ, туман бойлик ва узоқ умр тилаб қолдилар.

У тумтароқли сўзлар билан Тўмарисни кутлуғлар экан, мулозимлари тилладўз чопон ва ҳарир кўйлаклар тугилган зарбоф бўғчани малика оёғи остига қўйдилар.

Тўмарис совғалар учун миннатдорлик билдириб, Эрон шоҳининг соғлиғини сўради ва элчининг йўлда қандай келганини суриштирди, сўнгра шолча устига ташланган йўлбарс терисига ўтиришни таклиф қилди. Элчи ва унинг мулозимлари ҳам қатор қилиб солинган пўстаклар устига ўтирдилар. Орадан кўп ўтмай, мезбонлар улар олдига чарм супра ёзиб, пиширилган қўй гўшти, балиқ, ғоз, ўрдак кабоб келтириб қўйдилар. Элчи билан ёнма-ён ўтириб, уни гапга солаётган Тўмарис овқатга манзират қилди.

Элчи овқат еб ўтирар экан, доимий овул ва шаҳарлари бўлмаган массагетларнинг қўй ва йилқилар орасида жуда ибтидоий ҳаёт кечиришига, аёлларнинг эркаклардек қуролланганига, маликанинг оддий одамлар қаторида ўтиришига ҳайрон қолар ва унинг турмушини сернақш кошоналарда, зеб-зийнат ичида яшовчи Эрон шоҳининг ҳаёти билан солиштирарди: «Шуям малика бўлди-ю,– деб ўйларди у: – ўз фуқаролари билан ёнма-ён ўтириб овқат ейди, сочлари ўсиб елкасига тушган йилқичилар қўл чўзиб, унинг олдидан ёғлиқ гўштнн олиб ейдилар, на остида олтин тахти бор ва на бошида тожи. Аёлларнинг эркаклар билан ёнма-ён ўтириб, бир-бирларига гап отиб, гўшт чайнашларини қаранг. Бу хотинларнинг эрлари рашк нима эканини билмасалар керак. Тавба, аёл киши ҳам қурол тақадими? Буларда на қул бор ва на хизматкор, ҳаммалари топганларини ўртада баҳам кўрадилар. Ёввойи халқ-да! Қул бўлишдан бошқа нарсага ярамайди булар!»

Кайхисрав элчини юбораётганда унга: «Агар Тўмарисни хотин қилиб олсам, унинг фуқароси ўз-ўзидан менга қарам бўлиб қолади, урушиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Сенинг вазифанг менинг

шу режамни рўёбга чиқаришга ёрдам беришдан иборатдир, тушундингми?» – деган эди.

Элчи ҳозир ўз подшоҳининг топшириғини бажариш учун бутун айёрлигини ишга солар, тилёғламалик қилиб, Тўмарисни мақтаб кўкларга кўтарар эди:

– Оламда шу маҳалгача ҳеч бир заифа шундоғ улуғ мамлакатга ҳукмдор бўлмаган, ер юзи сендек адолатли маликани кўрмаган, – дерди у кекирдагини чўзиб. – Офтоб тангриси сенга ҳам ҳусн берибдур, ҳам шон-шавкат. Агар сен ўз тақдирингни бизнинг шаҳаншоҳ тақдири билан боғласанг, дунёда ҳеч бир подшоҳ бизга бас келолмайдур. – Шу зайлдаги тумтароқли гаплардан кейин ўз мақсадини очиқ баён этди: – Мен ёлғиз элчи эмас, совчи ҳам бўлиб келдим. Шаҳаншоҳи олам сенга ғойибона ошиқ бўлганлар.

Тўмарис овқат ейишдан тўхтаб қолди.

– Не дединг? Совчи бўлиб?

У Эрон шоҳининг қандай ниятда эканини энди тушуниб олган эди.

– Ҳа, совчи бўлиб, – такрорлади элчи бош эгиб. – Эринг ўлганига бир йилдан ошди, ҳали ёшсан, гўзалсан. Фақат шаҳаншоҳи олам Кайхисрав каби улуғ ҳукмдорга муносиб қаллиқдурсан.

– Нима, унинг хотинларн ўлиб, ўзи сўққабош бўлиб қолдими?

– Йўқ, хотинларининг ҳаммаси соғ-саломат. Ул кишига куёвга чиқсанг, сен бош хотини, барча хотинлари сенинг чўринг бўладилар.

Тўмарис қошларини чимириб, ўйга толди. Агар у шоҳнинг совғаларини ва таклифини қабул қилса, халқининг бошига қандай кунлар келишини кўз олдига келтириб, даҳшатга тушди.

– Шаҳаншоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимга ошиқ бўлгандир, – деди Тўмарис заҳарханда қилиб, – Мен эмас, шу сербарака юртим унга керак бўлиб қоган. Сиз, элчи жаноблари, ўз тождорингизга бориб айтинг: мен унинг таклифини қатъиян рад этаман. Мен унга қайлиқ бўлишни, ўз элимни унга қул қилиб топширни истамайман.

– Шаҳаншоҳнинг таклифларига рад жавоб беришдан аввал саркардалар ва улуғ оқсоқолларингнинг маслаҳатини олишинг, ўйлашиб кўришинг керак эди, – деди элчи Тўмариснинг ўнг-сўлида ўтирган намат қалпоқли, ярғоқ теридан камзул кийган кишиларга истеҳзо аралаш назар ташлаб.

– Бу тўғрида ўйлаб бош қотиришнинг ҳожати йўқ, – деди уруғ оқсоқолларидан бири. – Юртимизнинг улуғи рост гапни айтди. Ҳукмдорингта бориб: «Тўмарис сенга хотин, улуси қул бўлишни истамас эмиш», деб айт. Агар шаҳаншоҳ бизга меҳмон бўлиб келса, яхшилаб зиёфат қиламиз, оёғига қирк қўчқор сўямиз. Аммо қилич билан келса, бари аскарларини қириб ташлаб, уларнинг қонини ўзига ичирамиз.

– Улуғ шаҳаншоҳи Эроннинг шаънига ярашмайдиган гап бўлди, – деди элчи бўғрикиб кетиб. У қаттикроқ бир гап айтмокчи эди-ю, аммо ғазаб билан тикилиб турган чеҳраларни кўриб, тилини тишлаб қолди. – Улуғ тождор мени яхши ният билан юборган эдилар. Сизлар улуғ шаҳаншоҳнинг эзгу ниятларини пайқамадингиз. Бунинг оқибати сиз учун хайрли бўлмас.

– Агар элчи бўлмаганингизда, шул гапни айтган оғзингизни қум билан тўлдирар эдим. Қаерда эканлигингизни унутманг, жаноб! Орқа-ўнгингизга қараб гапиринг. Шаҳаншоҳи Эроннинг нияти бизга маълум бўлди, – деди ҳамон жаҳлдан тушмаган Тўмарис. – Бошимиздан зар сочганларингда ҳам биз эркинликни қулликка алиштирмаймиз.

Дастурхон атрофида ўтирганлар:

– Рост гап!

– Ватандош аёлларимизнинг гапи бундай бўлади, – деб Тўмарис нинг сўзини маъқулладилар.

Шу пайт узокдан от дупури ва йигит-қизларниинг қийқириғи эшитилиб қолди. Элчи хавотирланиб, чанг-тўзон кўтарилган томонга қаради.

– Қўркманг, ўғлим Сипарангиз ўз қайлиғи ва дўстлари билан шикордан қайтиб келаётир, – деб элчини тинчитди Тўмарис. – Яхшики бояги гапларингизни ўғлим эшитмади, йўқса, терингизга сомон тиккан бўлур эди! Қизиққон, ғайратли йигит у.

Бир лаҳзадан сўнг чўл шамолидан юзлари бир оз қорайган, кўзлари чақнаган, қора сочли уч чиройли қиз билан уч барваста йигит отларидан сакраб тушдилар ва Тўмариснинг олдига икки оқ қуйруқ кийикни келтириб қўйдилар. Қизларнинг ҳам, йигитларнинг ҳам белларида ўқ-ёй ва садоқларида ўқлари бор эди.

Элчи ўрнидан туриб, юзлари чўзинчоқ, кўзлари катта, новчадан келган Сипарангизга таъзим қилди ва тумтароқли сўзлар билан ўзининг кимлигини эълон қилиб, унинг соғлиғини сўради. Сипарангиз

у билан сўрашиб бўлгандан кейин, қайлиғи билан элчининг сўл томонига, йўлбарс териси устига ўтирди.

Тўй куни Сипарангиздан йиқилгани учун унга итоатгўй бўлиб қолган Зарина эрининг ёнида одоб сақлаб, унинг сўзларига қулоқ солиб ўтирар, ундан олдин гап бошлашни ўзига эп кўрмас эди.

Сипарангиз элчининг йўлда қандай келганлигини сўради, элчининг батафсил ҳикоясини тинглагандан кейин такаллуфсизлик билан Эрон шаҳаншоҳининг бойлиги, унинг қанча мулозим ҳам қуллари, неча хотини борлиги ва ҳоказоларни суриштира бошлади. Элчи хинага бўялган соқолини сийпаб кулимсираркан, саволларга батафсил жавоб бериб, шоҳнинг саройидаги урф-одатлар билан уни таништирди. Ёшлар Эрон шоҳининг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган зеб-зийнат ичида яшаши, ичкилик базмлари тўғрисидаги ҳикоясини завқ билан тинглаб ўтирдилар.

– Шаҳаншоҳ зиёфатига таклиф этилган зардўз чопонли аъёнмалдорлар, ҳарир кийим кийган меҳмонлар, бегона юрт элчилари аввал олтин тахт устида ўтирган шоҳи оламга таъзим қилиб, ўзларига кўрсатилган ерга ўтирадурлар. Этакларини барурган эпчил баковуллар ош тортар экан, белларига қирқтадан қўнғироқ таққан ёш соқийлар уларга олтин пиёлаларда шароб тутадилар, бир тарафда созандалар...

Элчининг гапига диққат билан қулоқ солиб ўтирган бир йигит унинг сўзини охиригача тинглаб:

– Сиз шароб деган сўзни ишлатдингиз, бу нима, бизга тушунтириб беринг, – деди.

– Шароб узум сувидан тайёрланадиган ажойиб ичимлик, ўзи хуштаъм, бир коса уриб олсангиз, вақтингиз чоғ бўлиб, кулаверасиз.

– Ажойиб нарса экан, – деди бояги йигит сўлакайини оқизиб.

Тўмарис қовоғини солиб ўтирар, ёшлар элчининг ҳикоясини завқ билан тинглаётганига ғаши келарди. Сипарангиз Тўмариснинг авзойига қараб, ўзи йўқлигида онасининг кайфини бузган бир гап ўтганини пайқади.

Эртасига у нима бўлганини сўраб-суриштириб билиб олди. У шоҳнинг таклифини онаси қатъиян рад этганини эшитиб, хурсанд бўлган эса-да, бироқ элчига нисбатан қаттиқ чора кўрилмаганига ҳайрон қолди.

– Элчининг қулоқ-бурнини кесиб жўнатиш керак, – деди у қатъий қилиб.

– Бундай қилиш ярамайди. Элчида айб йўқ. У ўз қулоғига қуйиб қўйилган гапларни гапирди, холос. Яхшиси, келтирган совға-саломини қўлига бериб жўнатамиз, шунинг ўзи шоҳга тарсаки бўлиб тушади, – деди Тўмарис.

## II

Марғиёнани, Сўғдияни ишғол қилган Кайхисрав ўз қўшини билан Ўкузнинг чап қирғоғига келиб чодир қурган эди. У Тўмарис ҳузуридан қайтиб келган элчисининг маърузасиии тинглаб, макр-хийла билан массагетларни аросат занжирига тушириш мумкин эмаслигини пайқади ва қурол кучи билан уларни итоатга келтиришга аҳд қилди.

Орадан кўп ўтмай, Тўмариснинг айғоқчилари, Кайхисравнинг катта қўшини Ўкуздан ўтиш тараддудида, эронийлар ёғоч ва қамишлардан соллар ясамоқдалар, деб дарак топиб келдилар. Тўмарис жанг кўрган доно чоллар, аёлларни чақириб кенгаш ўтказди. Чоллардан бири дарҳол ўқ-ёй билан қуролланган мерганларни дарё бўйига юбориб, кўприк қураётган эронийларни ўққа тутишни, ўнг қирғоққа ўтишларига имкон бермасликни маслаҳат берди. Сипарангиз бу таклифга қарши чиқди:

– Бундай қилсак, хоразмийлар, Яксартнинг нарёғидаги шаклар нима дейдилар, биласизми? Массагетлар эронийлар билан тўқнашишдан қўрқиб, уларни дарёдан ўтказмадилар, узоқдан уларни ўққа тутиб, кўприкларини, солларини бузиб ташладилар, деб айюҳаннос урадилар. Бундан сўнг биз нима деган одам бўламиз, қандай қилиб бош кўтариб юргаймиз. Яхшиси, эронийларга элчи юбориб, биз кўприк қуриб, дарёнинг бу бетига ўтишингизга тўсқинлик қилмаймиз, ўтиб олганингиздан кейин сиз билан жанг қилишга тайёрмиз, дейишимиз керак.

– Гапнинг ўғил боласи мана бундоқ бўлади, – деб унинг сўзини қувватлади ёшроқ бир йигит.

Тўмарис ҳам жанговар массагет элининг обрўсини сақлаб қолиш мақсадида ўғлининг гапини маъқуллаб, чолнинг таклифини рад этди.

Шундан сўнг Амунинг ўнг қирғоғидаги бепоён чўлистонда бири - дан бири даҳшатли воқеалар юз бера бошлади. Жанговар йигитларнинг тантилиги уларга жуда қимматга тушиб кетди.

Кайхисрав ўзининг отлиқлари ва оғир қуролли пиёдаларни дарёдан монеъсиз олиб ўтгач, дарҳол массагетлар устига юриш бошлади, лекин бир ҳафта юрса ҳам уларни учратолмади. Кўчманчиларнинг эронийларни бепоён чўллар ичига олиб кириб, уларни сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдириб, тор-мор қилиш ниятида эканликлари маълум бўлиб қолди. Ёз бошланиб, кунлар исиб кетган, майсалар ковжираб, сарғайиб қолган эди.

Кайхисрав кенгаш чақириб, тажрибали чолларнинг маслаҳатини эшитмоқчи бўлди.

– Балиқ дарёда ўзини қандай сезса, бу лаънати кўчманчилар ҳам шу сув сиз чўлларда ўзларини шундай сезадилар, – деди кекса жангчилардан бири. – Чўл биёбон уларнинг бағрида ўстирган меҳрибон онаси, биз учун эса ўгай онадан баттар. Массагетлар қаерда булоқ, қаерда қудуқ бор, яхши биладилар...

– Хўш, уларни тор-мор қилмоқ учун қандай чоралар кўришни тавсия этасиз? – деди ипак чодирнинг тўрида ўтирган Кайхисрав нохушланиб. Унинг эгнида подшолик аломати бўлган тўқ қизил кимхоб чопон, қўлида жавоҳирлар билан безалган асо, бир мулозим узун елпиғич билан тинмай елпиб турарди.

– Уларни тор-мор қилмоқ учун шундай бир найранг ишлатмоқ керак. Қўшинимизни учга бўлиб, бир қисмини орқада қолдирсак ва уларни озиқ-овқат, шароб-ноб билан мўл-кўл таъмин этсак... Қолган икки қисм билан юришни давом эттирсак.

Эрон шоҳи кўпни кўрган кекса жангчининг макр-ҳийладан иборат бўлган режасини завқ билан тинглаб ўтирди. «Соддадил массагетлар дарёдан ўтишимизга монеълик қилмай, мардлик кўрсатди-ю, бизлар ҳийла ишлатиб, номардлик қиламизми?» – деган фикр кўнглининг кўчасига ҳам келмасди. Ироқ ва Мисрни, Ўрта Осиёнинг жанубий қисмини қурол ва олтин, макр-ҳийла билан босиб олиб, буюк Эрон давлатини барпо этган бу шуҳратпараст шоҳ мақсадига эришиш йўлида ҳар қанақа номардликлардан тап тортмасди.

У аскарнинг учдан икки қисмини бошлаб илгарилаб кетди, орқа-роқда қолган жангчилари худди зиёфатга тайёрланаётгандай ипак чодирлар қуриб, ер ўчоқлар қазий бошладилар.

Ўз айғоқчилари орқали бундан хабар топган Тўмарис асосий қўшиндан ажралиб орқада қолган душман қисмини тор-мор этиш пайга тушди. У аскарларининг учдан бир қисмини ўғли Сипарангизга топшириб, буюрди:

– Сен уларни тўзғитиб юборгандан кейин ҳаяллламай, дарҳол Кайхисравга орқа томондан от сол, биз манглайидан урамиз. Қуёш тангриси бизни ёрлақаса, шаҳаншоҳи Эрон аскарлари қуршовда қолган жайронлардай қочгани жой тополмай қолғайлар. Уқдингми?

– Уқдим, – деди ўғли ва уққанини кўрсатиш учун онасининг айтган гапларини такрорлади.

– Бор, ўғлим, Қуёш тангриси мададкоринг бўлсин.

Массагет отлиқ аскарлари орқада қолдирилган эронийлар қароргоҳига бостириб кирганларида улар энди овқатларини сузиб, шароб тўла мешларни дастурхон ёнига келтириб қўйиган эдилар. Қисқа жангдан сўнг эронийлар орқаларига қарамай қочдилар. Уларнинг бир қисми қиличдан ўтказилди, бир қисми қўлга туширилди.

Асир тушган бир эроний сўроқ вақтида Сипарангизга шундай деди:

– Улуғ саркарда экансиз, бизни ғафлатда қолдириб, устимизга бало-қазодай бостириб келиб қолдингиз. Биз энди базми жамшид бошлаган эдик. У шароб тўла мешларга ва заррин косаларга, овқатсузилган товоқларга ишора қилди. – Булар бизга эмас, сизларга насиб қилгай экан.

– Овқатларингиз, шаробларингиз ўзингизга буюрсин, бизнинг зиё фат емоққа вақтимиз йўқ, – деди Сипарангиз шароб сузилган косаларга қараб, аммо ўзининг бир тотиб кўргиси келиб турарди.

– Йигитлар йўл юриб, жанг қилиб чарчади, отлар ҳам толиқди, уларга бироз дам бермоқ керак, – деди ёш сардорнинг йигитларидан бири. – Тамадди қилиб, сўнг дарҳол отланамиз.

– Тўғри, озроқ дам олайлик, тамадди қилайлик, – дейишди қорни очган йигитлар дастурхонлардаги ноз-неъматларга қараб.

Сипарангиз иккиланиб қолди, кейин:

– Ҳой, чол, – деди асир эронийга қараб. – Бошинг учун рост сўйла, овқат ва шаробларга заҳар солинган эмасми?

– Ўзимиз емоқчи бўлган овқатга нега заҳар солайлик? Нима, ўзимизга ўзимиз душманимизми? Барча худоларнинг худоси Аҳурамаздани шафе келтириб қасамёд этаманки, биз бу ноз-неъматларга заҳри қотил солганимиз йўқ.

– Сўзларингнинг тўғрилигини исботи учун булардан еб-ичиб кўр-чи!

Асир шароб ичиб, тавоқдаги гўштдаи еб кўрсатди. Қўлга туширилган бошқа эронийларга ҳам шароб ичириб, овқат едириб, уларнинг заҳарланмаганига қаноат ҳосил қилгандан сўнг, йигитлар дастурхонлар ёнига ўтирдилар-да, шаробларни нўш этиб, пишириб қўйилган гўштларни тушира кетдилар.

Ўткир шароб умрида ичкилик ичмаган ёшларга дарров таъсир қила қолди. Улар ҳиринглашиб, бир-бирлари билан аския қила бошладилар. Қоровулга қўйилган отлиқлар ҳам бенасиб қолмасинлар, деб уларга овқат ва май олиб бердилар. Бир оз овқатланиб отланмоқчи бўлган йигитлар оғизларига ичкилик тегиши билан хурсандчиликка берилиб, қанча вақт ўтганини билмай қолган эдилар.

Кайхисравнинг муддаоси ҳам шу эди. Массагетлардан қочиб қутулган эрон отлиқларидан баъзилари Кайхисрав ҳузурига етиб бориб, қароргоҳда рўй берган ҳодисалардан уни воқиф қилгач, у отининг бошини орқага бурди, анқайиб қолган юмронқозиқ устига ташланган илондек Сипарангиз қўшинига бирдан ҳужум қилди. Қоровул бўлиб турган ширакайф аскарлар эронийларнинг етиб келганларини пайқамай қолдилар. Қисқа жангдан сўнг душман уларни қириб ташлади. Базм қуриб ўтирган йигитларнинг баъзилари жанг суронини эшитгач, ўринларидан тураман деб, гандираклаб йиқилиб тушди, отларига етиб олганлар қиличларини қинидан суғуришга улгуролмадилар. Баъзи ёшлар жанг кўрган аскарларнинг сўзига кирмай, отларига дам бериш учун айилни бўшатиб қўйишган эди, шу сабабдан отларига минишлари билан эгар кийшайиб, отларнинг қорнига келиб, ўзлари бошлари билан ерга санчилишди. Хуллас, душманнинг найрангига учиб, ҳушёрликни қўлдан берган Сипарангиз ўзининг бир неча йигити билан асир тушиб қолди. Уларнинг оёқларига кишан солиб, қўлларини орқаларига боғлаб Кайхисравнинг рўпарасига турғизиб қўйишди. Шоҳ истеҳзоли илжайиб, асирларни кўздан кечирди.

– Ҳа, қўлга тушдингми? – деди у Сипарангизга бош ирғаб. – Ҳолинг шу-ку, мен билан жанг-жадал қилмоқчимидинг, она сути оғзидан кетмаган тирмизак!

Тириклайин қўлга тушмаслик учун душман билан тоза олишиб, у ер-бу ери тирналган ёш сардорнинг мастлиги тарқаб, ҳушёр тортиб қолган эди. У бошини виқор билан кўтариб, шаҳаншоҳга нафрат кўзи билан қаради-да:

– Ҳа, сен билан жанг-жадал қилмоқчи эдим, аммо бу бахт менга муяссар бўлмади, – деди. – Сен очиқ ерда расмана жанг қилишдан қўрқиб, ҳийла-макр билан бизни қўлга туширдинг. Афсуски, ёшлик қилиб, қилич дастасини ушлаган қўлимга манфур шароб косасини олдим ва тузоққа илиндим. Агар сен номардлардек...

Шоҳни ҳақорат қилишга ўтган Сипарангизнинг товушини ўчириш учун аскарбошилардан бири:

– Бас қил, аҳмоқ! – деб унинг юзига қўлидаги пиёладан сув сепиб юборди. Йигит бехосдан сесканиб кетган эди, унинг гапларн нарёқ-берёғидан ўтиб кетган Кайхисрав кулиб юборди, ёнидаги аъён ва саркардалар ҳам шоҳларига таассуб қилиб, кўзларидан ёш чиққунча хахолаб кулишди.

– Кулинг-а, кулинг, – деди Сипарангиз уларга жирканиб қараб,– кўп ўтмай йиғлайсиз, қон йиғлайсиз. Ҳийла ва макрларингиз энди иш бермайди, арслон терисини ёпинган тулкилар...

Ҳалиги аскарбоши уни гапиртирмаслик учун юзига сув сепиб юборди. Кайхисрав бу сафар зўрма-зўраки илжайиб қўйди, ён-беридагилар хахолаб кулишга журъат этмай, тиржайиб қўйишди.

– Биз қаҳр-ғазаб қилишни ҳам биламиз, лутфу-карам қилишни ҳам, – деди Эрон шоҳи Сипарангизга қараб. – Хусусан, биз сен каби болаларга шафқатлимиз. Эҳтимол, онангни соғингандирсан, истасанг, сени қўйиб юборамиз.

Сипарангиз заҳарга айланган тупугини култ этиб ютиб ўйлади: «Қўшинимизнинг учдан бирини мен нобуд қилдим. Сафдошларимнинг қирилиб кетишига мен сабабчи бўлдим. Агар энди бўшатиб юборсалар ҳам ўз элатимга қайтиб кетмайман. Онамнинг олдига қайси юз билан бораман?»

– Қўлимни ечиб қўйинглар, – деб илтимос қилди у.

Кайхисрав бир мулозимига ишора қилган эди, у югуриб бориб йигитнинг қўлини ечди-да, ўз жойига бориб турди. Шу он Сипарангиз қўйнидан кичкинагина ялтироқ пичоқ олиб, ўзининг кўксига санчди-ю, мукка тушиб жон таслим қилди.

– Мард йигит экан, – деди Кайхисрав бир оздан кейин. – Ўлимни номусдан афзал кўрди. Ўлмаганда, эҳтимол, улуғ саркарда бўлар эди. Майли, бўлар иш бўлди, энди мана буларни ҳам, – у асир йигитларга ишора қилди, – ўз саркардаси ортидан нариги дунёга жўнатинглар.

## III

Сипарангиз ва унинг сафдошлари ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Тўмариснинг ва барча аёлларнинг юракларини ўқдек тешиб ўтди. Руҳий азобнинг зўрлигидан уларнинг кўзларига ёш ҳам келмай қолди. Бирмунча вақтдан кейин соябон аравааларнинг ичидан хотинларнинг дод-фарёди эшитила бошлади. Хусусан, Сипарангизнинг қайлиғи сочларини юлиб йиғлаб, ҳамманинг юрак-бағрини эзиб юборди, аммо Тўмарис қайғусининг зўридан йиғлай олмасди. У эси оғиб қолгандек бир нуқтага тикилганича қотган, лаблари бир нима деб пичирлар эди.

Қайғу-ҳасратнинг давоси – душмандан ўч олиш эди. Даҳшатли хабар келган куннинг эртасига Тўмарис тажрибали уруғдошларини тўплаб, кенгаш ўтказди.

Давра қуриб мункайиб ўтирган кексаларга, кампирларга, душмандан ўч олиш истаги билан ёнган ёшларга бир-бир кўз югуртириб, титроқ овоз билан:

– Оталар, оналар, укалар, аҳволимиз танг, фалокат бойқушлари тепамизда учиб юрибдур, – деди. – Ёвуз душман навқирон йигитларимизни макр билан қириб ташлади. Биз уларнинг ўчини олмоғимиз, бор кучимизни тўплаб, ёвни юртимиздан ҳайдаб чиқармоғимиз керак. Шу тўғрида сизнинг маслаҳатингизни олмоқчимиз.

Тўрда ўтирган оппоқ соқолли, кулча юзи қип-қизил, ўткир кўзли бир чол томоғини қириб гап бошлади:

– Бепарво бўлганимиз, ғафлат босиб бемаслаҳат иш қилганимиз учун бизни Миҳра жазолади. Агар биз юборган қўшинга Сипарангиз эмас, кўп жангларда суяги қотган, эҳтиёткор бир киши бошчилик қилганда навқирон йигитларимиздан ажралиб қолмас эдик. Сипарангиз мард бўлса-да, аммо кўп жанг кўрмаган, тажрибасиз йигит эди. Кейинчалик у зўр саркарда бўлиб етишарди, афсуски, умри қисқа экан.

– Рост айтасиз, – деб унинг сўзини бўлди Тўмарис. – Мен суяги қотмаган ўғлимни бу қўшинга бемаслаҳат бош қилиб юбордим ва манманликнинг жазосини тортдим.

– Йигитлар орасида қизлар, аёллар бўлганида бу фалокат бошимизга келмас эди, – деди бир кампир тутақиб. – Миҳра аёлларни куч-қувватга тўлган вақтида, фаҳму фаросат ёрдамида яратган. Си-

парангиз қўшинида қизлар бўлганида йигитларнинг қўлидан май косасини уриб туширар эди...

– Бўлар иш бўлди, отилган ўқни қайтариб бўлмас, – деди бояги чол унинг гапини оғзидан олиб. – Биз энди бундоқ қилсак: барча қариялар ва болаларни моллар билан орқага юбориб, барча эр-хотин, йигит-қизларни куроллантирсак ва душманни чўл ичига алдаб олиб кириб, ўша ерда қириб ташласак...

Кўпни кўрган чол қаергача чекиниш ва душман билан қайси жойда жанг қилиш кераклигини батафсил гапириб берди. Кенгашдагилар, унинг режасини маъқуллаб, баъзи тузатишлар киритдилар.

Ўша кuниёк Тўмарис, урушга ярамайдиганлар панароқ жойга юборилсин, деб буйруқ берди, кейин отларининг жиловидан ушлаб саф тортиб турган эркак ва аёлларнинг қурол-яроғлари, уст-бошлари, оёқ кийимларини кўздан кечирди. Уларниig пухталигига қаноат ҳосил қилгандан кейин бир арғумоқни курбонликка сўйдириб, Қуёш тангрисига илтижо қилиш учун бир тепалик устига чиқди, белидаги олтин камарига осилган қиличи ва қалқонини ерга қўйиб, массагетлар наздида худоларнинг худоси бўлган Миҳрага сиғина бошлади:

– Эй, бутун мавжудотни – еру кўкни, сув ва ўтни яратган Қуёш тангриси! Сен кўзингни очсанг – олам нурга тўлади; кўзингни юмсанг – ер юзини қоронғилик, лашкари босади. Одамларга ўт берган ҳам сен, дарёларни тоширган, экинзор ва ўтлоқларга сув берган ҳам сен! Қўй ва кийикларни кўпайтирган, дон-дунга барака берган ҳам сен! Эй, улуғ Қуёш тангриси, бизни эронийларга хор қилма, дилимизга ғайрат, билагимизга қувват атоқил, юрагимизга ўч оловини сол! Қиличимизни ўткир қил, токи, юртимизни оёқ ости қилган маккор душманни тор-мор айлаб, қуллик балосидан халос бўлайлик!

У нажот сўраб Миҳрага ёлвораркан, кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Бир лаҳза ерга қараб турди-да, ўзини тутиб олгандан сўнг қилич-қалқонини тақиб олиб, пастга тушди, ўйноқлаб турган оқ отига миниб, қуролланган халққа мурожаат қилди. Юртнинг бошига тушган фалокат тўғрисида гапириб, сўзининг охирида шундай деди:

– Опа-сингиллар, ака-укалар, қасрга кетаётганингизни ҳаммангиз биласиз. Шу кетганимизча ё ҳаммамиз битта қолгунча қирилиб, ўз қонимиз билан шаънимизга тушган доғни ювиб ташлаймиз ёки

душманни қириб юбориб, ғалаба билан қайтамиз. Ишонаман: орамизда Эроншоҳи олдида тиз чўкадиган номард йўқ. Биз албатта енгамиз! Шафқатсизликни бизлардан кўрсин Эрон шоҳи!

– Бизни жангга бошла, онахон! Душмандан интиқом олиб, дудини димоғидан чиқарайлик!

Офтоб нури Тўмариснинг елкасига тушиб турар, гўё Миҳра нурли қўллари билал уни сийпаб, олқишлаётгандек бўлар эди.

– Эл-юрт аёл кишининг фотиҳасини олди, ғалаба бизга ёр бўлғай, – деди соқоли кўксига тушган бир чол.

Шу пайт тип-тиниқ осмонда бир бургут қанотларини кенг ёйиб, улар устида айлана бошлади. Қуролли йигит-қизлар бошларини кўтариб, унинг парвозини томоша қилдилар. Ҳамма кўзлар чақнаб, юзлар ёришиб кетди, чунки уларнинг эътиқодида бу яхшилик аломати эди...

Тўмарис тиш-тирноғигача қуролланган ва ҳали чарчамаган Эрон қўшини билан ҳозир жанг қилса, оқибати хунук бўлишини яхши биларди. Энг олдин душманни, чўлларда сарсон қилиб, унинг тинкасини қуритиш ва қулай жой топиб туриб, жанг қилиш керак эди.

Енгил ғалабадан ҳаволанган Эрон қўшини Тўмариснинг чекинаётганини эшитиб, зудлик билап уни таъқиб эта бошлади. Кайхисрав осонгина зафар қозониб, ўлжа олишга шошилаётган қўшинини тўхтатиб қолишдан ожиз эди. Массагетлар эса бир тепалик остида ўзлари учун қулай жой ишғол қилиб, саф тортиб турдилар. Биринчи сафда ўқ-ёй билан қуролланган енгил аслаҳали мерганлар, улар орқасида оғир қуролли аскарлар турар эди. Кайхисрав аскарлари секин-аста яқинлашиб келавердилар. Массагет мерганлари тўсатдан уларни ўққа тутдилар, садоқлар бўшаб қолгач, узун дастали мис болталар, калта найзаларни ишга солдилар. Қўшиннинг икки ёни ва орқа томонини ҳимоя қилиб турган отлиқлар сувлиғини чайнаб, тилла ўмилдириқларини офтобда ярқиратиб турган сабрсиз арғумоқларнинг бошини қўйиб юбордилар. Сафлар бир-бирига аралашиб кетди. Қилич ва найзаларнинг бир-бирига тарақлаб тегиши, жангчиларнинг сурони, отларнинг кишнаши, ярадорларнинг инграши бирга қўшилиб, қиёмат-қойим бўлиб кетди. Одамлар ғуж бўлиб олиб, бир-бирига найза санчар, болта билан бошига туширар, қилич билан чопар эди. Жанг шу зайлда кечгача давом этди. Ўз ерларини ёвдан тозалаш ва ўч олиш иштиёқи билан ёнган массагетлар жонбоз-



16/89
A3623

лик кўрсатиб ёв билан мардларча олишишди, ниҳоят, зафар уларга ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлашди. Зарина бошчилигидаги отлиқ қўшин душманнинг чап қанотини синдириб, орқага ўтиб олди. Бир тепалик устида жангни кузатиб турган Кайхисрав қилич яланғочлаб, ўз навкарлари билан жангга шошилди, бироқ у биринчи тўқнашишдаёқ ҳалок бўлди. Кайхисравнинг ўлганини билиб, эронийларнинг руҳи тушиб, юракларидаги ўт сўна бошлади. Душманнинг бир қисми чекиниб, яқин ўртадаги тўқайларга яширинмоқчи бўлди. Бироқ Тўмарис бошчилигидаги эркак ва аёл суворийлар уларнинг олдини тўсиб чиқиб, қиличдан ўтказа бошладилар. Массагетлар эронийлар устидан тўла ғалаба қозониб, бир талай асир олишди.

– Кайхисравнинг калласини кесиб олиб келинглар! – деб буюрди ҳали ҳам нафасини ростлаб ололмаган Тўмарис. Унинг ёнида туриб, душман билан олишган келини уч-тўрт аёл жангчи билан шаҳаншоҳ аскарларининг жасадига тўлган майдонга от сурди. Кўп ўтмай, Зарина Кайхисравнинг жасадини топди ва унинг калласини кесиб олиб, Тўмарисга келтириб берди.

– Энди бир мешга қон тўлдириб келинглар!

Жангчилар дарҳол маликаниинг буйруғини бажо келтирдилар.

Тўмарис соч ва соқолига қон ёпишиб қотиб қолган, кўзлари юмуқ, даҳшатли каллани қўлига олиб, унга қаради-да:

– Эй Кайхисрав, умр бўйи жанг қилиб одам қонига тўймадинг, мана энди тўйгунингча ич! – деб уни меш ичига солди-да, меш оғзини чилвир билан маҳкам боғлаб қўйди.

# СИНГАН СЕТОР

## 1. ЎТМИШ БИЛАН УЧРАШУВ

– Наманган шаҳридин кетганимга ўн саккиз йил бўлибдур-а. Тавба, вақт ҳам тоғдин айқириб тушаётган сойдек тез оқиб ўтар экан. Яқингинада шу кўчаларни чангитиб юрар эдик-ку – деди Машраб жоме ёнидаги тор кўчада эшагидан тушиб. – Мана, уйимга ҳам етиб келдим. Назаримда жумъа масжид ҳам, маҳалламиздаги уйлар ҳам кичрайиб қолғондек.

– Болаликда ҳар нарса кўзга катта кўринадур. Эсингиздами, ёшлигимизда ёғоч от миниб, мозор айланиб келар эдик. Кейин шу мачит ичидин оқиб ўтган сувда «отлари» мизни суғориб, аларни қайтарар эдик-да, ўзимизни ҳавзага ташлар эдик, – деб жавоб қилди, юз-кўзини ажин босга Шодавлат илжайиб. – Баъзи вақтларда нега отимга ем бермадинг, деб мени койирдингиз.

– Хўб вақтлар эди-да! Болалигимиз шу кўчаларда қолиб кетди.

Юзини оқ дека рўмол билан беркитган бир аёл ўтиб кетаётиб уларнинг гапларига қулоқ солиб турди-да, кейин тезгина жўнаб қолди.

– Сен Қитмирни ўзинг билан олиб кет. Бувим итни ёмон кўрадилар, – деди Машраб ўймакор қилиб ишланган пастгина кўҳна дарвоза олдида тўхтаб.

– Хавотир олманг, уни оч қўймайман, парваришлайман. Бир бурда нон топсам, ярми уники, – деди Шодавлат, тумшуғини кўтариб унга тикилаётган қора итни силаб.

Торгина ташқари ҳовлини супураётган новчагина аёл кўчада гап лашиб турган икки кишининг сўзларига қулоқ солиб турди-да, юзи ёришиб кетди, бир оздан сўнг, дарвозани ланг очиб, эшагини етаклаганича кириб келаётган Бобораҳимнинг олдига югуриб келди, унинг елкасини қоқиб кўришди-да:

– Вой, ака, эсон-омон келдингизми? – деди ҳовлиқиб. – Танжонингиз соғми? Сизни ҳам кўрар кун бор экан, кутавериб ўлиб

бўлдик-ку! – Машрабнинг синглиси ўз оғасини кўпдан буён кўрмаган бўлса ҳам, бошқалардан ажралиб турадиган шакли-шамойилиданми, ишқилиб уни дарҳол таниган эди.

– Мана, кўриб турибсан, соғ-саломатмен. Ўзларингиз бардамми-сизлар? Бувим соғ-саломатмилар?

– Эгамга шукр, ҳаммамиз соғ-саломатмиз, эсон-омонмиз.

– Буни қара-я! Сени зўрға танибман. Бўйинг етиб, уй-жойли бўлибсан, эшитдим.

– Ҳа, икки болам бор, ўйнаб-кулиб юришибдур, аммо бувимлар кўрпа-тўшак қилиб олғонлар, кўзлари хира. Бизни ташлаб кетганингиздан сўнг фироқингизда юрак-бағирлари ўртаниб, тоблари қочиб қолғон. «Э жоним ўғлим, воҳ кўрар кўзим», деб ётадурлар...

– Андоғ бўлса, қуққисдин олдиларига бостириб кирмай. Шодликдин юраклари ёрилиб кетмасин тағин. Мен эшагимни оғилхонага боғлаб, ташқарида айланиб юрай. Сен ичкари кириб, мендин гап оч: «Туш кўрибмен, фалон-пистовон», деб дийдор кўришмакка бувимни тайёрлаб тур.

Сочлари ҳам, ажин босган юзи ҳам қордек оқариб кетган кампир деворга тираб қўйилган ёстиққа суяниб, ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирар эди. Баланд бўйли қизи унииг олдига кириб, қийшайиб қолган ёстиқни, бошидаги дока рўмолини тўғрилади-да, секин гап бошлади:

– Буви, мен тонготарда қизиқ бир туш кўрибмен. Оғам кўчадан эшакларини етаклаб ўтиб кетаётган эканлар, бориб елкаларидин кучай десам, оёғим юрмайдур, аламимга чидай олмай, йиғлаб юборибман.

– Яхши туш кўрибсан, қизим. Худо хоҳласа, Бобораҳим билан дийдор кўришамиз. Кимки тушида йиғласа, ўнгида шод бўлғай. Кўришмаганинг яхши бўлибдур.

Ичкари ҳовлига кириб панада турган Машраб онасининг овозини эшитиб ҳаяжонга келди. Югуриб кириб у билан кўришгиси келди-ю, ўзини аранг тўхтатиб қолди. Нафасини ростлагандан кейин майин овоз билан куйлай бошлади:

Саҳарлар тўлғониб, тўлғонимда топган бир боланг келди,
Юзи оқу қизил гулдек, шаҳиди карбалонг келди.

Анодек меҳрибон қайда, атодек ғамгусор қайда,
Алардек ичкуяр қайда, ғариб ўлғон боланг келди.

– Вой, ўғлимнинг овозини эшитгандек бўлдим, – деди кампир ҳарсиллаб. – Ташқари чиқиб қара зора келгани рост бўлса!

Юзи ёришиб кетган қизи ҳовлига чиқиб, оғасини етаклаб келди. Боборахим оҳисталик билан онаси олдига тиз чўкиб, унинг қўлини юзига сурта бошлади. Кампир унинг боши, юз-кўзини пайпаслаб энтикиб турди-да, бирдан йиғлаб юборди.

– Эгамга шукр, ўчган чироғим қайтадан ёнди, – деди у ўпкасини босиб. – Чилтонлар назар қилди, хонадоним қайта бошдин обод бўлди... Балам, бир вактлар, ошиқларнинг ота-онаси бўлмас, деб бизни ташлаб кетган эдинг, ўртаниб қолавергандик. Майли, тақдирда бори шул экан. Аммо сендин хафа эмасмен. Ўзинг дайди бўлиб туғилган эдинг.

–Рост, мен бир ерда узок туролмаймен. Чўлу биёбонлар, тоғу тошлар, нотаниш элларда кезиб юришни яхши кўраман. Аммо мен бўлган шаҳар ва қишлоқларда тиғи ситамдин юраги пора бўлғон халкни кўрдим, ўзим фалокатга йўликдим. Қошқар бориб, ихлос тузоғига илиндим,ёшлигим хазон бўлди...

– Сен айтма, мен эшитмай. Ул томондин келган девоналар бошингга тушган офатдин бизни хабардор қилғон эдилар, – деди кампир кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб. – Жабру жафолар кўрибсан, эшитиб кўнглим вайрон бўлди. Балам, сенда айб йўқ, тақдири азал шул экан.

Боборахим суҳбатни бошка ёққа буриш учун қўни-қўшни, қариндош-уруғларни сўрай бошлади. Уларнинг баъзилари ўлганини, кўплари тирик эканлигини эшитиб, мулло Бозор охунддан гап очди.

– Бултур жон баҳақ таслим этганлар, – деди кампир хўрсиниб. – Таомдин сўнг бориб, кабрларини зиёрат қилиб келарсан.

Боборахим онаси билан гаплашиб ўтирганида синглиси ўчоққа олов ёқиб, қозон осди. Орадан кўп ўтмай, дастурхон ёзиб, товоқларда устига бир қошиқдан қийма солинган серкашнич таом келтириб қўйди.

– Ҳай, ҳай, мунча ширин! – деди Боборахим ошни хўриллатиб ичар экан. – Қўлинг дард кўрмасин, синглим.

– Ҳа, қўли ширин, пазанда, бичиш-тикишни ҳам биладур, хати ҳам чиройли, – деб қизини мақтай кетди кампир жонланиб. – Ёзган ғазалларингни анга бер, кўчириб бергай.

– Яхши, шеърларимни парча-пурот қоғозларга ёзиб ташлаганмен, китобларим ичида, – деди Машраб. – Қоғозга тушмаган ғазалларим ҳам бор, алар ёдимда, айтиб туриб ёздирармен.

– Хўп, жоним билан, – деди синглиси хурсанд бўлиб. – Кўрган-кечирганларингизни ҳам айтиб берурсиз. Сиз тўғрингизда бир достон ёзмоқни ният қилиб қўйғонман.

Кечга яқин Машраб кўчага чиқиб, Наманган сойи бўйидаги хонақо томон йўл олди. Йўлда эски таниш-билишлари билан учрашиб, улар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, сой бўйига етиб борганини ҳам сезмай қолди. Хонақонинг катта дарвозаси ланг очиқ, у остона тепасидан тортиб қўйилган йўғон занжир устидан ҳатлаб ўтиб, ичкарига кирди-ю, ўнг томонда қад кўтарган баланд сағанани кўрди. Шу он биринчи устоди, қуюқ қошлари қоп-қора бўлса ҳам пахмоқ соқоли қордек оқариб кетган мулло Бозор охунд кўз олдида гавдаланди.

Бобораҳим етти ёшга қадам қўйганда онаси уни шу хонақо ичидаги мактабга бошлаб келгани, болаларни ўқитиб ўтирган мулло Бозор олдига бир чопонлик бўз билан еттита нон қўйиб: «Ўғлимни сизга топширдим, ўқитинг, эти сизники, суяги меники», дегани эсига тушди.

Бобораҳим араб ҳарфлари ёзилган ёғоч тахтани ҳам кўтариб келган эди. Домла уни олдига тиз чўктирган эди-да, бармоқлари билан ҳарфларни кўрсатиб: «Мана бу «Алиф», буниси «Бе» деб уни ўқита бошлаганди. Бобораҳимнинг зеҳни ўткир бўлгани учун икки-уч ойда ҳамма ҳарфларни билиб олиб, уларни бир-бирига қўшиб: «Абжад, ҳавваз...» деб ўқийдиган бўлиб қолди. Ҳаммани ҳайрон қолдириб, бир йил ичида «Чоркитоб»га тушди.

Домласига нисбатан қалбида илиқ бир ҳис пайдо бўлган пайтда хотирасининг бир бурчидан келган совуқ шамол кўнг лини совита бошлади. «Кейин мени Қошқарга жўнатган ҳам шу киши эди-ку. У ерда ёшлигим гулзорини хазон урди, – деб ўйлади Машраб. – Лекин ўзимда ҳам айб бор. Илмимга мағрур бўлиб, диний масалаларда домламни мот қилиб уялтириб қўяр, баъзи қилиқларим билан у кишининг ғашига тегар эдим. Мулло Бозор ўрнида ҳар қандай бошқа одам бўлганда ҳам мени Намангандан бадарға қилиб юборган бўлар

эди. Аммо Офоқхожадан озор чекканим учун у киши айбдор эмас, бошимга бундай фалокат келишини қаёқдан билсинлар? Бировга қасддан ёмонлик қиладиган одам эмас эди мулло Бозор охунд. Кўнгли покиза эди, девона эди».

У секин юриб, қабр тепасига келганда кўнгли гина-кудрат булутидан қутулиб, бағрига илиқ шамол келиб урилгандек бўлди. Шеърият маъбудаси қулоғига шивирлаган ғазални ёқимли овоз билан куйлай бошлади.

Маърифатнинг гулзори мулло Бозор девона,
Ошиқларнинг сардори мулло Бозор девона...

Хонақо ичида бўлганлар най садосидек ёқимли овозни эшитиб, теварагига йиғила бошладилар. Уларнинг баъзилари қўл ковуштириб турар, баъзилари бармоқларининг учи билан кўз ёшларини артар эдилар.

Машраб куйлашдан тўхтаб, бош эгиб турганда қўнғир соқолига оқ оралаган кўк кўз бир чол унинг олдига келиб, елкасига қўлини қўйди-да:

– Энди шул ёқимли овозингиз билан пийри муршид арвоҳларига қуръон ўқиб юборсангиз, – деди.

Машраб бошини кўтарди, унга қараб: «Қаердадир кўрганмен бу одамни? – деб ўйлай бошлади. – Э, ҳа, бу чол мулло Бозор охунднинг югурдакларидан бўлган Муҳаммад Ризо шайх-ку!..»

– Киши ўлгандан кейин қуръон ўқишнинг фойдаси йўқ, – деди Машраб унга ўгирилиб. – Ҳар ким тириклигида қилғон иши, амалига қараб ажрини кўргусидир. Мен устодимга ўз ғазалимни бағишладим, шояд арвоҳлари шод бўлса. Шуни билиб қўйсинларки, тиловати қуръон қазо қилғон киши учун эмас, ўқиган қори, мулло учун фойдалидир, алар азахонадин чиқиб кетаётганларида муздини оладурлар...

Шайх қўлини унинг елкасидан тортиб олди-да, кўк кўзларини чақнатиб:

– Боринг-э, ҳали ҳам шаккоклигингиз қолмағон экан! – деди.

Бобораҳим унга тикилиб туриб, ёшлигини эслади, аччиқ-чучук хотиралар билан тўлган ўсмирлик, йигитлик даври кўз ўнгидан бирбир ўта бошлади...

## 2. УМР БАҲОРИНИНГ ТИКАНЛИ ГУЛЛАРИ

Кечқурун оила аъзолари айвонда бўз дастурхон атрофига тўпланиб, ёғоч қошиқ билан хўриллатиб угра ош ичаётган эдилар. Ўнга тўлиб ўн бирга қадам қўйган новчагина Бобораҳим ҳаммадан олдин товоғини бўшатиб, уни нарироққа суриб қўйди-да, тўсатдан:

– Аба, менга сетор олиб беринг, – деди.

Қирққа кирган бўлса ҳам, қартайиб ориқ юзини ажин босган, сочлари оқара бошлаган онаси ош ичишдан тўхтаб, унга тикилди-да:

– Аба эмас, буви деб чақир мени. Биз наманганлик эмасмиз, – деди. – Овора бўлма, ўғлим. Сетор эмас, ноғорага ҳам пул йўқ менда.

– Абдусаттор ака ўғлига сетор берипти.

– Ул пулдор одам. Биз кунимизни бир амаллаб ўтказяпмиз. Бошингда отанг бўлгандаям майлийди. Сен алёрчи эмас, муллойи боамал бўлғайсен...

Бобораҳим муллолардан бозорларда сетор чалиб алёр айтувчи созандаларни устун қўярди. Онасининг гапини эшитиб, дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди.

– Аба, акамга дутор обера қолинг, – деди унинг сочлари майда қилиб ўрилган беш яшар синглиси. – Акам дутор чалса, мен ўйинга тушамен...

– Ўйин тушгандин кўра, қўлингга супурги олиб ҳовлини шупур! – деди онаси заҳарханда қилиб. – Сен катта бўлгонингда яллачи эмас, отин бўлғайсен. Майда болаларни тўплаб ўқитғайсен.

– Мен катта бўлганимда сиздақа эртадан кечгача ип йигирамен.

– Яхши ният қил, қизим. Отанг ўлгандан кейин бу оғир иш менинг бошима тушди, сенинг бошингга тушмасун.

Боядан бери бир-бирига туташган қошларини чимириб, қовоғини солиб ўтирган Бобораҳим индамай ўрнидан турди-да, яланг оёқ ҳолда кўчага чиқиб кетди. Бўйи чўзилиб новчагина бўлиб қолган ўғлининг қорайиб, ёрилиб кетган оёқларини кўргач, она шўрликнинг юраги ачишиб кетди: «Кишилик кўйлак оламен деб йиғиб қўйган пулимга этикча олиб берсам бўлар экан, – деб ўйлади у. – Сеторга ҳам пул ортиб қолади. Сочим оқарганда ясаниб юришни ким қўйипти. Менга бўз кўйлак ҳам бўлаверади».

Қорни тўйиб хурсанд бўлган қизчаси ҳовлига сакраб тушди-да, арғамчисини икки учидан ушлаб, устидан сакраб ўйнай бошлади. Кейин қўнғироқдай овози билан бидирлаб, бир оҳангда қўшиқ айтишга киришди:

Чархим ғум-ғум этадур,
Марғилонга етадур.
Марғилоннинг қизлари
Қизил олма экадур.
Қизил олма пишипти,
Тор кўчага тушипти.
Тор кўчангиз тор экан,
Йўлда баззоз бор экан,
Ул баззознинг хотини
Шойи кўйлакка зор экан...

– «Баззоз ҳам ўлсин! – деб кулиб юборди она. – Ундан кўра хотинига шойи кўйлак олиб берса ўладими... Аммо менга шойи кўйлак керак эмас, толеимга болаларим омон бўлса – бас!»

* * *

Бобораҳим югурганича эшикдан чиқиб, маҳалладаги катта масжид ҳовлисига кирди-да, ҳовуз лабига келиб, қип-яланғоч бўлиб ўзини сувга ташлади. Кўчада ўйнаб юрган болалар сувнинг шопиллашини эшитиб, масжидга югуриб кирдилар, ҳовуз бўйига келиб, шошиб-пишиб ечина бошладилар. Қий-чув кўтарилди. Болалар ҳовлиқишиб, бақиришиб, сувда ўз ҳунарларини намойиш қилишга киришдилар, уларнинг баъзилари кулоч отиб суза билишларини кўрсатмоқчи бўлар, баъзилари калла ташлаб, анчагача сув тагида қолиб кетар, кейин ҳовузнинг нариги томонидан пишқириб чиқар эдилар. Қий-чув, шовқин-суронни эшитган малла тўнли, оқ соқолли масжид имоми Абдулхолиқ қори аста юриб ҳовуз бўйига келди ва ҳассаси билан болаларни қувлай бошлади. Қип-яланғоч тирмизак лар, турмаклаб дарахтларнинг бутоқларига қистириб қўйган кўйлак-иштонларини олиб қоча бошладилар.

– Уялмайсанму, масжид ҳовлисидаги ҳавузда яланғоч чўмилгани? – деди имом, шошмай кийинаётган Бобораҳимга ўқрайиб. – Ахир масжид худонинг уйи-ку!

– Худо ўзи одамни яланғоч яратган. Ўзингиз айтинг-чи, мен бу дунёга кўйлак-иштон билан келибми эдим?

Имом саволга жавоб бермай ғудранганча супургисини елкасига қўйиб, олдига келган қоровулга юзланди.

– Бул зумрашанинг гапини эшитдингизми? Битта гап билан мени мот қилмоқчи бўлди-я! Охир замон боласида! Астағфурулло!.. – Кейин Бобораҳимга тикилиб тўнғиллади: – Кўча чангитиб, яланғоч чўмилиб юргандин кўра жамоат билан намоз ўқисанг ўласанму?

– Эмди ўн бир ёшга қадам қўйдим-у, мачитга чиқиб намоз ўқийми? Балоғат ёшига етмасдин бурун ўйнаб қолай!

– Ўйнаб қол, шумтака, ўйнаб қол. Балоғатга етганингда муҳтасибнинг дарраси эс-ҳушингни жойига келтириб қўяр. – Афти бужмайиб, пешонаси тиришган кекса имом қоровулга ўгирилиб: – Бу валад кимнинг ўғли? – деб сўради.

– Марҳум Валибобонинг фарзанди. Андин бир ўғил, бир қиз қолғон.

– Валибобо ўз ўғлига яхши тарбият беролмабди-да! Бул шумтака бирор мактабда ўқийдурми?

– Ҳовва, таксир. Айтишларича, зеҳни ўткир эмиш. Ҳафтиякни тушириб саводхон бўлибдур. Хожа Ҳофиз ғазалларин шариллатиб ўқийдур эмиш.

– Тавба, катталардек саводхон бўлса ҳам, болалиги қолмабдур. Ё девонамикин?

– Йўғ-э, жинни – девона бўлса, шундоғ улуғ одамнинг китобини ўқиб мағзини чақа оладурми? Зеҳни ўткир, идрокли бола. Маҳалласидаги эроний, тожик болалар билан бирга ўйнаб юриб форс тилини ўрганиб олган. Аларнинг тилида чуғуллашиб гаплашганини бир неча марта эшитганмен.

– Тавба, ўткирлиги бошига етмаса эди. Агар ўзини тийиб олмаса, бир кун эмас, бир кун бошида калтак сингай, – деди имом пахмоқ соқолини сийпаб. – Аммо девона бўлса – бошқа гап. Эс-ҳуши жойида бўлмаган одамга намоз ўқимоқ ҳам фарз эмас, рўза тутмоқ ҳам. Шариатнинг буйруғи шул.

Имом билан қоровул узоқлашганларидан кейин Бобораҳим кийиниб олди. Кўчага чиқиб кетаётганида: «Имом мени девона деб ўйлайди шекилли, – деб ғудранди. – Майли, нима деса деяверсин, бу зоҳиди ях. Агар менга тирғилаворсалар, ўзимни девоналикка соламен!»

* * *

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин, кечқурунги овқат маҳалида она ўғлини хурсанд қилди.

– Кўча-кўйда эмас, уйда чалиб юрсанг, сенга сетор олиб берайин. Бир оз ортиқча пулим бор. Ён қўшнимиз Абдусаттор танбурчига айтиб қўйдим, сенга яхши сетор олиб беради, – деди.

– Ў-ў, ростданми?! – деб ўрнидан сакраб туриб кетди Бобораҳим. – Бувижон, нима иш буюрсангиз, жон деб бажарамен, сўзингизни ерда қўймаймен.

Кўпдан буён орзу қилиб юрган мақсадига эришгандан кейин Бобораҳим ипакдек мулойим бўлиб, онасининг измидан чиқмайдиган бўлиб қолди. Жума кунлари онаси билан бозорга чиқиб ип сотиш, озиқ-овқат харид қилиш ишларида унга кўмаклашар эди. Бўш вақтларида қўлига сеторини олиб аста қулоғини бурар, бошини қийшайтириб торларини черта бошлар эди.

Ўзи хушовоз, мусиқий хотираси зўр бўлганидан эшитган куйларини ёдида олиб қолар, овлоқда хиргойи қилиб юрар эди. Баъзан Бобораҳимнинг ўртоқлари унинг сетор чертиб, секин айтган қўшиқларини завқ билан тинглар эдилар.

* * *

Бобораҳим балоғат ёшига етиб, ингичка мўйловли йигитчага айланди. Оқ рўмол ўраб, кўзларинигина кўрсатиб юрадиган қизлар унинг келишган қомати, бир-бирига туташган қошларига суқланиб қарай бошладилар. Мактабда ўқиладиган ҳамма китобларни маънисига тушунадиган бўлиб қолган Бобораҳимни устози ўзига халфа-ёрдамчи қилиб олди. Баъзан унинг иши чиқиб қолганида халфасини қолдириб кетар эди. Бобораҳим мулла Бозорнинг тўрдаги ўрнига – айиқ териси устига ўтириб, пешингача мактабдорлик қилар эди.

Бир куни болалар озод бўлиб, уй-уйларига кетганларидан кейин ўз ҳужрасига чекинган мулло Бозор уни ҳузурига чақиртирди. Бобораҳим остонадан ҳатлаб ўтгач, устози ёнида ўтирган унинг икки муриди – Муҳаммад Ризо билан Алиқулга кўзи тушди.

– Ассалому алайкум, устоз. Мени чақиртирган экансиз.

– Ҳа, – деб унга қаради соч-соқоли оқариб, киприклари тушиб кетган, пахмоқ соқолли мулла Бозор алик олгандан кейин. – Биз ҳозир сен тўғрингда сўйлашиб ўтирган эдик. Йигитлик фаслига қадам қўйиб, яхшигина ғазаллар айтадиган бўлиб қолсанг-да, баъзи қилиқларинг бачкана. Бўш вақтларингда қўлингда сетор, гоҳ сой бўйида, гоҳ кирда тентираб хониш қилиб юрурсен. Кел эмди, факирликни ихтиёр қил, сеторингни токчага қўйиб, зуҳду тақво бўрёси устига ўтир. Эртага жумъа куни ҳонақога кел, марди худолар қаторида зикру самоъ туш...

– Э пири комил, – деб сўзини оғзидан олди Бобораҳим дўриллаган овоз билан, – афсуски, эртага хонақоға келиб, зоҳидлар билан бирга зикр тушолмаймен. Мен ёри жононамга, жумъа куни учрашамиз, деб ваъда бериб қўйғон эрдим. Назаримда ул зебо санамимнинг юзидан таралган нур ҳаммасини мунаввар қилиб тургандек. Қоронғи уйга беркиниб ҳув-ҳувлагандин кўра ўшал маъшуқам билан учрашиб, жамолини тамошо қилсам бўлмайдурму?

Мулла Бозор ёнида ўтирган малла тўнли, қўнғир соқолли муриди Муҳаммад Ризога маъноли назар ташлаб қўйди-да, Бобораҳимга юзланиб:

– Сизнинг маъшукангиз борлигидин бехабар эканмиз, – деди сизсираб. – Модомики, учрашамен деб сўз берган экансиз, боринг, аёғидин ўпинг. «Алваъдайи дайн», яъни ваъда қарздир, деганлар. Қарзни узмок эр кишининг ишидур.

Бобораҳим таъзим қилиб чиқиб кетди.

– Бул йигит шарорат йўлига кирганга ўхшайдур, – деди Муҳаммад Ризо кўкиш кўзларини чақнатиб. – Рухсат берсангиз, Алиқул икковимиз ортидан бориб, ёри билан учрашиб турганда ушласак-да, юзига қора суртиб, ҳузурингизга олиб келсак...

– Майлингиз, – деди мулло Бозор нохушланиб. – Эмди турайлик. Таҳорат олиб, намози дигарни ўқимоққа ҳозирлик кўрайлик...

Эртасига эрта билан олам нур дарёсига ғарқ бўлган пайтда Бобораҳим оқ яктагининг этагини белбоғига қистириб, сеторини қўлга

олиб йўлга тушди. Бозор ғовури, олибсотарларнинг шовқини, зоҳидларнинг ҳув-ҳуви билан тўлган шаҳар орқада қолди. Бобораҳим адирга кўтарилиб, ўт-ўлан ва ранг-баранг гуллар ҳиди тўлган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Ёш ошиқни қувонч билан қарши олган шамол унинг қулоғига бир нима деб шивирлар, осмонда пириллаган тўрғайлар чулдирашиб, уни қутлар эдилар. Ҳашаротларни асал билан сийлаётган капалакгуллар кулиб боқар, ичига шабнам йиғилган лолақизғалдоқлар унга майи ноб сунар эдилар. Кўрсичқонлар чиқариб ташлаган тупроқ уюмлари жувонларнинг кўкрагидек дўппайиб турарди. Нафас олиб турган ўт-ўланлар ҳидидан, ер ҳидидан маст бўлган Бобораҳим ўзини подшоҳдек сезди. Назарида жамолининг нури ер юзига тушиб турган зебо санами гулдек юзидан пардасини очмай карашма қилаётгандек эди. У қўлига сетор олиб, баланд овоз билан юраги дардини изҳор эта бошлади:

Арзимни айтай боди сабоға,
Биздин дуо деб ул бевафоға.
Эй ёри жоним, кўрсат жамолинг,
Жоним тасаддук сен хуш адоға,
Ишкингда куйдим, эй сарвинозим,
Бир марҳамат қил шоҳу гадоға!

Нарироқда, ўртасидан сув жилдираб оқиб тушаётган сойликдаги буталар устида шохдан шохга сакраб ўйнаётган бир булбул танбур овозини эшитиб, чақ-чақлаб сайраб юборди, ҳавода пириллаб учиб турган тўрғай унга жўр бўлди. Ўз овозидан маст бўлган Бобораҳим дам олиш учун ерга ўтирди-да, кейин кўрсичқонлар чиқариб ташлаган тупроқ уюмларидан бирига бош қўйиб осмонга қараб ётди. Назарида бутун коинот унинг кўксига жо бўлгандек эди. Орадан ярим соатча вақт ўтгандан кейин ўрнидан туриб, оппоқ чўққилари ярқираб турган тоғларга, устига самовий нур ёғилиб турган адирлар, водийларга суқланиб қаради-да, секин-аста шаҳар томон йўл олди. Терлаб-пишиб катта масжид ҳовлисига яқинлашганда ҳовузда чўмилаётган болаларнинг шовқинини эшитиб, чўмилгиси келиб қолди. Тез-тез юриб ичкари кирди-да, ечиниб:

– Болалар! – деди. – Мен ҳозир ҳовузга калла ташлайман-у, йўқ бўлиб кетаман.

– Бўғилиб ўласиз-ку, – деди паканагина семиз бир бола.

– Ўлмайман. Гаров ўйнашасанми?

– Бўпти. Нимадан?

– Юзта ёнғоқдан.

– Майлингиз. Шошмай юзгача санаймиз, ўшанда ҳам сувдан бош чиқармасангиз, ютқизганингиз бўлсин.

Бобораҳим сувга калла ташлаб йўқ бўлиб кетди. Болалар олдинма-кейин юзгача санадилар, бир оз туриб қайтадан санай бошладилар. Бобораҳимдан ҳамон дарак йўқ.

– Нима бало, терак илдизига боши илиниб қолдими? – деди гаров ўйнаган бола саросимага тушган шерикларига қараб.

– Йўғ-э, ўзи сув тагида ётавераман, деган эди-ку. Бекорга айтмагандир, – деди оёғи узун жиккак бир бола. – Бир оз кутиб турайлик.

Шу пайт масжиднинг кунжида яшириниб турган малла соқолли ўғрикўз киши болалар олдига келиб:

– Ҳалиям чиқмадими? – деб сўради. – Бир бало бўлганга ўхшайдур. Шу йигитнинг дидосиними, абасиними, дарров чақириб келинглар!

– Абаси уйда чарх йигириб ўтирипти. Ҳозир чақириб келаман, – деди бояги оёғи узун ориқ бола.

– Майли, бориб чақириб кел. Мен номаҳрам киши, бу ерда турмай, – деди малла соқолли киши узоқлашар экан.

Орадан кўп ўтмай, оғзини дока билан ўраб олган она шўрлик ҳарсиллаб ҳовуз бўйига келди-да, энтикиб:

– Ҳалиям сув тагида ётиптими? – деб сўради. – Вой ўғлим, ёлғизим, тирикмисан, ўликмисан?

– Тирикка ўхшайди, – деди семиз бола. – Сув тагида қимирлаётгани билиниб турипти.

– Вой, жоним балам, кўрар кўзим, ёлғизим! – деб фарёд кўтарди онаизор. – Дунёда орттирган боғим – беҳиштим, суянган тоғим сен эдинг, юрак-бағримни кабоб айлама...

Бобораҳим сув остида бир учи сув бетига чиқиб турган қамиш най орқали нафас олиб чалқанча тушиб ётар эди. Қулоғига узоқдан йиғига ўхшаш бир овоз чалингандек бўлди: «Ҳойнаҳой бувим келиб додлаётган бўлсалар керак, уларни хафа қилмай», деб сувдан бош кўтарди-ю, ҳовуздан чиқиб, қўлидаги қамиш найни улоқтириб юборди. Ҳовуз бўнидагилар саросимага тушганлари учун буни

пайқамай ҳам қолдилар. Она шўрлик, «Вой, балам тирик экан», деб югуриб келиб, баданидан сув оқиб турган ўғлини кучоқлаб олди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди. Боборaҳим эса бир силкиниб, онасининг қучоғидан чиқди-да, терак шохига қистириб қўйган кўйлак-иштонини кийиб, уйга югурди.

* * *

– Қани Бобораҳим? Нега анинг юзига қора суртиб, қўлини орқасига боғлаб олиб келмадинглар? – деди мулло Бозор ҳориб-чарчаб келган Муҳаммад Ризога.

– Эй, пири муршид, биз анинг орқасидан юриб, адирға чиқдик, сойдаги тол тагида пусиб ётдик, – деб ҳикоя қила кетди Муҳаммад Ризо, негадир овозини пасайтириб. – Ул ҳеч қандай аёл зоти билан учрашмади. Қўлига сеторини олиб: «Эй ёри жоним, кўрсат жамолинг» деб нола қилди. Биз ётган еримизда анинг хонишига қулоқ солиб, мумдек эриб кетдик...

Кейин у Бобораҳимнинг уйи томон йўл олганини, катта масжидга келиб, ҳовузга ўзини ташлаб узоқ вақтгача сув тагида қолиб кетганини айтиб берди.

– Бобораҳим фисқ-фужур гирдобиға тушиб қолди, деб ўйлаган эдим, янглишган эканман, – деди мулло Бозор пахмоқ соқолини қашиб, – Ҳофиз ва Навоийнинг ғазалларини ёд олиб юрган йигитдин ёмонлик келарми эди? Сув остида ётишида худонинг ўзига маълум бир ҳикмат бор. Агар бул йигитни астойдил тарбият қилсак, тариқатимизнинг устуни бўлиб етишгай.

* * *

Хонақо ҳовлисидан оқиб ўтадиган ариқнинг четида муллалар қатор бўлиб таҳорат қилаётган эдилар. Муҳаммад Ризо билагини тирсагигача юватуриб ёнидаги бир муллаваччага Бобораҳимнинг орқасидан адирга чиқиб, овора бўлганлигини гапириб берди.

– Агар ростдан ҳам маъшуқаси билан учрашиб турганини кўрсангиз не қилар эдингиз?

– Не қилардик, қўлини орқасига боғлаб хонақога олиб келардик.

– Маъшуқасини-чи?

Муҳаммад Ризо пичирлаб бир нима деган эди, муллавачча хохолаб кулиб юборди. Шу пайт юқорироқда таҳорат қилаётган бир мурид:

– Ҳой мусулмонлар, таҳоратингиз бузилди! – деб ҳайқирди; белбоғини боғлаётган Бобораҳимни кўрсатиб. – Анави лаин ариққа қараб пешоб қилди, сув ҳаром бўлди.

– Мен ҳам кўрдим, – деб унинг гапини тасдиқлади шу бугун сочини устара билан олдирган бир мурид ижирғаниб. Баъзилар қайтадан таҳорат қилиш учун сойга туша бошладилар.

– Ушланглар уни, адабини берамиз, – деди биров. Машраб эса қочишни хаёлига ҳам келтирмас, оддий бир иш қилган кишидек бепарволик билан оқ яктагини тўғрилаб, улар томон келаверди.

– Нима қилдинг, аҳмоқ? – деб сўради Муҳаммад Ризо ўдағайлаб.

– Нима қилганимни кўрган бўлсангиз керак. Билиб туриб, нега сўрайсиз? Боласини онасига қўшдим, холос.

– Бу уятсизнинг гапини қаранглар. Шариатни оёқ ости қилғон бу гуноҳкори азимни боғланглар, пири муршиднинг ҳузурларига судраб оборамиз!

Унга ташланган бир муллани Машраб итариб юборди, иккинчисини чалиб йиқитди.

– Бир дуо ўқиб: «Куф-суф!» дейман, биринг кўр, биринг шол бўлиб қоласанлар, – деди Бобораҳим яқинлашиб келаётган муридларга қаттиқ тикилиб.

Хурофот бандалари кўзларидан ўт чақнаб турган йигитнинг важоҳатини кўргач, қўрқиб тисарилдилар.

Бир муриди орқали воқеадан хабардор бўлган мулло Бозор улар олдига келиб:

– Бобораҳим, юр мен билан! – деб буйруқ берди. У итоаткорлик билан орқасидан эргашган шогирдини ўз ҳужрасига бошлаб олиб кирганидан кейин:

– Бу нима қилиқ? – деб сўради.

– Эй, устоз, уламоларимиз, сув етти юмаланса, ҳалол бўладур, дейдилар. Мен пешоб қилган ердин таҳорат олаётган зуҳд-тақво эгалари олдига оқиб келгунча сув етти маротаба эмас, тахминан етмиш маротаба юмаланган бўлса керак, дин пешволари кўзи билан қарасак – сув ҳалол. Нега уламолар ўз сўзларида турмайдилар. Ахир, сўз билан иш бир бўлиши керак-ку!

– Бас қил, уламоларга тил тегизма! – деди мулло Бозор қовоғини солиб. – Ўзингни бил, ўзгани қўй. Таҳорат олиб турган художўй одамларнинг кўнглини ғаш қилиш – улуғ гуноҳ.

– Художўй деб кимларни айтяпсиз? Улар шайтоннинг мардикорлари-ку! Риёкор муридларингиз қишлоқ-овулларга чиққанларида сизнинг номингизни сотиб, содда халқни талайдилар, бир кўйлакли бўз ёки рўмол совға қилиб, кўчманчиларнинг хотинларини булғайдилар.

– Бўлди, бўлди, гапни чўзма. Мен сен билан кейин сўйлашамен, ҳозирча... ҳужрани бўшат, мени ёлғиз қўй!

Бобораҳим чиқиб кетгандан кейин мулло Бозор ўйга толди: «Агар бир чора кўрмасак, Бобораҳим бундин ҳам хунук қилиқлар чиқариб, бизни шарманда қилиши турган гап. Ҳар гал уламоларнинг сўзларидин, диний китоблардин мантиқсизлик топиб, мени мот қилмоқчи бўладур. Бир иложини топиб, андин қутулмоқ зарур. Аммо қандай қилиб?..»

У ажин босган пешонасини ушлаб хаёл суриб ўтирган маҳалда Маддоҳ маҳалласидаги катта масжиднинг имоми мулла Абдулхолиқ қори ҳужра остонасидан ҳатлаб ўтиб:

– Ассалому алайкум, мулло Бозор охунд, – деди қироат билан. – Нега бошингизни чангаллаб ўлтирибсиз, нима ташвишлар пешонангизни тириштирган?

– Ваалайкум ассалом. Келсинлар, қани бу ёққа. Кимнинг ғамини ердим? Муридлар, шогирдлар ғамини еймaн-да! – Улар ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин мезбон муллоларнинг таҳоратини бузган Бобораҳимнинг қилиқларини гапириб берди.

– Бобораҳим? Бизнинг маҳаллалик ўспиринми? Андижонликларнинг фарзанди...

– Ҳа, худди ўшал боланинг ўзи... Сиз ҳам танир экансиз-да? – деди мулло Бозор киприксиз кўзларини чақнатиб.

– Ҳа, таниймен. Болалик чоғида, тахминан етти йил илгари, бизнинг масжид ҳавзида яланғоч чўмилар эди. Мен танбеҳ берганимда бир сўз билан мени мот қилмоқчи бўлди. Агар йигитлик фаслида ҳам шундоғ ишларни қилиб юрган бўлса, ани дарҳол бул ердин жўнатмоқ керак. Офоқхожамнинг инилари Маҳдуми Аъзам ҳузурларига боринг, шояд ул кишидин бир яхши маслаҳат чиқса...

* * *

Мулло Бозор дарвозаси нақшинкор ичкари-ташқарили муҳташам ҳовлига яқинлашганида бир оз тўхтаб, нафасини ростлаб олди-да, кейин секин дарвозани тақиллатди. Ичкаридан коп-қора соқолли ўрта яшар дарвозабон чиқиб, меҳмонга таъзим қилгач:

– Қани, ичкарига, ўзлари меҳмонхонада ўтирибдурлар, – деди.

Мулла Бозор зинадан чиқиб меҳмонхона пойгоҳига қадам қўйганида қорачадан келган, қотма, баланд бўйли Махдуми Аъзам ўрнидан туриб салом берди-да:

– Э, келинг, таксир, қани тўрга ўтсинлар, – деди.

Ўтириб юзларига фотиҳа тортганларидан кейин ҳол-аҳвол сўрашдилар. Хизматкор дарҳол дастурхон ёзиб, турли ноз-неъматлар келтириб қўйди. Меҳмон билан мезбон у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирди.

– Муридларингиз орасида бир вактлар Хуросондин кўчиб келган эронийлар ҳам бор. Алар орасида шиа мазҳабидин воз кечмаганлар ҳам йўқ эмасдур? – деб сўради мезбон қора соқолини икки бармоғи билан ўйнаб.

– Йўқ десам хато қилмаган бўлурмен. Эронийларни кўчириб келиб Наманганга жойлаштирган Абдуллахон аларни аччиқ қамчи билан сунний мазҳабига киритмоқчи бўлган, аммо мақсадга эришолмаган эди. Биз юмшоқлик билан аларни тўғри йўлга сола билдик.

– Боракалло, дарахтнинг юмшоқ илдизи харсангтошни ёриб ўтадур. Юмшоқлик тиғи қиличдан ўткир. Сиз улуғ ишларнинг бошида турибсиз, таксир.

– Назаримда ҳозир шиа мазҳаб эмас, шаккоклик биз учун хавф-хатарлидир. Ёшларнинг баъзилари Хожа Ҳофиз, Амир Навоийнинг ғазалларин ўзларича талқин этиб, зуҳд-тақво аҳлиға нисбатан нолойиқ муносабатда бўлмоқдалар.

Мулло Бозор бошини қуйи солиб, Бобораҳимнииг қилган ишларини гапириб берди.

– Ие, нега анга жазо бермадингиз? Ани ётқизиб яланғоч баданига йигирма-ўттиз дарра урдириш керак эди-ку! – деди мезбон қизишиб.

Ўз шогирдига юраги ачишиб турган мулло Бозор уни бундай оғир жазодан қутқариш учун дарров важ топа қолди.

– Тақсир, девонани жазоламоқ шариатга мувофиқ эмас!

– Андоғ бўлса, ўшал йигитни алдаб-сулдаб узоқ бир ерга отлантирмоқ лозим. Ани Қошғарга жўнатсак қандоғ бўлар экан?

– Жуда соз бўлади-да! Сиз кўнглимдаги гапни айтдингиз. Пири комил Офоқхожам Бобораҳимни ҳидоят йўлиға солиб йиборурлар.

– Рост айтдингиз. Бир жиҳатдин буюк оғомга содиқ навкар-мулозимлар, хизматкорлар, ўтинчилар керак. Шариат йўлидан озган ўшал девона йигитни алдаб-сулдаб, кўнглида саёҳатга ҳавас уйғотинг. Ёш йигитлар узоқ ерларга сафар қилмоқ, янги-янги ерларни кўрмоққа иштиёқманддурлар. Келгуси ҳафта шанба куни мулло Қозоқбойнинг карвони Қошғар сари равона бўлғай. Арқасиға амри маъруф қамчиси тегмаган ўшал йигитни шул карвон била жўнатилса яхши бўлур эди. Буюк оғам анинг бўйниға итоат занжирини ташлаб, ҳидоят йўлиға солғусидурлар...

Мезбоннинг бу гаплари меҳмоннинг юрагига ғулғула солиб, кўнглида шубҳа уйғотди. Наҳотни Бобораҳим шундан-шунга бориб, илм-маърифат ўрганиш ўрнига, қул каби ўтин кесиб, сув ташиб юрса, деган фикр юрагини ўртаган, Махдуми Аъзам ҳузурига келиб маслаҳат сўрагани учун пушаймон ея бошлаган эди. У бир оз гаплашиб ўтириб ўрнидан турди. Мезбон хайрлашар экан, унга кўзини қаттиқ тикиб:

– Шанба куни мулло Қозоқбойнинг карвони йўлға чиқадур, – деди. – Бобораҳимни албатта Қошғар сари йибормоқ керак, келишдик, а?

– Ҳа, тақсир, келишдик, – деди мулло Бозор негадир шошиб.

* * *

– Балам, сенинг кўнглинг тиниқ бир ҳавзға ўхшар, беғубор ойина янглиғ ўз бағрида юлдузлар тўла осмонни акс эттирар эди. Бора-бора ифлос сувлар кириб, ани лойқата бошладилар. Эмди бул ифлос ариқларнинг йўлини тўсмоқ, Муҳаммад Ризо янглиғ фосиқлардан узоқлашмоқ керак. Соҳиби камол бўлмоқни истаган киши сафар камарин белига боғлаб, раёзат чекиб ҳақиқат йўлин изламоғи керак, – деб гап бошлади мулла Бозор рўпарасида ўтирган Бобораҳимга киприклари тушиб кетган ўткир кўзларини қаттиқ тикиб. – Бу дунё роҳатин тарк этмагунча киши диёнат дар ё синing соҳилиға етолмағай. Балам, сен пири муршидимиз Офоқ

хожа ҳазратларининг даргоҳларига бош уриб бор. Аларнинг соф нафаслари кўнглингни хира қилиб турган шубҳа булутларин таркатиб йиборғай. Ё ҳу, деб йўлға равона бўл!

Риёкор муллалар, тамагир эшонлардан, белига ковок осиб халқни товлаб юрган маддоҳлардан кўнгли айниб юрган Бобораҳим устозининг гапларини эшитиб, сафар отига мингиси, қорли тоғлар ошиб, тошқин сойларни кечиб, узокдан жаннатдек кўринган Офокхожа даргоҳига учиб кетгиси келиб қолди. Мулла Бозор юзи ёришиб кетган шогирдига синчков назар ташлаб, отган ўқи нишонга текканини пайкади.

– Эй устоз, фақирликни ихтиёр қилиб, ҳақиқат йўлига тушганим бўлсин. Ул жаннатмакон ерга кандай етиб борамен, йўл кўрсатинг! – деди Бобораҳим ҳаяжон билан.

Мулла Бозор чуқур бир энтикиб:

– Ўғлим, мен сенинг ғамингни еб, ҳаммасини ўйлаб кўйғонмен, – деди. – Келаси ҳафта шанба куни Қозокбойнинг карвони Қошғар сари равона бўлғай. Карвонбоши билан ўзим сўйлашиб кўямен, бул жиҳатдин кўнглинг тўқ, бўлсин. Модари меҳрибонингни кўндирсанг – бас.

* * *

– Ҳеч қаён йибормаймен! – деди ўғлининг гапини эшитиб юраги қон бўлган она шўрлик. – Ҳали ёшсен, оқни корадин, дўстни душмандин айира билмайсен. Ёт юртларда хор-зор бўлишингни, оч-яланғоч юришингни истамаймен.

– Бувижон, мени йўлдин урманг. Таваккал камарин белга боғлаб, сафарга отлонғонмен.

– Волидайи меҳрибонингни қон какшатиб кетмоқ ниятидамисен? Ёнган чироғимни ўчириб, мени адо бўлмас дардға кўмиб кетмоқчимисен?

Йўқ, ҳеч қаён кетмайсен! – деди бошидан дока рўмоли тушиб кетган онаизор, ўғлининг йўлини тўсмокчи бўлгандай икки қўлини кериб.

Бобораҳимга Офокхожа узоқдан фариштадек бегуноҳ, мурдага жон киргизадиган оташнафас бир самовий сиймодек кўринар эди.

– Буви, йўлимни тўсманг. Мен бул ердин бош олиб кетишга азм қилғонмен. Ўзим Наманган шаҳрида бўлсам ҳам, хаёлим улуғ даргоҳда. Табаррук бўсағаларда! – деди Бобораҳим ҳаяжон билан.

– Ўшал ерда бошингга бир бало келмасайди деб қўрқамен, юрагим нотинч, кўнглим ғаш. Вой балам, юрагимнинг мадори, нуридийдам. Онажонинг айлансин қадди-қоматингдан!

Онаизор ўғлининг авзойини кўриб, хатарли йўлдан қайтара олмаслигини пайқади, сафарга оқ фотиҳа беришга мажбур бўлди.

Шанба куни тонг пайтида уларнинг уйи мотамхонага айланди. Боборахим бўз чопони устидан белбоғини боғлаб, бўғжамасини олиб, эшик олдига келганда онаси фарёд кўтариб, уни бағрига босди, кўзларидан шашқатор ёш оқиб турган синглиси эса оёқларидан маҳкам қучоқлаб олди.

– Мени қўйиб йиборинг, бувижон, – деди Боборахим ўзини йиғидан аранг тутиб. – Мен ўғлингизга оқ фотиҳа берингиз?!

У меҳрибонлик занжиридан ўзини қутқариб олгандан кейин кўз ёшларини яширинча артиб, эшикдан чиқиб кетди. Дарахтларни силкитиб ғувиллаган боди сабо совуқ нафаси билан уни нотаниш ўлкаларга чорлар эди.

## 3. ИХЛОС ТУЗОҒИ

Чўлларни қоплаган чечаклар ҳидидан маст бўлган баҳор шамоли дадил қадам ташлаб кетаётган йигитга тегажоғлик қилаётгандек яктаги этакларидан тортқилар, юзини сийпалаб, гўё қулоғига бир нарсалар деб шивирлар эди. Қора қошлари бир-бирига туташган, қуралай кўзлари катта-катта, мўйлови сабза урган, сочлари ўсиб елкасига тушган хушқомат йигит бир пиёла шароб ичиб олган кишидек атрофга кулиб боқиб, юришини тезлаштирди. Қошғар шаҳрининг ташқарисидаги хонақонинг баланд гумбази, унинг атрофинн ўраган қўрғоннинг кунгиралари, ссрнақш дарвозаси кўзга чалингач, юраги гупиллаб уриб кетди, елкасидаги халтасини олиб, ерга ўтирди-да, пичирлаб дуо ўқий бошлади. Бу ихлосманд йигит мана шу хонақода истиқомат қилувчи пири муршид Офоқхожани зиёрат қилгани келаётган эди. Мана энди у ўша улуғ даргоҳ бўсағасида турибди. Насиб қилса, шу бугун фариштамонанд Офоқхожа оёғига йиқилиб, табаррук этакларини юзига суртади. Бунинг учун у ҳам жисман, ҳам руҳан тайёргарлик кўриб қўйди. Қошғар яқинидан оқиб ўтадиган Қизилсув наҳрида чўмилиб, таҳорат олди, дуойи такбир билан руҳини поклади.

Кўнгли равшан тортгандан кейин ўрнидан туриб, кунгирадор хонақо томон дадил қадам ташлади, дарвоза олдига етиб келганда қора чопонли, чуст дўппили дарвозабон йигит йўлини тўсди.

– Тўхта! – деди йўловчининг уст-бошига, оёғидаги эски чориғию қўлидаги сеторга шубҳа аралаш қараб. – Қаерликсен, қайга борасен?

– Намангонликмен, Офоқхожани зиёрат этгали келаётирмен.

– Лайлак келганига бир ҳафта бўлғони йўқ, кетиндин намангонлик кепти-да, – деди қоровул кулиб.

Дарвозахонада ўтирган эски саллали, малла чопонли, ўрта ёшли киши тасбеҳ ўгиришдан тўхтаб:

– Ажаб дарвешсифат, хушсурат йигит эркан, қўйиб юбор, – деди. – Нега ани калака қилаётирсен? Намангон аҳли ҳеч қачон лайлакни худо, деган эмас. Бу – андижонликлардин чиққан гап. Ҳой йигит, бу ёққа келинг, халтангизда не бор?

– Ассалому алайкум, – деди зиёратчи йигит дарвозахонага кириб, елкасидаги халтани ерга қўяр экан. – Таваккал қилиб йўлға чиққан киши на талқону на қалқон ғамин ер, ризқини йўлдин топар, – у халтасидан учта китоб чиқарди: – Хожа Ҳофиз, Лутфий, Амир Навоий девонлари. Йўлда дилимға ғайрат бағишлаган ҳамроҳларим шулар. Юрагимга қил сиғмай қолганда сеторимнинг навосига кулок солурмен.

– Баракалло, чиндан ҳам шеримард экансиз. Пиримизга сиздек йигитлар керак. – Малла чопонли мурид йигитнинг оти, насли насабин суриштирди.

– Отим Бобораҳим, ҳарф ўргатиб, саводимни чиқорғон устозим мулло Бозор охунд менга Машраб деб лақаб қўйғон эдилар.

– Боракалло, устозингиз сизга топиб лақаб қўйибдурлар, баайни узукка кўз қўйғондек бўлибдур.

– Машрабнинг маъниси не? – сўраб қолди дарвозабон йигит.

– Машраб – одат, хулқ-атвор дегани. Бул йигитнинг қиёфаси, юриш-туришидан кўриниб турибдурки, хулқи ўзига хос, – деди малла тўнли мурид ва Машрабга ўгирилиб сўзида давом этди: – Мулло Бозор охунд кутби олам, яъни Офоқхожамнинг ихлосманд муридлари, девонайи барҳақ, соҳиби жазава, табаррук зот эрурлар. Аларнинг шогирдлари бўлсангиз, сиз ҳам ҳақиқат йўлиға тушган мард йигитлардин экансиз. Офоқхожа кеча менга:

«Мулла Қосим, оғзида калимайи шаҳодат, белда камари хизмати бўлғон йигитлардин топинг» деган эрдилар.

– Қарангки, дастёри беминнат ўз оёғи билан келибдур, – деди дарвозабон мийиғида кулиб.

Мулла Қосим унга хўмрайиб қараб қўйди-да: «қани юринг!» деб Бобораҳимни ичкарига бошлади. Хонақонинг ҳовлиси катта бўлиб, унинг икки тарафига мусофирлар учун ҳужралар, ўтинхона, ошхона, отхона солинган, тўрда катта зикрхона, саломхона. Хонақонинг орқасидаги катта ҳовлида бутун Қошқар вилоятининг ҳокими мутлақи Офоқхожанинг хотинлари, канизак-чўрилари чуғурлашар эдилар.

Мулла Қосим зиёратчи йигитни зинапояда қолдириб, ўймакор эшикни аста очди-да, саломхонага кириб кетди. Бобораҳим эса бир оздан кейин сеторини қўлга олиб, баланд овоз билан Офоқхожага бағишлаган ғазалини ўқий бошлади:

Даргоҳингга бир ожизи афгор келибмен,
Арзи дилим этмоқ учун зор келибмен...

Катта саломхонанинг тўридаги курси устида ўтирган Офоқхожа ёш зиёратчининг най садосидек ёқимли қўшиғига қулоқ солиб, кулимсиради-да:

– Ким у? – деб сўради.

Эшик ёнида қўл қовуштириб турган мулла Қосим бош эгди:

– Дардига даво тилаб келган йигит.

– Чақиринг бу ёққа ўшал толиби дийдорни, – деди Офоқхожа.

Мулла Қосим таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқиб кетди, бир оздан кейин қомати келишган, қора сочлари елкасига тушган Бобораҳимни бошлаб келди. Юзи илҳом нури билан ёришиб, кўзлари чақнаб кетган ёш йигит икки букилиб салом берди-да, пирнинг оёғига йиқилди.

Эгнида оддий кашмирий тўн, ҳожи дўпписида мисқоли салла, соқолига оқ оралаган Офоқхожа йигитнинг қўлидан ушлаб турғазиб қўйди. Кумуш ёқали, зар тўнли икки вазир – мулла Боқий билан мулла Соқий ҳокими мутлақнинг икки тарафида виқор билан турарди.

– Ҳузуримизга дармон тилаб келган ҳар бир шеримардға лутф-карам дарвозаси очиқ, – деди Офоқхожа қоматини тик тутиб. У ёш

шоирнинг таърифини эшитгани учун исм, насл-насабини суриштириб ўтирмади. Рўпарасида ихлос тузоғига илинган йигит турганини пайқаб кароматини кўрсатмоқчи бўлди. Ўнг қўлини Машрабнинг елкасига қўйиб, кўзларига қаттиқ тикилди. – Хизр назар солғон йигит кўринасиз. Хизматимизда бўлсангиз, ҳақни ботилдин айириб олурсиз. Билиб қўйинг, ҳақдин ўзга ҳамма нарса ёлғон. Сиз ҳам, биз ҳам, дунёдаги барча мавжудот ҳам бируборнинг шуъласи... Ўргумчак оғзидин тола чиқаргани сингари, бирубор ҳам йўқдин самовот курсиси, еру фалакни яратган...

У бир оҳангда гапириб, таъсирчан йигитнинг елкасини силар, кўзига тикилиб, айтган сўзларини такрорлар эди. Машраб аъзойи бадани мумдек эриб, қовоқлари оғир тортаётганини сезди, бир оздан кейин кўзига оғзидан тола чиқаётган катта ўргумчак кўриниб кетдию, ногоҳ кўз ўнгини зулмат қоплади, оёқда туролмай, йиқилиб тушди.

– Кароматингиздин айланай, хожам! – деб юборишди девор тагида қўл қовуштириб турган муридлар.

– Сирри-асрор пардасини очиб, бизни ҳидоят йўлига солинг, ё қутби олам! – деб чулдиради мулла Қосим пири этагидан ўпиб.

Ҳаммани ваҳима босган. Офоқхожа эса кўзини юмган қўйи тош - дек қотиб турарди. Бир оздан сўнг оёғи остида ётган Машрабга тикилиб:

– Оч кўзингни, тур ўрнингдин! – деб буйруқ берди.

Машраб уйғониб ўрнидан турди, ўзига келгандан кейин камоли ихлос билан ғайриоддий руҳий кучга эга бўлган пирнинг қўлидан ўпди.

Нонвой хамирни роса эзғилаб, унга истаган шаклни бериб, тандирга ёпганидек, Офоқхожа ҳам чарчаб бўшашган ихлосманд муридини энди ўтга тоблаб, сувга ташлаши мумкин эди.

* * *

Хонақонинг хўжалиги катта, келди-кетди кўп. Назрга пайдар пай қўй-эчкилар келиб туради, қассоблар уларни бўғизлаб, нимталаб улгуролмайдилар. Дошқозонлар тагида ловуллаб ёнаётган оловнинг тиллари доим гўшт сўраб яланиб туради. Ялангоёқ муридларнинг баъзилари дарёдан сув ташиб, кетма-кет катта хумларни тўлдиради, баъзилари тўқайдан ўтин кесиб келтиради.

Овқат сузилаётган маҳалда ҳалимхона тинмай тасбеҳ ўгирган малла чопонли муридларга тўлиб кетади. Улар қоринларини тўйғазиб, ғайратга кириб кетадилар, зикрхонада гир айланиб, зикр тушадилар.

Ичкарида эса чўри-канизлар, Офоқхожанинг бош хотини Хонимнииг хизматларида. Хонақо эртадан кечгача арининг инидек ғувиллайди. Бу ердаги одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини тушуниб етмаган, ҳали ақли уйқуда бўлган Бобораҳим бу муҳитга шоирона тус бериб, ўзини жаннатга тушгандек ҳис қилар, топширилган ишларни бажонидил бажарар эди. У ўзига ўхшаш бечора бир мурид билан ўтин арралар, ўчоқнинг кулини олар, дошқозон тагига ўт қалар эди. Кечқурун овқатланиб ўзига келгандан кейин у баъзан қўлига сеторини олиб, хониш қилар, унинг атрофини ялангоёқ муридлар ўраб олар эдилар. Ёш канизаклар бошларидаги рўмолларини қия ёпиб, эшик олдида Машрабнинг ёқимли овозига завқ билан қулоқ солишарди. Мутаассиб мулла Қосим уларни ичкарига ҳайдаб юборар, муридларга ҳар хил иш буюрарди.

Ниҳоят, у бу воқеалардан Офоқхожани хабардор қилишни лозим топди. Пири муршид унинг гапини эшитиб, бўзариб кетди-да:

– Ани ҳар куни эрта билан тўқайга – ўтин кесишга юборинг! – деб буйруқ берди. – Кечқурун чарчаб келиб, илкига сетор олишга мажоли қолмас.

Канизакларнинг Бобораҳимга қизиқиб қолганлари тўғрисидаги гап унинг юрагида рашк илонини қўзғатиб қўйган эди...

Эртасига мулла Боқий Бобораҳимнинг қўлига ўн қулоч арқон, битта ўткир болта бориб: «Сизнинг вазифангиз, ҳар куни тўқайдин бир эшак ўтин кесиб келиш», деди.

– Хўп, тақсир, – деди Бобораҳим қўл ковуштириб.

Шундан сўнг ҳар куни азонда туриб, эшагига тўқим уриб, тўқайга жўнайдиган бўлди. Йўлда ўзини овутиш учун у ўз ғазалларини куйга солиб, хониш қилар, кўнгли эрталабки ёмғирдан яшнаган тоғдек умид чечаклари билан қопланар эди. Паррандаларнинг чуғур-чуғури билан тўлиб-тошган тўқайга келиб, эшагини тушовлаб, қўлига болта олиб, ёввойи жийда, тол, тўронғиларни кесиб, боғлар эди...

Шу зайлда ойлар кетидан ойлар ўтди. Ёз ўтиб, қиш келди. Қиш ўз орқасидан баҳорни эргаштириб келиб қолди. Қулдек қорайиб, қўлларини қадоқ босган Бобораҳим ҳамон тўқайга қатнагани қатнаган эди.

Хонимнинг хизматида бўлган бир чўри қиз ҳар куни намоз вақти Офоқхожага таҳорат суви олиб чиқарди. Машраб сернақш мис обдаста кўтариб турган, қизил рўмолини кия ёпинган бу чиройли канизакни кўрса ҳам индамай ерга қараб ўтиб кетар эди. У номаҳрамга, хусусан пири муршиднинг хизматидаги чўриларга тикилиб қарашни куфрони неъмат деб биларди. Лекин қиз тушмагур... қомати келишган, мўйлаби сабз урган чиройли йигитни кўрганда гулдек очилиб кетар, рўмолининг бир чеккасини очиб, хиёл қийиқ, қора кўзлари билан кулиб қарарди-ю, дарҳол юзини тескари ўгириб оларди. Гаплашишмаган бўлсалар ҳам, кўзга кўринмас меҳр иплари уларни бир-бирига боғлай бошлаган эди.

Бир куни кечқурун Машраб эшагини ўтинхона олдида тўхтатиб, ўтин тушираётганда қошига ўсма қўйиб, кипригига сурма тортган қиз у ёқ-бу ёққа қараб, унга яқинлашди.

– Бугун бак хушҳолсиз-ҳў, – деди у жон олғувчи кўзларини Машрабга тикиб.

– Ҳа, – деди юзи ёришиб кетган Машраб. – Бугун савоб иш қилдим. Бир кийикнинг боласини ушлаб олган эдим, қўйиб юбордим, онаси мени алқай-алқай уни эргаштириб кетди.

– Ҳамиша савоб иш қилиб жўрисиз. Умрингизда гуноҳ ҳам қилғонмисиз? – деди у киноя аралаш кулиб. Кейин гапни бошқа ёққа бурди. – Вой, этагингиз ёғочга илиниб житилибди-ғў. Чакмонингизни ешиб беринг, мен тикиб берай.

– Ҳозир. Олдин ўтинни тушуриб бўлай. Кейин ечиб мана бу ерга қўямен.

– Яхши, яктагингизни ҳам ешиб қўйинг, мен жуюб берамен.

Бу гапни эшитиб Машрабнинг қалби муҳаббат нури билан тўлиб-тошиб кетди. Хурсанд бўлганидан у ўзини қаерга қўйишини билмас, ашула айтгиси келарди. Назарида бугун қилган савобли иши унга севги хазинасининг дарвозасини очиб бергандек эди.

Бугун эрта билан одатдагидек тўқайга келиб, қўлига болта олганда ўттиз қадамча нарида мўлтираб турган кийикка кўзи тушди. Машраб уни анча ергача таъқиб қилиб борди, кийик ўқдек учиб кетди-да, яна тўхтади.

Жонивор шу орада боласи бордек узоққа қочиб кетмас, қўлида болта ушлаган йигитни чалғитиб, чўлга олиб кетмоқчига ўхшар эди. Ёш йигит изига қайтиб, орқасидан кийикнинг эргашиб кела-

ётганини пайқади ва уни биринчи учратган жойида, ўтлар орасида кийик боласи ётганини кўрди. «Кечагина ёки бугун саҳарда туғилган бўлса керак», деб уни қўлига олди. Машрабнинг меҳри товланиб, бир қўли билан кийик боласини аста силаб, унинг шабнамдек жозибали кўзларига термилди. «Уйга олиб кетиб тарбиялasаммикин?» деган фикр кўнглига келди-ю, лекин узоқда намли кўзларини боласига тикиб, ер тепиниб турган онасини кўргач, ўз фикридан қайтди. «Қўрқма, жонивор, болангии олиб кетмайман», деди йигит кийик боласини ерга қўйиб, орқасига қайтар экан. Она кийик болтали йигитнинг узоклашганини кўриб, боласи ёнига келди, уни ялаб турғизганидан кейин эмизди, сўнгра гандираклаб юра бошлаган кийикчани эргаштириб, кўздаи ғойиб бўлди. Узоқдан уларни кузатиб турган Машраб, хурсанд бўлиб ўзини адолатли бир иш қилган подшоҳдек ҳис этди ва бугунги хурсандчилик шу савоб ишнинг оқибати деб ўйлади.

* * *

Рўзихон билан Машраб одамларнинг кўзини шамғалат қилиб тез-тез учрашадиган бўлиб қолди. Улар намози шом ёки хуфтон вақтини сабрсизлик билан кутишар эди. Бу вақтларда жамоат жам бўлиб намоз ўқир, хонако ҳовлисида зоғ учмасди...

Ёш канизакнинг ёкут лабларидан муҳаббат шаробини тотиб кўрган Машраб намозни унутиб қўйган, жаннатдаги ҳавзи кавсар шаробидан ҳам воз кечган эди. У ўзини мусулмони комил ҳисобламаса ҳам, вужуди дин ақидаларига бўйсунмаётганини ҳис этарди.

Бир куни хуфтон намози ўқилаётган маҳалда Рўзихон унинг белидан қучиб:

– Ўлгунимча қулинг бўлай. У дунёга кетишиму ризоман, – деди.

– Бошимда отам, қўлимда ҳунарим, турарга уй-жойим бўлмаса, сени олиб қаёққа борамен? – деди Машраб.

– Файзободга бориб, бойларнинг қўйини боқимиз. Тинш ёшомиз бир капида.

Машраб севгилисининг корнига кулок тутиб шивирлади:

– Ўша ерда туғиладиган болалар қорнингда туриб: «Дада, нон, дада, ош!» деб йиғлашяпти. Мен уларни қандай боқамен?

– Қўйсангиз-о! – деди қиз, унинг пешонасидан итариб юбориб.

– Қаерга қочсак ҳам Офоқхожам бизни топиб олғай. Ахир, у бутун Қошғарнинг подшоси-ку! Ерга кирсак қулоғимиздин тортиб чиқарғай, осмонга чиқсак оёғимиздин...

– Бўлмиса Или бўйиғо кочиб катайлук.

– У ерлар қалмоқ хони Хунтайши илкида. У Офоқхожамнинг дўсти ва ҳожаси. Қалмоқлар дарҳол бизни топиб, Қашқарга қайтаргусидирлар. Қайга борсак ҳам бошимиз асорат домиға илингуси, – деди Машраб.

Ўй-хаёл домига илиниб типирчилаган икки ёш юрак нажот йўлини ахтарар, бироқ озодлик дарвозалари қулфлоғлик эканини кўриб, ўзларини қаерга қўйишни билишмас эди. Йигит ҳар куни ўтин кесгани тўқайга бориб, иш билан ўзини чалғитмоқчи бўлар, қиз эса унинг йўлига интизорлик билан кўз тикар эди.

Бир куни Машраб тўқайзорда қувватдан қолган бир чолга кўмаклашаман деб одатдагидан кеч қолди. Икковлон тўрт-беш боғлам ўтин тайёрлагунларича кун ботиб, атрофни қоронғилик боса бошлади. Ўтин ёрадиган, сут ташийдиган, ҳовли супурадиган муридлар – Машрабнинг дўстлари хавотир олиб: «Бечорани бўри еб кетмасайди, кечалари тўқайда ёлғиз юриш хатарли. Оч бўрилар, шағоллар овқат қидириб изғиб юрадилар», дейишар эди. Бу гаплар севгилисини кутавериб кўзи тўрт бўлган Рўзихоннинг қулоғига чалиниб, юрагига ғулғула соларди. У бир жойда туролмай, гоҳ ичкарига кириб, ўзини овутиш учун бирор иш билан шуғулланар, гоҳ уҳ тортиб, яна ташқарига чиқар, эҳтиёткорликни ҳам унутиб, хизматкорлардан Машрабнинг келган-келмаганини суриштирар эди. Унинг безовталиги баъзи одамларнинг кўнглида шубҳа уйғота бошлади.

Мулла Боқий хуфтон намозидан кейин Машрабни қидириб топиш учун тўқайга одам жўнатмоқчи бўлиб турганда, ўзи келиб қолди. У чарчаган, кўзлари киртайган бўлса ҳам, чеҳраси очиқ эди. Дўстлари теварак-атрофини ўраб олиб, нима учун кечикканини сўрай бошладилар...

Эртасига эрталаб мулла Боқий Офоқхожа билан ёлғиз қолганида Рўзихондан шубҳаси борлигини, кеча Машраб кечикиб қолганида у безовталаниб, уҳ тортиб юрганини батафсил сўзлаб берди.

Офоқхожа бу гапни эшитгач, юраги эзилиб кетган бўлса-да, сир бой бермай:

– Раҳмдил чўри, ўтинкашни бўри еб кетмасайди, деб ташвишланган бўлса – бу ажабланарли эмас, – деди.

Дами ичига тушиб кетган мулла Боқий тавозе билан бош эгиб қўйди, ичида эса Бобораҳимни қўлга тушириб, жазосини беришга аҳд қилди. У сўраб-суриштириб, Машраб баъзан шом, баъзан хуфтон намозини жамоат билан ўқимаслигини билиб олди ва тажрибали сайёддек қаерларга тузоқ қўйиш кераклигини дилидан ўтказиб, тасбеҳини ўгира бошлади...

Ҳаммаёқ жимжит. Хонақода жамоат жам, муридлар Офоқхожага иқтидо қилиб шом намозини ўқимоқдалар. Ёруғлик қоронғилик билан қўшилган пайт. Висол дамига муштоқ бўлган икки ёш худди оҳанрабо билан темирдек бир-бирининг кучоғига отилди. Иккови ҳам бир қадаҳдан бода ичгандек, атрофдаги нарсаларни кўрмас, қулоқлар болдек ширин сўзлардан бошқа нарсани эшитмас эди. Шу пайт пана жойда яширинган икки девсифат мурид бирдан отилиб чиқиб, уларни бир-биридан ажратди. Беихтиёр қичқириб юборган Рўзихоннинг товушини эшитиб, мулла Боқий ҳам улар устига югуриб келди.

Машрабни қўлини орқасига боғлаб ўтинхонага ташладилар, Рўзихонни эса сочидан судраб ичкарига олиб кириб кетдилар.

Офоқхожа воқеадан хабардор бўлса ҳам, ҳеч нарса эшитмаган кишидек вазмин ва хотиржам эди. Эрталабки нонуштадан кейин у шошмай саломхонага чиқди. Одатдагидек, тош каби қотган юзида ясама улуғворликдан бошқа ифода йўқ, ғазаби кўнгил хилватхонасида пинҳон, негадир кўзлари қонталаш эди. Курсига ўтириб, кашмирий чопонининг этакларини йиғиштириб олгандан сўнг қаддини ростлаб, гуноҳкор йигитни бошлаб келишни буюрди. Икки мурид қўли орқасига боғланган Машрабни қўлтиғидан ушлаб олиб келдилар.

– Қўлини ечиб қўйинглар! – деди Офоқхожа.

Икки қўли бўшагандан кейин Машраб гурс этиб пирининг оёғига йиқилди ва ялиниб, афв этишни сўради.

– Лутф-карамнинг ҳам чегараси бор. Жиноятни жазосиз қолдириш оқил кишининг иши эмас, – деди Офоқхожа. – Сўнгра ўнг томонида турган мулла Соқийдан сўради: – Хўш, шарорат кўчасига кирган фосиқнинг жазоси не бўлур?

– Ўлим, – деди мулла Соқий. – Ани қопга солиб, минорадан ташлаб юбормоқ керак!

Пири муршид сўл томонига бурилиб, мулла Боқийга қаради:

– Хўш, сиз нима дейсиз?

– Мен ҳам шул фикрдамен, фосиқнинг қони ҳалол!

Офоқхожа кўзини юмиб, гўё адолат юзасидан иш кўрмокчи бўлган подшоҳдек ўйга толди. У боғида очилган ноёб гулни ўзидан олдин бир ялангоёқ муриди ҳидлагани учун ғазабга келган эди. Рашк оловида ёнган юраги: «Машрабни ҳозироқ қопга солиб, минорадан ташлаттириб юбор!!!», деб турса ҳам, акли: «Кўп ошикма! – дер эди. – Бу ялангоёқ шоир йигитнинг камбағал муридлар орасида мухлислари кўп. Қатл эттирсанг, уни валий деб юрита бошлайдилар. Сен валий бир одамни ўлдиртирган бўлиб чиқасан. Уйлаб кўр!».

У чуқур мулоҳазадан сўнг бир карорга келди-да, ёнини ковлаб, мис ва темир қотишмасидан қилинган муҳрини қўлга олди. Содиқ муриди мулла Қосимни чақириб, унга бир хокандоз чўғ келтиришни ва муҳрни оловга тоблаб қиздиришни буюрди.

– Шариат ҳалқасин узиб, шарорат йўлиға кирган бу осий банда ўлимга лойиқ, – деди у қовоғини уйиб. – Аммо биз қасос олмоқни айб, афв этмоқни ҳунар деб билурмиз. Шул сабабдин қонини ўзига бағишладик. Аммо жинояни жазосиз қолдириш ҳам шариатга хилоф. Шуни хотирда тутиб, бу фосиқ йигитни эрлик қувватидин маҳрум этмакка қарор қилдик.

Шуни деб, чўғда қизиб тобига келган муҳрни дастасидан ушлаб, олдида бош эгиб турган Машрабнинг бўйнидаги асаб томирларидан бирига босди. Машраб кўксига найза санчилган одамдек инграб йиқилди.

– Отхонага олиб боринглар бу фосиқни, Ниёз охун ани ахта қилиб қўйсин! – деб буйруқ берди Офоқхожа.

Орадан бирор соат ўтгандан кейин беҳуш Машрабни нимқоронғи хужрага олиб кириб, эски пўстак устига ёткизиб қўйдилар. У ўзига келгандан кейин ҳам қимирлашга ҳоли келмай, инграб ётди. Кечга яқин мудрок бошланган эди, кўзи ҳужра эшиги олдида турган Ажалга тушди. У Машрабга ўқрайиб қараб турарди, бир оздан кейин Ажал бошини кўтариб, авзойи ўзгарган ҳолда тисарила бошлади. «Тепамда нимани кўрдийкин?» Машраб кўзини кўтариб юкорига қараган эди, боши устида хушмўйлов Ёшликни кўрди. У лаби учган косани кўтариб турар, коса четидан кўз ёшидек тиниқ сув томарди. Бир томчи сув Машрабнинг пешонасига тушган эди, у чўчиб уйғониб кетди ва кўкрагига

туф-туфлаб, ўзига келди-да: «Яхши туш кўрдим. Умр косаси обиҳаёт билан тўла экан, узок яшайман», деб ўйлади.

Бир ҳафтадан кейин Машраб ўзига келиб, аста-секин юра бошлади. Унинг аъзойи баданида кувват қолмаган, ранги совуқ урган япроқдек сап-сарик. Хонақода хизмат қилиб юрган ялангоёқ муридлар унга раҳм қилиб, тасалли беришарди. Бутун дунё кўзига қоронғи кўринган Машрабга ҳеч гап ёқмас, ширин сўз кўнглини беҳузур қилар эди. «Умрим хазон бўлди, энди уйлана олмайман, бола кўрмайман, – деб ўйлар эди у. – Пири муршидим ҳурилиқодек канизаклар қуршовида, роҳат-фароғат ичида. Мени фосиқ деб эрлигимдан маҳрум этди, ўзи бўлса – чиройли чўри қиз қўлидан обдастани олиб, мустаҳаб қилади!..»

Секин-аста у ихлос тузоғидан кутулиб, бошда жаннатдек кўринган бу ер фиск-фасод, тамагирлик макони бўлган ботқоклик эканини англай бошлади. «Тезрок бу макондан қочиб кутулиш керак, – деган қарорга келди у. – Офоқхожам соҳиби каромат деб юрсам, соҳиби озор экан».

Кеч куз пайти... Жануб томонга учиб, тепасидан дод солиб ўтаётган турналарнинг қурейлаши осмонни тўлдирган... Шоир улар билан бирга иссиқ томонларга жўнаб кетишни истаб қолди. Чўл шамоллари ғувиллаб сафар камарини боғлашга даъват этар эди.

Ёш йигитнинг аҳволини тушунган тадбиркор пири муршид унинг илтимосини дарҳол қабул қилди. Мулла Қосим: «Йўл харжи учун анга бир сиқим ярмоқ беринглар!» деди. Хазинасини тўлдириш пайида юрган бу одамнинг пулини Машраб кабул қилмаслигини билмас эди. Йўлга отланган Бобораҳим мис чақалар қўлини куйдиргандек, уларни дарҳол муридларнинг оёқлари остига сочиб юборди-да, иккита арпа нонни белига тугиб, пиёда йўлга тушди.

* * *

Орадан бир неча ой ўтгандан кейин мулла Боқий Ёрканд, Хўтан томонлардаги одамларидан Машраб тўғрисида ғалати гаплар эшитди ва улардан пирини огоҳ қилишни лозим топди. Бир куни мулла Боқий Офоқхожа билан ёлғиз қолганда:

– Пирим, Ёрканд ва Хўтан тарафлардин ғаройиб хабарлар келмоқда, – деди. – Бобораҳим Машраб ул ерларда ахлоқ ва одоб чега-

расидан чиқиб, бизни иснодга қолдиратурғон ғазаллар тўқиб юрган эмиш.

– Чунончи?

– Ёрканд ҳокими ани ҳурмат қилиб, ўрдасиға чорлабдур, ўзининг кимхоб тўшагига ўтирғизиб эъзозлабдур. Боборахим эса тўшакка ўтириб, «Сайидсен, ҳожасен, зинҳор мағрури насаб бўлма» мисраси билан бошланатурган беҳаё ғазалин ўқибдур. Хўтанда эса шаҳар қозисиға: «Бошингиздаги салланi менга беринг, умри бекорга ўтмоқда, ани йиртиб ярмидин иштон, ярмидин кўйлак қилиб олайин», дебдур. Машраб салласи катта, тасбеҳ ушлаган муллалар, зоҳидларни, хожаларни кўрса авом олдида аларни шундай беҳурмат қилар эмиш. Сизнинг муридингиз бўлғони сабабидин ҳеч ким анга озор бермакни истамас эмиш. Итоат ипини узган бул ялангоёқни тизгинлаб олмоқ вақти етди.

– Рост айтасиз, мулла Боқий, – деди Офоқхожа мош-гуруч соқолини силаб. – Бул савоб ишни сизга топширурмен. Эҳтиёткорлик билан ани Или бўйига, қалмоқлар элига жўнатмоқ керак. Торончилар: «Юринг. Или бўйиға борайлуқ», десалар бас. Дарбадар ҳаётга ўрганган йигит йўқ демагай.

– Сизнинг амрингиз вожибдур, пирим, – деб қуллуқ қилди мулла Боқий.

* * *

Эрта баҳор... Ёмғирдан кейин ўтлар, чечаклар билан қопланган ёнбағирлар офтобда ранг-баранг тусда товланар, сойлар тўлиб, раққосалардек буралиб оқар эдилар. Енгил шамол эсганда дарё сатҳида қизларнинг сочига ўхшаш мавжлар пайдо бўлар, тўқайларда қушлар қиш уйқусидан дала гулларига қўниб, ёнма-ён турган ёрларни бир-бирига қовуштирар одилар.

Найзабардор қалмоқлар Офоқхожанинг амри билан Қашқар томондан кўчиб келган ерсиз деҳқонларни молдек ҳайдаб «яйлоқ»ларга олиб кетмоқдалар. Улар қалмоқ хонига торон, яъни буғдой-арпа экиб бериш учун жўнатилганлар. Юз-кўзларини чанг босган бу шўрликлар эски-туски кўрпа-тўшакларини, қақир-қуқурларини икки ғилдиракли араваларга ортган, баъзилари бор-йўқларини эшакларга юклаб, хотин, бола-чақаларини эргаштириб кетмоқдалар. Улар ора-

сида бўз халтасини орқалаб, сеторини кучоқлаб олган Машраб ҳам бор. Одамлар дам олиш учун ўтириб, гулхан ёққанларида у сеторини созлаб, ўз ғазалларини ўқий бошлайди, кўнгли чўккан, ҳорғин одамларни овутиб, дуоларини олади. Қоринларини тўйғизиб олгач, соқчилар торончиларни ўринларидан турғазиб, олға ҳайдайдилар. Ниҳоят, бу оломон Или дарёси бўйига етиб келгандан кейин соқчилар бошлиғи хоннинг амрига мувофиқ уларни «яйлоқ»ларга жўнатади.

Қалмоқ хони Хунтайшининг қароргоҳи баланд бир тепалик ёнбағрига жойлашган бўлиб, унинг оқ ўтови нўёнларнинг ранг-баранг ўтовлари билан қуршалган, найзабардор навкарлар уларни қўриқлаб турар эдилар.

Кепчикдек юзи қип-қизил, сочларига оқ оралаган кийиқ кўзли хон ўтовниинг тўрига солинган тўшак устида ўтириб, торончиларни ҳайдаб келган соқчилар бошлиғининг маълумотини тинглади-да:

– Яхши, – деб чуқур нафас олди. – Торончиларнинг бир-икки ойлик озиқ-овқати борми?

– Баъзилари қўй-эчкиларини ҳам ҳайдаб келганлар, талқонлари кўп, баъзиларида ҳеч вақо йўқ.

– Ҳечқиси йўқ, очларидан ўлмаслар. Тоғларда ажриқ ўти кўп, илдизларини туйиб еб, менга торон экиб берсалар – бўлгани, у ёғи билан ишим йўқ.

– Очларидан ўлмайдилар. Ахир, мусулмонлар балиқ этидан ҳам ҳазар қилмайдилар-ку. Дарё ва сойларда балиқ кўп.

Хунтайши жирканиб, ёнига туфлаб қўйди-да:

– Менга қолса Илидаги ҳамма балиқларни тутиб есинлар! – деди. – Хўш, яна нима гап бор?

– Торончилар орасида Машраб отлиғ наманганлик бир йигит ҳам бор. Сетор чалиб, жир-жирлаб одамларни йўл-йўлакай овутиб келди. Мен уни ажратиб олиб қолдим, торончиларни ишдан қўяди, деб қўрқаман. Бундан ташқари, агар очарчилик бошланса, фитна қўзғатиши мумкин. Қора халқнинг унга ихлоси зўр.

– Уни олиб қолиб яхши қилибсан. Ўша Машраб деган йигитни Кўкшер яйлоқига туя боққани жўнат. У ердаги туябоқар чол, менга бир ёрдамчи юборинг, деган эди.

– Бош устига, шу бугуноқ бир соқчи билан жўнатаман.

Кўкшер яйловида сочлари оқариб, тишлари тушиб кетган бир қирғиз чол Машрабни ўз ўғлидек кутиб олди, устига йиртиқ қора намат ёпилган ўтовида меҳмон қилди, бўғирсоқ ва туя сути билан сийлади. Тўйиб овқат еб, кайфи жойига тушган Машраб қорнини силаб чолнииг ажин босган юзига қаради:

– Бобо, мен нима иш қиламен?

Чол қийиқ кўзлари билан киноямуз кулимсираб қўйди.

– Бу жерда жумуш кўп. Кундузи туя боғасин, тунда қўриқтайсин. Бўталарға жабиқ жабарасан тунда, бўлмаса тиши-тишине тийбай қалат.

Бобораҳим чол берган андозага қараб наматдан ёпик бичиб, кечалари билан уни чоклар, кундузи далада туя боқарди.

Бўйни узун, оёқлари, ўркачлари беўхшов туялар беозор, сути одамга фойдали. Жониворлар бора-бора Машрабнинг сўзларини, эркалашлари, койишларини ҳам тушунадиган бўлиб қолишди... Улар беозор кўзлари билан тикилиб, гўё Машрабнинг қалбидаги дардларини англар эдилар.

Фақат буғролар, яъни эркак туяларгина баҳорнинг бошида хавфли бўлади. Оғизларидан кўпик оқизиб, қонли кўзлари билан ўкрайиб қарайди. Одамни оёқлари остига олиб, янчиб ташлашга тайёр турган буғролардан ёш туябон ўзини эҳтиёт қиларди. Бошқа мавсумларда улар беозор бўлиб қолишларини у биларди.

Туялар чол айтганидек фақат кундуз кунлари ўтлар, кечалари эса чўк тушиб, кавш қайтариб ётардилар. Шоир шу ягона сирдош ларини кечаси алла-паллагача қўриқлар, кейин итини қоровул қилиб қўйиб, озроқ мизғиб оларди.

Машраб янги келган йили туғилган бўталоқлар улғайиб, она бўлишга ҳозирлик кўра бошладилар.

Баъзан шоирнинг юраги сиқилиб кетар, ўткир кўзлари уфқда бир одамни кўриб қолгудек бўлса, югуриб бориб уни гапга солар, дунёда нима бўлаётганини билишга интиларди. Бошқа вақтларда унинг ягона овунчоғи сетор, суҳбатдошлари кўҳна китоблар эди.

Ниҳоят, у кулфатга кўниб юраверса, машаққат юки борган сари оғирлашиб кетаверишини англади. Қачонгача одамлардан узоқда худди туяга ўхшаб бийдай чўлда юраверади?

Бир куни туялардан хабар олгани келган тевачи орқали хонга арзнома юбориб, ўзини бу ғурбатдан озод қилишларини илтимос қилди. Хунтайши уч йил ишлаб бир пул талаб қилмасдан, озиқ-овқат сўрамасдан хизмат қилган Машрабнинг арзини инобатга олиб, унинг ўрнига бошқа одамни юборди.

* * *

Дарёда чўмилиб, сочини кул билан ювиб, ёғоч тарок билан тараб олган Машраб, кўк шолчадан тикилган ажойиб тўнини кийиб, хоннинг қароргоҳига жўнади. У ўзини қафасдан озод бўлган қушдек енгил ҳис қилар эди.

Қароргоҳга яқинлашганида у рўпарасидан бир тўда отлиқ қизлар келаётганини кўриб тўхтади. Чўлда юриб, туя сути ичиб, ўткирлашган кўзлари билан дугоналари ўртасида келаётган қизил кўйлакли, лаблари ёқут, икки юзи анордек бир қизни кўриб, ҳайратда қолди: олмос, инжу тақинчоқлари ярқираб турган бу гўзал юлдузлар қуршовида осмондан ерга тушган тўлин ойга ўхшарди. Машраб ранг-баранг кийинган, бўйинларидаги зеб-зийнатлари нур сочиб турган бу қизларнинг йўлини тўсди, сеторини қўлга олиб, ўртадаги оқ арғумоқ устидаги қизил кўйлакли хон қизига қараб, найдек мулойим овоз билан куйлай бошлади:

Кокилинг анбар дурур, жон ичинда жонон қиз,
Кўзларинг ахтар дурур, юзи моҳитобон қиз!
Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,
Барча сенгаким қулдек, хизматингга қурбон қиз!

Қиз қомати моҳир санъаткор қўлидан чиққан ҳайкалдек келишган, қорақош йигитнинг ёқимли овозига қулоқ солиб, кулиб қўйди. Онаси қирғиз бўлгани учун у ўзбек, қирғиз тилларини билар эди. У ғазалнинг кўп сўзларига тушунмаса ҳам, бу шеър ўз шаънига айтилган мадҳия эканин англади:

– Ҳой, жигит, жўлинг бўлсун, қай жерденсин? Атинг неме?

– Отим Бобораҳим Машраб. Кўкшер яйловидан келаётирмен. Уч йил отангнинг туяларини боқиб ҳақ олмаган эдим, сенинг кулиб боқишинг, бир оғиз ширин сўзинг уч йиллик хизматимнинг ҳаққи бўлди.

Хоннинг қизи унинг гапидан завқланиб кулди.

– Ўзингди кўрбусем-да, мен элден уқтим, сени кўрувга кумар эдим. Ўз оёғингмен келип, мана арнап ир айтқанинг менинг учун улкен белек бўлди. Бизга қўноқ бўлғин, сени сийлаб, иззатлаб, қўй сўйдирайин.

– Мамнуният билан таклифингни қабул этгаймен! – дея Машраб четга чиқиб, таъзим қилиб турди.

Қиз жилмайганича арғумоқнинг жиловини силтаб, дарё томон йўл олди.

Орадан бирор соат ўтмай, Боборахим тоғ этагида жойлашган қароргоҳга етиб келди. Баланд тепалик устига қурилган, теварак-атрофини ранг-баранг чодирлар, ўтовлар ўраб олган, ёнига туғ тикилган оқ ўтов яққол кўзга ташланиб турарди. Машраб тепага яқинлашиши билан бир неча киши югуриб келиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Улар хон қароргоҳида қолиб, унинг хизматини ўтай бошлаган шаҳарликлар эдилар. Машраб саволларга жавоб бориб, таниш-билишларининг ҳол-аҳволини сўраб-суриштирди, уларнинг гапларига қараганда кўчиб келганларнинг баъзилари қазо қилган, кўплари теварак-атрофдаги «яйлоқ»ларда буғдойкорлик қилаётган эканлар.

– Журинг биз билан, сизни бир ўтовға ўринлаштириб қўейлук, – дедилар улар.

Кечқурун Машраб гулхан ёнида бир парча қўй ёғи билан тарс-тарс ёрилиб кетган оёқларини мойлаб ўтирган маҳалда бир навкар келб, хон ўз ҳузурига чорлаётганини билдирди.

– Ҳозир борамен, кутиб тур, – деди Машраб қўлидаги ёғни оловга яқинлаштириб. – Чап оёғимни ҳам мойлаймену, либосимни кийиб, хон олдига боргаймен.

Уни икки гулхан орасидан ўтказиб, эшигида иккита найзабардор қалмоқ турган оқ ўтовга бошлаб кирдилар. Машраб тўрдаги тўрт бурчак тўшак устида чордана қуриб ўтирган хонга эмас, ёнидаги қизига таъзим қилди.

Сочларига оқ ораласа ҳам, товоқдек юзи қип-қизил Хунтайши хахолаб кулиб юборди.

– Кимга таъзим қилишни билади бу ялангоёқ, рост-да, янги очилган гул турганда, нима қилади тикан олдида бош эгиб! – деди у ўз тилида. Кейин ёнидаги тилмочга кўз ташлаб қўйиб, Машрабга юзланди: – Майли гуноҳингдан кечдим. Ўзинг ҳалол йигит экан-

сен. Бизга қилган беғараз хизматинг эвазига сенга шоҳона инъомлар бериш ниятидамиз. Нима керак бўлса айт, мен ҳеч нарсамни аямаймен.

Тилмоч хоннинг сўзларини таржима қилиб, Машрабга юзланди.

– Хонга айт, менга ҳеч нарса керак эмас, – деди Машраб қаддини ростлаб. – Тилагим шуки, хон жаноблари мен билан бирга Қашқар томонидан келган бечора торончиларга раҳм-шафқат қилсалар, уларни оч қўймасалар, мусофирларга жабр-зулм қилмасалар...

– Улар билан ишинг бўлмасин! Сен – намангонлик улар қашқарлик, ўзингга нима керак? – деди хон нохуш важоҳат билан.

– Боя айтдим-ку, менга ҳеч нарса керак эмас, деб...

– Одамлар айтганидек, авлиё экансан. Ўзинг эмас, бировларни ўйлайсан. Умримда сендек дарвешни кўрмаган эдим. Уч йил хизмат қилиб, бир ярмоқ сўрамайди-я!

– Уч йиллик хизмат ҳақини боя менинг бир ширин сўзим учун сотган, – деди қиз қалмоқчалаб.

Хунтайши яна хахолаб кулиб юборди.

– Боя айтиб эдинг-а! Ёдимдан кўтарилибди. Ундай бўлса орамиз очиқ, – деди Машрабга кулиб қараб. – Сен менинг меҳмонимсан, дастурхонимиз сен учун очиқ. Хизматингга тайёрмиз, хоҳлаганерингга бор, ғазал айтиб юравер.

Машраб ташқарига чиққанда қароргоҳда хизмат қилиб юрган торончилар унинг атрофини ўраб олиб, хоннинг илтифотига сазовор бўлгани учун уни қутлай бошладилар.

Шоир теварак-атрофдаги яйловлар, қишлоқларни айланиб, хушманзара ерларни томоша қилди. Қаерга борса, торончилар уни тавоф қилиб, чопонини этагидан ўпар, қўлини юзларига суркар эдилар. Машраб эса уларнинг ихлосини қайтаришга уринар, садақа пулларини оломос устидан сочиб юборар эди. Унинг бу қилиқлари ихлос ипини узиш ўрнига янада мустаҳкамлар эди.

* * *

– Тим қора сочларинг тунга ўхшаса, ялтираб турган кўзларнинг юлдузларга, оппоқ юзинг ойга ўхшайди, – деди Машраб хоннинг қизини эркалаб. – Агар уйланишга қодир бўлсам, сендан яхшироқ қаллиқ тополмас эдим. Аммо мен сенга эр бўлолмаймен, сен менга

хотин. Ахир борай десам – уй-жойим, бошимда отам, қўлимда ҳунарим йўқ. Узим оворайи жаҳон бўлсам...

Торончилар ва оддий қалмоқларнинг Машрабга ихлоси зўр эканини кўриб Хунтайши қизини унга беришга аҳд қилган, шу билан халқни ўзига қаттиқроқ боғлаб олмоқчи бўлган эди. Унинг маслаҳати билан янгалар Машраб билан қизини бир ўтовга қамаб қўйган эдилар.

Қиз Машрабнинг гапини эшитиб аста кулди:

– Уй, не деген сода жигит экасен, – деди Машрабнинг бошига аста туртиб қўйиб. – Отамдай хонға куёв бўлсанг қуруқ қўяр эдими сени? Бойлиғининг жузден бировини берсе жетер эди бизга, умримизга жетер эди бойлиқ. Қалмоқ овулда турғинг келмесе қирғиз элига борамиз. Узоқ бир яйловда қора уй тигиб, ўтрармиз шу ерда.

Машраб маҳзунлик билан бошини эгиб, ерга тикилиб қолди. Гапнинг пўскалласини айтиб, унинг шахтини қайтармоқчи бўлди-ю, лекин бунга иззат-нафси йўл қўймади. Ёнидаги жононага: «Мени Офоқхожа эрлик қувватидан маҳрум, уйланиш бахтидаи бебаҳра қилиб қўйган», деб айта олармиди!..

– Мен инсоний муҳаббат учун эмас, ишқи ҳақиқий учун туғилганмен, пешонамга ёзилғони шу! – деди у ҳасрат тўла кўзларини ҳуриликоға тикиб. Лекин қиз унинг гапини тушунмаганини кўриб, ўзининг бир ерда туролмаслиги, дарбадар ҳаёт кечиришга ўрганганини, шунинг учун уйлана олмаслигини тушунтирди.

* * *

– Ҳа, нима бўлди? Нега йиғлаб чиқаяпсан. Хафа қилдими? – деб сўрашди қалмоқ, хотинлар, кўзларида ёш билан эшикдан отилиб чиққан қиздан.

– Хафа қилди. Менга теккани ҳам йўқ. Уйланмасмиш, ўз юртига кетмоқчимиш!

– Ўша ялангоёққа ошиқ бўлиб юрибсан-а!.. – деди янгалардан бири заҳарханда қилиб.

Хунтайши бўлган воқеани эшитиб ғазабланди: «Мендек хонга куёв бўлишни истамаса, дарҳол юртимдан чиқиб кетсин!» деди ғазабга келиб.

Машраб бу ердан тезроқ жўнаб кетиш зарурлигини англаб, йўл тараддудига тушди. Эртасига эрта билан уни кузатиш учун бирталай халқ тўпланди:

– Бизни ташлаб нега кетиб борасен? – деди бир чол. – Назаримизда сен ўхшар эдинг бир подшоға... Билла жургинимизда ғариблик билинмас ади бизга.

Машраб тарс-тарс ёрилиб кетган оёқларига қараб:

– Рост, мен подшоҳи вақт эдим, фалак гулистонимни хазон қилиб, толеим юлдузини безиё, бахтимни қаро, ўзимни гадо қилди. Хайр, биродарлар, чўлларда озодлик шамоли гувиллаб мени ўз бағрига чорламоқда.

– Хайр, шери мард, сени биз тутиб туролмадук. Сен оллонинг эрка бандасисен, бир ерда муқим туролмайсен. Осмон гумбази сенниг бошпананг. Хайр! – деди соқоли кўксига тушган бир чол.

Торончилар йиғлаб хайрлаша бошладилар. Машраб эшагига минмоқчи бўлиб турганида ўрта ёшли бир хотин қўлидаги қайчи билан унинг бўйнига тушган сочидан бир тутам қирқиб олди.

– Чечингизни тумор қилиб осиб юраман бало-қазодан сақлар мени, – деди. Ёнида турган хотинлар унга ташланиб, соч толаларини тортиб ола бошладилар.

Машраб эшагига миниб йўлга тушди. Бир оздан сўнг ёз кечалари узоқдан эшитилган най садоси каби майин ва маъюс қўшиғи ҳавода янгради:

Менингдек интизору йўлда ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўкарганда қуриб, ер бирла яксон бўлмасун ҳеч ким...

## 4. «КЕТ, ДЕСАНГ, ҚАШҚАР КЕТАЙ»

Машраб торончилар билан хайрлашиб Хунтайшининг қароргоҳидан узоқлашгандан сўнг қулоғини диккайтириб йўрғалаб кетаётган эшагининг бошини Қашқар томон бурди. Унинг мақсади ёри жонони билан учрашган жойларни тавоф қилиб, иложини топса, унинг гулдек юзини бир кўриб, сўнгра Наманган шаҳри сари йўл олиш эди.

Ҳаво очиқ, аста қанот қоқиб учиб ўтаётган шаббода тол, жийда навдаларини силкитиб, баргларни ўйинга туширар, Машрабнинг

бўйнига тушган қалин қора сочларини ҳилпиратар эди. У икки юзи анордек, қора қош ёри билан ўтказган ширин дамларни, унинг уйғур тилида айтган гапларини эслаб маъюс жилмайиб кўяр, от-аравалар юравериб теп-текис қилиб юборган йўл устида йўрғалаб кетаётган эшагини янада тезроқ юришга ундар эди.

Уч-тўрт соат йўл босиб чарчагандан кейин дам олиш ўчун теварак-атрофдан қулайрок жой излай бошлади. Тоғ ёнбағрида ўтлаб юрган ўттиз-қирк, қўй-эчкилар, нарирокда таёқ ушлаб турган қозок болага кўзи тушиб, эшагинн ўша ёққа бурди. Чўпон боланинг олдига бориб, ерга сакраб тушди-да, шошганидан салом беришни ҳам унутиб қўйган бола билан ҳол-аҳвол сўрашиб, қаерданлиги, бу қўйлар кимникилигини сўраб-суриштирди. Шу пайт нарирокда тумшуғини оёқлари устига қўйиб мўлтираб ётган қора ит Машраб олдига келиб думини ликиллата бошлади.

– Зап итинг бор экан-да! – деди Машраб унга завк билан қараб. – Лекин бу бўрибосар эмас, кўппак экан. Уни менга берсанг-чи? Ҳамроҳим йўқ, йўлда ёлғизлик ёмон

– Мейли, олсанг алагўй, бўрибосар иттеримиз бар, – деди боядан бери чурқ этмай турган бола, тилга кириб.

Ити нотаниш йўловчи қошидан нари кемаганини кўриб, у ҳайрон қолган эди.

Боборaҳим ҳамроҳ топганидан терисига сиғмай кетиб қўлига сеторини олди-да, қайноқ илҳом билан чертган қўйи итга караб, хуш овозда куйлай бошлади: ..

Эй рафиқи безабон, ҳар ерда бўлсак – биз иков,
Хоҳ саҳро узра бўлсак, хоҳ шаҳарда – биз иков,

Машрабо юз шукр қилгилки топдинг бир рафиқ,
Қайда бўлсак, қайда юрсак, ёри содиқ биз иков.

Ит атрофида сакраб юриб, унга ёпишар, ўйинга тушар, қозоқ бола эса, буни кўриб қиқирлаб кулар эди. Машраб бошда: «У сетор чалиб хониш қилаётганим учун ўйнаяпти», деб ўйлади-ю, кейин бу фикрдан қайтди. Ит ҳадеб сўл томондан келиб осилаверар эди. «Чап томондаги чўнтагимда бир бало борми?» деб уни тимирскилаган эди, даструмолга ўроғлик бир нарсани топди. Очиб қараса, пиши-

рилган жигар экан. Торончилар билан хайрлашиб йўлга чиқаётганида аллаким чўнтагига солиб қўйгани эсига тушди. Хурсанд бўлиб жигарни олди-да, иккига бўлиб, ярмини итга ташлаб, қолганини яна чўнтагига солиб қўйди. Ит апил-тапил жигарни еб бўлиб, Машрабнинг қўлларини ялади. Машраб чўнтагига уриб қўйиб.

– Мен билан кетсанг, ярмини кечқурун ейсан, – деди. Кейин белбоғидан арпа нонни олиб, ерга ўтирди-да, қозоқ бола узатган бир пиёла айронни ичиб, тамадди қилди. Қорнини тўйғазиб, бир оз ҳордиқ чиқаргандан сўнг эшагига миниб, чўпон бола билан хайрлашди-ю яна йўлга тушди. Ит эса, «кетдим» дегандай эгасига қараб қўйди, бир оз иккиланиб туриб, янги эгаси орқасидан эргашди. Салдан кейин Машраб Қашқар томон кетаётган отлиқ савдогарларга қўшилди.

* * *

– Ассалому алайкум, – деди белига қилич осган дарвоза қоровули Машрабни таниб. – Хуш келибсиз, қадамлари кутлуқ бўлсин. Сизни кўриб хурсанд бўлдим, буни қаранг-а, эсон-омон юрган экансиз.

– Ҳа, юрибман, – деди Машраб сочлари оқара бошлаган қоровулнинг ажин босган юзига қараб. – Бола-чақалар эсон-омонму?

– Худога шукр, катта бўлиб қолишди.

– Мулла Қосим-чи?

– Ҳа, мулла Қосим ҳам, анинг хожаларни ҳам соғ-саломат. Қани, дарвозахонага киринг. Эшагингизни анави толга боғланг, ёрдамчи уни отхонага киритиб қўядур, итингиз билан ичкари кирманг.

Улар дарвозахонада у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирганларидан кейин, Машраб:

– Ука, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деб гапни нимадан бошлашни билмай, иккиланиб турган эди, дарвоза қоровули:

Биламан не демоқчи эканингизни, – деди бир оз уялинқираб. – Гапди пўскалласини айтиб қўя қолай. Сиз бул ердин кетгач, Рўзихонни ёши олтмишдан ошган бадавлат бир чолга никоҳлаб бордилар.

Машраб бу гапни эшитиб, ўзини қаерга қўярини билмай:

– Ука, бир чилим сол! – деди. Қоровул ҳам индамай ўрнидан туриб деворга суялган чилимнинг сархонасини қоқди-да, уни янгилади, чақмоқтошни чақиб, тамакини тутатиб, Машрабга узатди...

Қўра ўртасидаги усти ёпиқ ўра ёнида таҳорат қилаётган мулла Қосим ичкарига дадил қадам ташлаб кирган Машрабни кўргач, бошини кўтариб, анқайганча қотиб қолди.

– Ие, сенмусан, ҳали ҳам тирикмисан, ука? – деди у саломга ҳам алик олишни унутиб.

– Кўриб турибсиз, соппа-соғман. Хожани тавоф қилғоли, сизни кўргали келдим, у ёғини кейин айтиб бераман.

– Жуда соз, – деди мулла Қосим букчайиброқ қолган қоматини кўтариб. – Дарҳол таҳорат ол, ҳазратга иқтидо қилиб намози пешин ўқоли.

– Таҳоратим бор, Қизилсувда ғусл қилиб, пок бўлғон эдим.

– Андоғ бўлса – яхши. Юр мен билан масжиди жомеъга.

Намозхонлар олдинма-кейин ётиб-туриб тўрт ракаат суннати намози пешинни ўқиётган эдилар. Икковлари энг орқадаги сафда туриб, қулоқ қоқиб, кўл ковуштиришди. Ҳамма суннатни ўқиб бўлгач, сафларини тўғрилаб, Офоқхожага иқтидо қилиб, тўрт ракаат фарзни адо этишди.

Орадан икки соат ўтгандан кейин, Офоқхожа саломхонада ўз яқинлари билан суҳбатлашиб ўтирганида тўсатдан:

– Боя, Бобораҳим келибдур, деган гап қулоғимга чалинган эди, қайда қолди у, нега саломга келмади? – деб қолди.

– Ул ҳали ҳам жомеъда, сизга иқтидо қилғонича кўл қовуштириб тик турадур, – деди мулла Қосим ўтирган жойида мийиғида кулиб. – Бир ҳунар кўрсатмаса эди, деб анга разм солиб турдим, ул бирор мартаба ҳам саждага бош қўймади, пичирлаб форсий тилида ғазал ўқиди.

– Воажабо! – деб юборди Офоқхожа ёқасини ушлаб. – Бориб хабар олинг-чи, нени ўқиётган экан?

Мулла Қосим ўрнидан турди-да, орқаси билан юриб чиқиб кетди. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, таъзим қилиб кириб, ҳожи дўпписига симобий салла ўраган пирига бошини қийшайтириб қаради:

– Ҳамон кўл қовуштириб, тик туриб баланд овоз билан Хожа Ҳофизнинг ғазалларини ўқийдур.

Офоқхожа, «Ана, кўрдингизми?» дегандек теварак-атрофдаги муридларга қараб қўйди-да:

– Андин Мансур Ҳалложнинг иси келадур, – деди. – Келинг, илкингизни фотеҳага очинг, шул ялангоёқ девона муридим ҳаққиға бир дуо қилайиқ.

Муридлар қўлларини кўтариб, пири муршиднинг оғзиға қараб қолдилар.

– Илоё, Машрабнинг умри узоқ бўлсин, тоғу тошлар, чўлу биё - бонларда сайр этиб, азаважалла қудратини тамошо қилсин, имони мустаҳкам бўлсин, охири Мансур Ҳалложнинг мақомиға етсуи!

Бу дуо эмас, қарғиш эканини билмаган муридлар:

– Омин! – деб юзларини сийпалашди.

Улар орасида икки-уч кишигина Мансур «аналҳақ» (мен худо) дегани учун халифа уни дорга остирганини билар эдилар. Бир оздан кейин чўл шамолидан юзи сал қорайган Машраб бошяланг ҳолда саломхонага кириб соҳиби озорга салом берди.

– Ваалайкум ассалом, хуш келибсиз, сафо келибсиз. Э, Келганингиздан бисёр хурсандмиз! – деди Офоқхожа. Бобораҳимлинг тўсатдан келиб қолганидан таби хира бўлганини сездирмасликка уриниб. – Қани, ўтиринг, сўйлаб беринг – қай ерларда бўлдингиз, кимлар билан учрашдингиз?

Ҳамма воқеадан хабардор эса-да, билиб туриб шу саволни берган соҳиби озорга у кисқача қилиб, Хунтайши билан учрашгани, уч йил унинг туясини боққани ва ҳоказоларни гапириб берди.

– Аччиқ-чучукни тотиб, кўп кулфатларни бошдин кечирибсиз, эмди оромгоҳингизни топдингиз. Даргоҳимизда дам олиб, ўзингизга келинг, мулло Қосим сизга бир яхши ҳужрани ажратиб, емак-ичмагингиздин хабар олиб тургай. Саломат бўлинг!

Машраб ўрнидан туриб, таъзим қилиб чиқиб кетди.

Ҳовлида эски дўстлари: ялангоёқ ўтинкашлар, қоровуллар, мешкопчилар, ошпаз, хизматкорлар атрофига тўпландилар. Улар билан ҳол-аҳвол сўрашиб турганда ёшликдаги дўсти, наманганлик Шодавлатни кўриб Бобораҳим ҳайрон қолди.

– Ие, бул ерда на қилиб юрибсан? Қай вақт келдинг? – деб сўради у кўзларини катта очиб.

– Сиз Намангондин кетгандин сўнг бир йил ўтгач, келиб эдим, Или бўйига кетган экансиз. Бул ерда сизнинг йўқлигингизни билдирмай ўтинкашлик қилиб юрибмен. Қайтганингиз яхши бўлди, кўнглим тўлди, – деди паканагина, юз-кўзини ажин босган Шодавлат кулимсираб.

– Болалик давримиз ёдингдами? Яғоч от миниб, аларни Наманган сойидин суғориб қайтар эдик.

– Ҳа, ёдимда. Сиз кўпинча: «Ҳой, Шодавлат, отлар оч қолмасин, охурларига беда сол, халтада ем бер», деб буюрар эдингиз.

– Ҳа, умримизнинг баҳори ўтиб кетди, эмди дод десак ҳам қайтиб келмас.

Бобораҳим эски дўстлари билан яна бир оз гаплашиб турди-да, кейин:

– Йўлда чарчаганман, бунинг устига масжидда тик туриб оёғим толди, менга рухсат этинг, бориб ором олай, – деди.

У Ҳужрага кириб, пўстакка чўзилди-да, анчагача хаёл суриб ётди, кейин кўзи уйқуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Қоронғи тушиб, ҳамма хуфтон намозини ўқигани кириб кетганда ўрнидан турди, бир вақтлар севгилиси билан учрашган жойларни айланиб, унинг ширин гапларини эслаб юрди.

Бобораҳимнинг яна қайтиб келиши, ҳеч нарса бўлмагандек беларво юриши, кечқурунлари сетор чалиб, қўшиқ айтиб, хизматкор муридларни ишдан қўйиши Офоқхожанинг ғашига тега бошлади. У бир важ топиб, Машрабни узоқ бир ерга жўнатиш устида бош қотирди. Орадан кўп вақт ўтмай, ўзидан озор кўрган бу одамдан қутулиш учун баҳона ҳам топа қолди.

Бир куни Тошкентдан келган чопар унинг ҳузурига кириб, у ерда юз бераётган ҳодисалардан Офоқхожани хабардор қилди, сўзининг охирида, машҳур эшон Хожаи Нурнинг қаттиқ бетоб бўлиб, ўлим тўшагида ётганини гапириб берди. Ҳамкасби, ихлосманди бўлган бу эшон тўғрисидаги мудҳиш хабарни эшитгач, қайғуриш ўрнига хурсанд бўлиб илжайиб қўйди, бирдан кўзлари чақнаб юзи ёришиб кетди.

Эртасига у ўзининг энг яқин муридларини, жумладан Бобораҳим Машрабни ҳам ҳузурига чорлаб, шундай деди:

– Саҳар чоғида тоат қилиб ўлтирганимда менга аён бўлдики, тошкандлик машҳур эшон Хожаи Нур ўлим тўшагида ётғон, шайтони лаъин анинг имониға қасд қилаётғон эмиш, бир неча радди бадалдин сўнг шайтон ғолиб келибдур. Хожаи Нур етти маротиба ҳаж қилиб, етти маротиба уйланиб обрў орттирғон зоти бобаракотдур. Орангизда бир шери мард йўқмики, Тошканд бориб ул кишининг имонини шайтони лаъин чангалидин халос этсалар имони – нури мунаввар билан дорилбақоға сафар этсалар...

Ихлосманд муридлар миқ этмай, ерга қараб қўл қовуштириб ўтирар эдилар. Пири муршид овозини пасайтириб, саволини яна такрорлади.

Бу гал ҳам ҳеч кимдан садо чиқмади. У саволни учинчи маротаба такрорлаганда Машраб ўрнидан туриб қўл қовуштирди.

– Эй кутби олам, рухсат берсангиз, мен Тошканд сафарин ихтиёр этиб, ўшал ерда шайтон билан жангу жадал қилсам, – деди. Боядан бери медин мартабаси ва ёши улуғроқ кимсалардин ун чиқар, деб кутиб ўтирган эдим. Аввал ўнг томонга боқдим, кечалари тоат-ибодат қилиб, тасбеҳ, ўгириб, соқоллари оқарғон мўйсафидлар сукут сақлаб турдилар, кейин сўл томонға боқдим: қора соқол художўйлардин ун чиқмади. Энг охир бу хатарли ишни бажармоққа сиздин рухсат сўрарга журъат этдим.

– Боракалло, сиздин шу гапни кутган эдим, – деди соҳиби озор кулимсираб. – Сиз дунёнинг роҳат-фароғатини тарк этиб, фано йўлин чоғлоғон марди худосиз. Биз фотеҳа берайиқ, сиз икки этагингизни белбоғингизга бар уриб, йўлға равона бўлинг.

У сўзини тамомлаб, дуога қўл кўтарди. Фотиҳадан сўнг ҳамма ўрнидан турди.

Бобораҳим Машраб жўнаб кетиш учун эшагини тўкимлаб турганда Шодавлат унинг олдига келиб:

– Мен ҳам Тошканд бораман, кутби олам сиз билан бирга кетишга рухсат бердилар, хизматингизни қилиб борамен, – деди.

– Менга хизматкор керак эмас, – деди Машраб айилни тортиб туриб. – Соҳиби озорнинг хизматларини қилиб юравер, э Пиримаст!

Шодавлат ҳар гал зикр тушаётганда жазаваси тутиб қолар эди, шунинг учун унга муридлар Пиримаст деб лақаб қўйган эдилар.

– Сизга хизматкор керак бўлмаса, ҳамроҳ керакдир, – деди у кўзларини мўлтиратиб. – Оғир меҳнат жонимга тегди, мен ҳам сиздек далада кўкрагимни тўлдириб нафас олишни, сафар қилишни истаймен.

Машраб юз-кўзини ажин босган пакана йигитга қараб, раҳми келди:

– Майли, ҳамроҳ бўлиб борсанг, йўқ демайман. Тезроқ бўл!

– Эшагимга тўқим урилган, йўл харжи учун озроқ пулим, емак учун бир халта талқоним бор.

– Оббо сен-э! Мендан бурун тайёргарликни кўриб қўйган экансан, кетдик бўлмаса...

Улар дўстлари билан хайрлашиб, йўлга чиққанларида, Пиримаст:

– Тошкандға неча кунда етиб борамиз? – деб сўраб қолди.

– Тез юрсак йигирма кунда.

– Ие, кечикмаймизми? Ул вақтгача Хожаи Нур қазо қилсалар, нима бўладур?

– Қазо қилса – сенинг Асаканг кетадурми? – деб мийиғида кулди Машраб.

– Ахир, имонларини, худо кўрсатмасин, шайтон...

– Э, ўлгудек содда, гўл йигитсан-да! – деб унинг сўзини бўлди Машраб. – Соҳиби озор мени Кошғардин жўнатмоқ учун шул гапни ўйлаб топганлар. Билиб қўйки, шайтон одамнинг ичида, ул ҳеч маҳал ҳаводин учиб келиб одамға қасд қилмайдур. Шариат, қурби етган одам бир маротаба ҳаж қилсин, деб буюрган, етти маротаба Маккага боришни талаб этмаган. Хожаи Нур ном чиқариш, одамларга ўзини кўрсатиш учун шу ишни қилғон. Бунинг устига у етти маротаба уйланган, шайтонга дарс бериб юрган одам.

– Қутби оламға, шайтон билан жанги жадал қилиб, Хожаи Нурнинг имонларини сақлаб қоламан, деб ваъда берибсиз-ку!

– Тошканд боргонда кўрасан жанги жадал қилишимни, – деб жавоб қайтарди Машраб мийиғида кулиб.

## 5. ШАЙТОН БИЛАН ЖАНГИ ЖАДАЛ

Машраб ўзининг содиқ дўсти Пиримаст билан бирга эшагини йўрғалатиб борар, ити Қитмир, гоҳ ер искаб орқада қолиб кетар, гоҳ олдинга ўтиб олиб, қулоғини диккайтирганича эгасининг етиб келиш кутиб турар эди.

Офоқхожанинг хизматини қилиб чарчаган, афт-башараси қорайиб-бужмайиб кетган паст бўйли Пиримаст энди ўзини қафасдан қутулган қушдай енгил ҳис қилар, ашула айтгиси келар, бироқ пешонаси тиришган ўйчан ҳамроҳиини кўриб ўзини тияр эди.

Қошқар шаҳри орқада қолиб, Мовароуннаҳр шамоли кўксига келиб тега бошлагандан кейин Машрабнинг юзини қоплаган ғам булути тарқаб, чеҳраси аста-секин ёриша бошлади, дилида пайдо бўлган ҳис уни кўкларга кўтариб олиб чиқаётгандек эди.

Улар довон ошиб, чўл-биёбонларни босиб ўтиб, эшакларини чарчатмаслик учун баъзан пиёда юриб, ўн кун деганда Андижон шаҳрига етиб келишди. У ерда бир кун дам олиб, яна йўлга чиқишди. Агар жадал юрсалар, Тошкентга икки ҳафтада етиб боришлари мумкин эди.

Ажойиб табиат манзараларини томоша қилиб, тоғ ёнбағридаги ғорларда, дарахтлар тагида тунаб қолиб, йўл-йўлакай суҳбатлашиб манзилга қандай етганларини пайқамай қолдилар.

Тошкент оқшоми. Шаҳар ғовури пасайган, бозор қайтган пайт, савдогарлар дўконларини ёпиб, уй-уйларига, четдан келганлар ўз қишлоқ ва овулларига жўнамоқдалар. Дўппи бозор яқинидаги карвонсаройнинг дарвозаси ланг очиқ, деҳқонлар, кўчманчилар от, эшаклари, туяларини етаклаб олиб чиқиб кетмоқдалар.

Юз-кўзини чанг босган Пиримаст ҳамроҳини карвонсарой дарвозаси олдида қолдириб, эшагини етаклаганича ичкари кирди-да, дарвозахонанинг бир чеккасидаги сўри устида чордана қуриб ўтирган саройбонга салом берди, кейин у ёқ-бу ёққа қараб, паст овоз билан бир нима деди.

– Ҳа, бўш ҳужра бор, кираверсинлар, эшитганмиз, ул кишининг таърифини. Кеча қошқарлик савдогарлар не учун келаётганларини айтиб берган эдилар, – деди мош-гуринч соқолли, ғўлабирдан келган чўтир саройбон ўрнидан туриб. У дарвоза олдига чиқиб, Машрабни ҳурмат билан кутиб олди.

– Қазо қилғонлари йўқми? – деб сўради иккала эшакни нўхтасидан ушлаб олган Пиримаст ташвиш билан.

– Йўқ ҳали, барҳаётлар. Аммо ҳоллари бир оз оғирлашган, – деди саройбон бир унга, бир Машрабга қараб. – Билурмисиз ул киши қандай улуғ зотдурлар? Дин пешволаридин машҳур Хожа Нуриддиннинг набиралари-я! Ҳузурларига ҳозир равона бўлғаймисиз?

– Йўқ, эртага, – деди Машраб пинагини бузмай. – Аввал қоринни тўйғазиб, дам олиб, ювиниб олайиқ.

– Шайтон билан жанги жадал қилмоқ учун куч-қувват тўплаб, тайёргарлик кўрмоқ керак, – деди Пиримаст эшакларини етаклаб отхона томон юрар экан.

Эртасига Машраб кечаси билан ем-хашакни еб роса тўйиб олган эшагига миниб, ҳамроҳи билан итини эргаштирганча Дарвозайи Самарқанд томон йўл олди. Эгнида оқ яктак, белида бир неча маротаба ўралган қизил белбоғ, оёғида чориқ, елкасига тушган қора

жингалақ сочи аста ҳилпирайди. Орқасидан тумонат одам эргашиб боради. Улар орасида иш тополмай юрган мардикорлар, қирқ ямоқ чакмон кийган гадойлар, ихлосманд муллаваччалар, ёшлар кўп. Эгасига эргашиб бораётган Қитмир ҳеч кимни унинг ёнига яқинлаштирмайди.

Чорсуга яқинлашганда шоир эшагига тескари миниб олди.

– Ие, бу не қилғонингиз? Муллолар, Машраб ўтакетган девона экан, анга инонманг, деб гап тарқатадурлартку, – деди ёнида бораётган Пиримаст.

– Шунча фақиру фукаро менга эргашиб келаётир, қандай қилиб аларга орқа ўгириб борайин? – деди Машраб ихлосмандларига кулиб қараб. – Даври-даврон аларга юзини тескари ўгирган. Хирсдин тўқ муллолар не десалар деяверсинлар, диллари тиғи ситамдан яра бўлғон халлқ аларга инонмай қўйғон. Фақиру фуқаро турли нози неъматларни еб семириб кетган эшонлар, уламолардан эмас, ҳақ сўзни айтғувчи девоналардин кўпроқ каромат кутадурлар. Сенга бир гапни айтиб қўяй, девона бўлмағунча бул замонда ҳақ сўзни айтиб бўлмас.

– Рост, халойиқнинг сизга бўлган ихлоси бунинг далилидур, – деди Пиримаст кулимсираб.

Чуқур кўприкдан ўтганларидан кейин Машраб сакраб ерга тушди, эшагини етаклаганича юқорига одимлаб чиқиб олгандан кейин унга яна тескари миниб олди.

Хонақо дарвозаси олдида банорас тўнли, симобий саллали уламолар, қози-муфтилар, одмироқ кийинган маҳалла имомлари, сўфилари, оддий намозхонлар қўл қовуштириб турар эдилар. Ҳаммаларининг пешоналари тиришган, юзларида самимий ёки қалбаки ташвиш аломати кўринарди. Чунки ичкаридаги ҳужрайи хосида пири муршидлари Хожаи Нур жон таслим қилолмай алаҳлаб ётар, баъзан унинг оғзидан уят гаплар чиқиб кетар эди. Муридлар: «Шайтон ғолиб келибди. Эшонимиз имонсиз кетмасалар эди», деб қўрқар эдилар.

Машраб хонақо олдига келиб, эшакдан тушгандан кейин мурид - лар эгилиб салом бердилар. Ҳамма унинг Офоқхожа амри билан келганини билар эди.

Шоир итини эргаштирганича ичкарига қадам ташлади. Хонақонинг бир бурчидаги «Ҳужрайи хос»нинг тўрида, кимхоб тўшак устида Хожаи Нур алаҳлаб ётар эди. Машраб остонадан ҳатлаб ўтиб, унга

салом берди. Мурид овлаб мол-дунё орттирган, қайта-қайта уйланиб, дунёнинг роҳатини кўрган эшондан садо чиқмагач: «Ҳолинг шу экан-ку, нима қилардинг қуруқ аравани олиб қочиб!» деб ўйлади шоир. Унга айтадиган аччиқ сўзлари ғазал ипига маржондай тизила берди:

Мен салом бердим сенга, қилғон ишоротинг қани?
Марди ҳақни билгани эмди каромотинг қани?
Эътимоди қол этиб, қолдинг аро йўлларда сен,
Тинмайин шому саҳар қилғон тиловотинг қани?
Етти марта ҳаж қилиб, молингни сен торож этиб,
Дастгири охират бўлган саховотинг қани?

Эшоннинг боши тепасида ўтирган иниси билан ўғли нима ҳодиса бўлаётганини англамай, бақрайганча бир-бирларига қараб қолишди. Шоир эса уларга парво қилмай, бемор ёнига келиб тиз чўкди-да, Ҳофиз ва Навоийнинг ғазалларини ўқий бошлади. Хожаи Нур пичирлаб, бир нима деб ғудранди-ю, кейин энтикиб нафас ола бошлади. У жон таслим қилгандан кейин Машраб ўрнидан туриб:

– Иягини танғиб қўйинглар, дорилбақоға жўнади эшон! – деб ташқарига чиқиб кетди. Қитмир ғингшиб эшик олдида уни кутиб турарди.

Кўп ўтмай, хонақога тўпланган халойиқ орасида «Хожаи Нур калима келтириб қазо қилибди, Девонаи Машраб шайтон билан жанги жадал қилиб, унинг имонини сақлаб қолибди», деган овоза тарқалди.

Шу вақтгача ҳеч ким уддасидан чиқолмаган ишни қилиб, хурофот бандаларини ҳасратда қолдирган, машҳур эшоннинг обрўсини бир пул қилган шоир катта кўчага чиққанда ихлосмандлари уни ўраб олдилар.

Қоп-қора соқолли жулдурвақи бир камбағал югуриб келиб унинг этагини юзига суртди-да, дуо талаб қилди. Машраб белбоғини ечиб:

– Кимга сиғинаётирсан, э девона, – деб бақирди. – Ўзинг каби тиғи ситамдин юраги пора бўлган бир ялангоёққа! Қоч, устингга пешоб қилиб юбораман!

Унинг этагини юзларига суртмоқчи бўлган ихлосмандлар дув этиб қочдилар.

– Бíродарлар! – деб хитоб қилди шоир уларга қараб. – Ўзларини авлиё қилиб кўрсатган қаландар, дарвешларға ҳам, қанду набот еб семириб кетган банорас тўнли уламолар, қозилар, муллолар, эшонларға ҳам ихлос қилманглар алар нури ҳақни тўсиб турадурлар!

Тўнланганлариинг баъзилари унинг гапини маъқулашди. Оломон орасидан:

– Рост гапни айтаётирлар. Бизнинг яккаю ягона худодин ўзга пуштипаноҳимиз йўқ, – деган қаримсиқ бир овоз эшитилди.

Шоир билан Пиримаст эшакларига миниб, Қитмирни эргаштириб Чорсу томонга равона бўлдилар. Ихлосмандлар узоқроқда, орқаларидан қолмай кела бердилар. Кўкалдош мадрасасига яқинлашганларида намози жумъани ўқиб, бирин-кетин зинадан тушаётган салласи қозондай дин пешволарини кўргач, Машраб эшагининг нўхтасини тортди.

– Мударрислар, имомлар, уламолар, вақф молини еб, халқнни талаб, ўқиғон куръонлари учун ҳақ олиб семириб кетганлар, дин билан аларнинг ишлари йўқ. Тўни ипак, дили кепак риёкор муллоларни кўрганда қоним қайнаб, ғазабдин ўзимни тутолмай қоламан, устларидин пешоб қилиб юборгим келадур. Эшагимни ушлаб тур, Пиримаст, мен ҳозир...

– Ҳой, бир иш қилиб, бошимизга бало орттирманг, ўзингизни босинг.

Машраб унинг сўзига қулоқ солмай, эшакдан сакраб тушди-да, мадраса зинасидан юқорига кўтарила бошлади. Уккоша булоғининг ёнида эшак билан итни ушлаб турган Пиримаст ҳаяжон ичида ҳамроҳининг нима ҳунар кўрсатишини кутарди.

Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас мадраса дарвозаси олдида шовқни-сурон бошланди. Юраги гупиллаб уриб кетган Пиримастнинг қулоғига бир-бирлари билан айтишаётган, олишаётган одамларнинг ғовури эшитилди. Бир оздан сўнг Машраб бир талай ихлосмандлари қуршовида ҳамроҳи ёнига етиб келди-да, жар ёқасидаги Уккоша булоғидан қўлини ювиб олди, мийиғида кулиб, шошмасдан рўмолчасига қўлини артди, сўнг бир сакраб, эшагига миниб олди-да, шериги билан бирга дўппи бозордаги карвонсарой томон равона бўлди...

Эртасига эрталаб улар ҳужрада нонушта қилиб ўтирганларида эски беқасам тўн кийган, чўққи соқол сўфинамо бир киши эшик олдида пайдо бўлиб:

– Дарҳол, яхшиликча Тошканд шаҳридан чиқиб кетар экансиз, қози калоннинг маслаҳатлари шу! – деди.

– Бул шаҳарнинг қозиси ким? – деб сўради шоир кўзларини қисиб.

– Мулло Камолиддин хожа эшон.

– Сиз ул кишининг югурдакларимисиз?

– Йўқ, фаррошлари.

– Сиз ўшал мулло хожа эшонга бориб айтинг. Ўзим ҳам Тошканддан илкимни ювиб, чиқиб кетмоқчи бўлиб туриб эдим. Бул шаҳарнинг шайхию муллосин кўриб таъбим хира бўлди, далага чиқиб кетиб, нафасимни ростлаб олишим керак!

Ёлғиз қолганларидан кейин Машраб савол назари билан қараб турган Пиримастга:

– Йўл ҳозирлигини кўра бер, эшагимизнинг бошини Бухоройи шариф томон бурамиз, – деди.

– Жуда соз. Бул ердин тезроқ жўнаб қолмоқ керак. Ўшал муборак шаҳарни ҳам тавоф этайик. «Бухоро қуввати исломи династ», деб бекорга айтмаган бўлсалар керак.

– Бул гап муллолардин чиққон. Алар Бухоройи шарифни эгарлаб, амирни жиловлаб олғонлар, ҳақ гапни айтганларни қамчилайдурлар.

– Аммо Бухоро Тошканд эмас. Бул ерда уламоларни беҳурмат қилиб, осонликча қутулдингиз, мухлислар арога тушдилар. Аммо Бухорода дин пешволарин беобрў қилманг.

– Нима қилишимни борганда кўрасан, – деб жавоб қилди Машраб истеҳзо аралаш кулиб.

## 6. БУХОРО БЎСАҒАСИДА

Бухороликлар хуфтон намозини ўқиб, уй-уйларига кетмоқда эдилар. Шаҳар ғовури тинган, аҳён-аҳёнда карвонсаройлардан туяларнинг бўкириши, отларнинг кишнаши, туякашларнинг товуши қулоққа чалинади.

– Одамлардан сўраб-суриштириб бирор карвонсарой топсак яхши бўларди, – деди Шодавлат – Пиримаст эшагини жиловидан аста тортиб. Нотаниш шаҳарга говгум маҳалда келиб бир оз эсанкирагани товушидан билиниб турарди.

– Бухорода нима кўп, масжид кўп, бирортасига кириб тунаймиз, – деди унинг ёнида ҳангисини ҳайдаб кетаётган Машраб бепарволик билан. – Эртагача худо подшойи карим, бирор жой топилиб қолар.

Шу пайт ой нури хира ёритиб турган тор кўчани катта бир мушук кесиб ўтди. Қитмир вовиллаганча уни қувиб кетди.

– Тўхтанг, барака топкур, орқага қайтайиқ!

– Э, бидъат бандаси, мушукдин қўрқдингми? – деди Машраб шеригининг эшаги сағрисига таёқ билан туртиб. – Ҳайда! Узоқдин кўзимга бир масжиднинг қораси кўринаётир.

– Мушук эмас, муллолардин, уларнинг дарраларидан қўрқамен. Кстидан ғавғо чиқатурган ишга тобим йўқ. Масжидда тунашга юрагим дов бермаётир.

– Қўрқма, мен бор. Муллоларға нима жавоб қилишимни билурман. Тўғрисини айтсам, кечаси ухлаб ором олиш учун масжиддин қулай жой топилмайдур. Шаҳар аҳолиси аросида нифоқ ва фитна-фасоднинг кучайиб бораётгонига сабаб нима, билурмисан? Масжидларнинг кўплиги!

– Рост, – деб унинг гапини тасдиқлади бир оз ўзига келган Пиримаст. – Биласиз-ку, маҳалламизда юқори масжид имоми доим қуйи масжид имомининг ғийбатин қилғони қилғон эди...

– Афсуски, Тошканддек шаҳри азимда ҳам масжидлар кўп экан. Ҳар маҳаллада иккитадан-а! Э, тавба!

Шу пайт Қитмир ҳарсиллаганча улар олдига келиб думини ликиллата бошлади.

Узоққа бормай улар дарвозаси устидан занжирлаб қўйилган кўҳна бир масжид ёнига келиб эшакларини тўхтатишди. Машраб занжирни туширди-да, дарвозани ланг очиб, ичкари одимлади. Юраги пўкиллаб турган Пиримаст эшакларни етаклаганича масжид ҳовлисига кириб, уларни бир чеккадаги теракка боғлади.

Йўлда чарчаб келганликлари учун масжидга кира солибоқ жойнамоз устига чўзилишди. Машраб эса бошини меҳробга қўйиши билан хуррак ота бошлади. Пиримаст эса анчагача хаёл суриб ётди, кейин кўзи илинганини ўзи ҳам билмай қолди. Лекин алоқ-чалоқ тушлар кўриб, тонгга яқин чўчиб уйғониб кетди. Кўзини ишқалаб ташқарига чиқса, осмон ёриша бошлаган, узоқдан азон товуши эшитиларди. «Ҳозир бу масжиднинг сўфиси ҳам келиб қолса, унга нима жавоб қиламиз?» деган фикр миясидан лип этиб ўтди-ю, шоша-пи-

ша эшакларнинг тагини тозалади-да, масжидга кириб Машрабни уйғотди.

– Туринг-е, одам деган ҳам шундай донг қотиб ухлайдурму?

Бултур ёзган ғазалининг бир сатрини эслаб:

– Масжидга кириб зоҳиди яхдек кота қолдим, – деди Машраб ўрнидан туриб.

Шу пайт масжид ҳовлисидан қўрқув аралаш ғазабдан қалтираган бир овоз эшитилди:

– Ҳой, мачит ичида хоб этаётғон ким? Бу кучук тишламайдурму?

– Қўрқманг, ювош ит, – деди Пиримаст ташқарига чиқиб.

Зинапоя тагида кулча бўлиб ётган қора ит – Қитмир бошини кўтариб, кўк салласининг печи елкасига тушган малла тўнли, қотмадан келган чолга бир қараб қўйди.

– Ётиш учун масжиддан бошқа жой қуриб қолдиму? Худонинг уйига эшак билан киргани уёлмайсанму? Ҳамроҳинг ҳам борға ўхшайдур, ким ул?

– Ҳақиқат излаб юрган бир шери мард. Исм шарифлари Бобораҳим Машраб...

Э! Дарров айтақолмайсизму шул гапни! Девонаи Машрабнинг номин эшитмаган ким бор? Хўш, энди сиз эшакларингизни етаклаб, менинг ҳовлимға киритиб қўйинг. Уйим шундоққина масжид ёнида... Мен азон айтай.

Пиримаст эшакларни етаклаб олиб чиқиб кетди. Сўфи мезанага кўтарилди, азон айтиб бўлгач, ҳовлида айланиб юрган Машрабнинг олдига келиб, таъзим қилди-да:

– Имомимиз мулло Айниддин маҳдумнинг тоблари қочиб қолғон, масжидга келолмайдурлар. Сиздан илтимос шулки, бугун имомликка ўтсангиз? – деди.

– Шул дамгача қилмағон ишим имомгарчилик эди. Майли, сўзингиз ерда қолмасин, шул ишни ҳам қилиб кўрай.

Масжид кавми йиғилиб, бомдод намозининг икки ракаат суннатини ўқиб бўлишди-да, фарзни адо этиш учун сафга тизилишди. Меҳробда ўтирган Машраб ўрнидан туриб: «Аллоҳу акбар», деб қулоқ қоқди-ю, сураи фотеҳани ўқиб, унга қуръондан бир оятни зам қилиш ўрнига Хожа Ҳофизнинг бир ғазалини баланд овоз билан ўқий бошлади:

Соқиё, моли шабоб биёр,
Якду соғар шароб ноб биср.

У ғазални охирига етказиб: «Аллоҳу акбар», деб саждага бош қўйди-ю, кўзига қалам қошли, гул юзли ёри жонони кўриниб кетиб, қимирлашта мажоли қолмади. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, намозхонларнинг баъзилари бошларини кўтариб, сажда қилганича қимир этмай ётган, сочлари ўсиқ, бошяланг имомга, кейин бир-бирларига қараб, намозларини қайтадан ўқий бошладилар. Намозхонларнинг кўпчилиги бош кўтармай пинакка кетган эди. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтгандан кейин Машраб ўзига келди-да, баланд овоз билан: «Аллоҳу акбар», деб бош кўтарди ва юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

Фарзни қайтадан ўқиб бўлиб, «имом»ни кутиб турган намозхонлардан бири – семиз, чўтир бир киши қовоғини солиб:

– Ака мулло, бомдод намозида икки ракаат фарз бор, сиз бир ракаат ўқидингиз, намоз бузилди-ку! – деди.

– Йўқ, бузилғони йўқ, – деди Машраб унга юзланиб. – Сиз менга айтинг-чи, фаришталар Одам Атоға бир маротаба сажда қилғон эдиларму ёки икки маротаба?

– Бир маротаба.

– Бизнинг фаришталардин нимамиз ортиқ? Худо аларга бир маротаба сажда қилишни буюрган, биз ҳам анинг амрини бажо келтирдик.

– Қуръондин оят ўқиш ўрнига ғазал ўқидингиз...

– Кимнинг ғазалин? Лисон улғайб Хожа Ҳофизнинг, йўлдин адошган одамларга нури ҳақиқатни кўрсатган улуғ шоирнинг ғазалларин ўқидим. Ҳаммамизнинг кўнглимиз равшан бўлди.

– Рост, – деб тасдиқлашди Машраб билан бирга пинакка кетган намозхонлар. Уларнинг юзлари ёришган, кўзлари чақнар эди.

Шу воқеадан кейин Бухорода: «Машрабга иқтидо қилганларнинг намозлари худо даргоҳида қабул бўлибдур», деган гаплар тарқалди. Девона қиёфасидаги шоирнинг Бухорода ихлосмандлари кўпайиб, орқасидан эргашиб юрадиган, ундан дуо талаб қиладиган бўлиб қолдилар...

– Бир иш қилиб Бухоро аҳлининг ихлосини қайтармасам бўлмайдур? – деди бир кун Машраб Шодавлатга.

– Қандай қилиб?

– Машраб жавоб ўрнига мийиғида кулиб қўйди.

– Эҳтиёт бўлсинлар. Бул ер Тошканд ёки Андижон эмас.

– Қўрқма, бул ерда муллолар устидан пешоб қилиб юбормайман...

Эртасига Машраб ҳар кунгидек вақтлироқ туриб, ёнида хуррак отиб ётган Пиримастни уйғотди.

– Одам деган ҳам шундай донг қотиб ухлайдурми? Тур ўрнингдин. Эшитмаяпсанми, карвонсарой аҳли уйғониб, ғала-ғовур бошланди. Наридан-бери нонушта қилиб олайиқ-да, йўлга чиқайик.

Пиримаст бошини кўтариб ўтирди-да, атрофини ажин босган кўзларини ишқалади.

– Қаён борамиз, устоз?

– Эшакларимиз бошини бўш қўйиб юборурмиз, қай томон бурилсалар, шул томон кетаверамиз.

Улар наридан-бери нонушта қилиб, пастга тушишди, эшакларини тўқимлаб, кўчага чиққач, кўпчиликка қўшилиб Қарши дарвозаси томон йўл олдилар.

Жума куни, олача чопон кийган, кўк салла ўраган деҳқонлар, қўй етаклаган фарзандталаб, давлатталаб шаҳарликлар, дардларига даво излаб юрган касал одамлар, ишлари юришмаган савдогарлар ва бошқалар кўчани чангитиб, эшаклари, отларини ниқтаб, Баҳоваддин қишлоғи томон кетмоқда, соқол-мўйлаблари ўсиб кетган, кирқ ямоқ чопон кийган ялангоёқлар, меҳнатдан ўлимни афзал кўрадиган такасалтанг бангилар уларга эргашиб бормоқда эдилар.

Дарвозадан чиқиб катта йўлга тушиб олганларидан кейин Машраб эшагига тескари миниб олди.

Жийрон от минган, салласи қозондек бир мулло унга яқинлашиб:

– Ҳой девона, эшакка чаппа ўтириб кетопсан-ку, бу не масхарабозлик?! – деди жаҳл билан.

– Ака мулло, Хожаға ҳурматим зўр бўлганн учун аларнинг мухлисларига орқа ўгириб кетишни ўзимга эп кўрмадим, – деб жавоб қилди Машраб.

– Мен аҳмоқ бўлмасам, девонага гап отармидим! – деб пўнғиллади мулла отининг жиловини тортиб.

Икки соатча йўл юрганларидан кейин узоқдан Хожа Баҳоваддин дахмасининг кошинкор пештоқи кўзга ташланди, баъзи зиёратчи-

лар эгардан тушиб, от, эшакларини етаклаб олдилар. Машраб билан ҳамроҳи бепарволик билан эшакларини ҳайдаб, дахма рўпарасидаги карвонсаройга доҳил бўлдилар.

Отларнинг кишнаши, эшакларнинг ҳанграши, назр-ниёзга келтирилган қўйларнииг маъраши пештоқ олдидаги қаландарларнинг хонишига қўшилиб, қулоқларни қоматга келтирар, енгил эсган шамол, чанг-тўзон, гўнг ва шиптир ҳидини ҳар ёққа анқитар эди.

Шодавлат эшакларни қозиққа боғлаб ҳамроҳи кетидан эргашди. Улар дахманинг дарвозасидан кириб, Баҳоваддиннинг қабрига сиғинаётган, сағанани силаб, қўлларини юзларига суртаётган зиёратчиларни кўриб ажабландилар. «Қабрга чўқинаётирлар бу нодонлар, ахир бу бутпарастликнинг ўзи-ку!» деб ўйлади Машраб ва бир сакраб сағанага миниб олди-да, сеторини чертиб, Баҳоваддиннинг бир шеърини баланд овоз билан куйлай бошлади:

Муфлисонем, омада дар кўне ту...
(Биз йўксиллар кўргали келдик сени...)

Зиёратчилар жингалак сочлари ўсиб елкасига тушган шери мардни кўриб, турган жойларида қотиб қолдилар. Ҳаммадан олдин белига бир неча белбоғ боғлаган, баланд пошнали этик кийган бир чапани ўзига келиб:

– Ҳой девона, туш ҳозир сағанадан, бу нима аҳмоқлик! – деб бақирди.

Бу нидони эшитгач, зиёратчиларнинг тутилган тиллари калимага келди. Улар шовқин кўтариб, сағанадан ерга тушишни Машрабдан талаб қила бошладилар.

– Орамизда бир марди худо йўқмики, ани илкидан тортиб туширса? – деди соқоли кўксига тушган хомсемиз бир мўйсафид.

– Ман ҳозир боплайман, ака мулло, бу баччағарни, – деди бояги чапани енгини шимариб.

– Тўхта! – деб хитоб қилди Машраб. – Дуойи бад қилурман!

Бу гапни эшитиб, чапани турган жойида қотиб қолди.

Ҳамон гангиб турган Шодавлат бирдан ўзига келиб:

– Девонаи Машрабга дахл қила кўрманглар, нафаслари зўр, бир қуф-суф десалар, аёқларинг шол, кўзларинг кўр бўлиб қолғай! – деди баланд овоз билан. Пакана бўйли, ёш кўринса ҳам, юз-кўзини

ажин босиб кетган Пиримастнинг нидоси зиёратчиларга қаттиқ таъсир қилди.

Соқоли кўксига тушган мўйсафид Машрабга яқин келиб, қалтироқ овоз билан:

– Балам, бўлли энди, пири бузрукворимизни таги пой этманг, соғонадин тушинг! – деди.

Унинг орқасидаги зиёратчилар ҳам чолнинг сўзини қувватлаб, Машрабга ялина бошладилар. Бир хотин фарёд кўтариб йиғлай кетди. Шундан кейин Машраб чап қўлидаги сеторини баланд кўтарганча сакраб ерга тушди-да, қоқилиб кетиб, мўйсафиднинг елкасидан ушлаб олди.

Чол, елкасини қимирлатиб, унинг қўлини тушириб юборганидан кейин:

– Хожа Баҳоваддин сизни отиб урдилар. Бошқа одам бўлганда уриб, парчалаб ташлар эдилар, – деди.

Машрабнинг тасодифан қоқилиб кетиши унинг жонига ора кирган эди. Мутаассиб одамлар ҳам, шу енгил жазонинг ўзи унга кифоя, деган фикрга келиб, ғазаб отидан тушдилар.

Машраб ҳамроҳи билан карвонсаройга кирганида, устунга боғлаб қўйилган Қитмир гинахонлик қилгандай уни ғингшиб қарши олди. Шодавлат итнинг бошини силаб туриб, ҳамроҳига юз ўгирди-да:

– Халойиқ намози жумъага кириб кетганида жўнаб қоламиз, бул гап амирнинг қулоғига етса, бизни омон қўймас, – деди.

– Рост айтдинг, балодек ақлинг бор, – деди Машраб содиқ дўстининг қаримсиқ башарасига қараб кулимсирар экан.

## 7. АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

– Тупроғи кулранг бўлса ҳам замини серунум экан, – деди теварак-атрофга, узоқдаги тоғларгача чўзилган пайкаллар, қовун полизлари, узумзорларга назар ташлаб келаётган Машраб. – Билурмисан бул серҳосил водийнинг номини, э, Пиримаст?

Шодавлат индамай, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

– Сен билмасанг мен айтай: «Миёнкол! Қовуннинг ширини, узумнинг сараси шул водийда етиладур. Қорадарё билан Оқдарё ора-

лиғидаги бу водийнинг тупроғи узоқдаги тоғлар ва чўллардан учиб келган гардлардан ҳосил бўлган!

– Одамлари ҳам меҳмондўст, сахий экан, йўлда: «Мана буни олиб кетинг», деб қўлингизга қовун тутқизиб юборадилар-а! – деди Шодавлат хуржундаги «бўрикалла»ни кўрсатиб. – Бул маконга келиб юзингизга қизил югурди. Бухоройи шарифда рангингиз сарғайиб кетган эди.

– Минг қатла шукрки, ул ердин касал юқтирмай, ясовуллар ва мутаассиб муллолар қўлига тушмай, эсон-омон йўлга чиқдик. Билсанг, дунёда озодликдан яхши нарса йўқ!

Икки-уч соат йўл юрганларидан кейин, Шодавлат қуруқшаган лабларини ялаб:

– Ташна бўлдим, қорин ҳам пиёз пўстидек бўлиб кетди. Ариқ бўйида ўтириб талқон еб... қорин тўйғазсак, қовун сўйиб, ташналикни қондирсак, – деди.

– Бир оз сабр қил, назаримда худонинг бир яхши фарзанди бизни кутиб тургандек, ҳайда!

– Бир-икки чақирим йўл юрганларидан кейин дарвозаси ланг очиқ қўрғон эшиги олдидаги супада ўтирган мўйсафидга дуч келдилар. Бу чол қўлини пешонасига қўйиб, яқинлашиб келаётган йўловчиларга қараб турарди. Улар яқинлашиб, салом берганларидан кейин алик олиб:

– Ҳормасинлар, узоқдан келаётганга ўхшайсизлар? – деди.

– Бухоройи шарифдин. Бузрукларнинг пойи остоналарин зиёрат қилиб келяпмиз, – деб жавоб қилди Шодавлат.

– Андоғ бўлса, бизга қўноқ бўлинглар, табаррук одамлар экансизлар.

Машраб ҳамроҳи билан кўз уриштириб олиб:

– Майли, – деди.

Хурсанд бўлиб кетган Шодавлат кулгисини яшириш учун икки қўлини оғзига карнай қилиб, узоқлашиб кетган итини чақирди:

– Қитмир!

Йўл четида бир нарсаларнн искаб юрган ит бошини кўтариб, қулоғини чимирди-да, тўқимдан тушиб эшакларини етаклаганча дарвозадан кириб кетаётган хожалари томон югурди.

Уй эгаси чанқаб келган йўловчиларни айрон билан сийлаб, меҳмонхонага таклиф қилди. Қўноқлар келганидан дарак топган уч-

тўрт қўшни «ассалому алайкум» деб кирди. Қуюқ-суюқ таомдан кейин меҳмонларнинг қаерлик эканликлари, қайдан келаётганларини суриштирдилар. Машраб қисқача жавоб бериб уларни қаноатлантиргандан сўнг, афтидан сўфига ўхшаган оқ саллали мулойим бир чол ер остидан қараб:

– Бул дунё роҳатин тарк этиб, фақирлик йўлин тутган одамға ўхшайсиз. Исми шарифингизни айтсангпз, ким билан ҳамсуҳбат бўлғонимизни билсак, – деди.

Бобораҳим жавоб бериш ўрнига сеторини қўлга олиб, уни созлади-да, хуш овоз билан куйлай кетди:

Қарорим йўқ кўнгилда лаҳзае, девона Машрабман,
Ичибман туну кун май, толибе майхона Машрабман.
Мени зоҳир кўзида кўрган эл ўзин гумон айлар,
Ўзидин бехабар ҳам, хуши йўқ довона Машрабман.

У хониш қилиб бўлиб, сеторини ғилофига солганидан кейин бир мўйсафид ўрнидан туриб қўл қовуштирди:

– Э, марди худо, рухсат этинг, этогингизга юз суртиб тавоф қилай сизни?! – деди.

Машраб қўли билан уни рад этиб:

– Тўхтанг! – деди. – Менинг ҳеч кимдан ортиқ ерим йўқ, сизлар каби оддий гуноҳкор бандамен, тоат-ибодат ҳам қилмаймен. Пирларга қўл бериш, одамга сиғиниш динга ҳам, диёнатга ҳам хилоф.

Унинг авзойини кўриб, ўтирганларнинг нафаслари ичига тушиб кетди.

– Биз қайдин билайик оташнафас кишиларга ихлос қилишнинг гуноҳ эканлигини, умримиз омоч, ҳўкиз кетида ўтган бўлса, – деди бошқа бир деҳқон.

Қўшнилар уй-уйларига чиқиб кетганларидан кейин Машраб мезбонга қараб:

– Биз йўл-йўлакай Сўфи Оллоёр билан кўришиб кетмоқ ниятида эдик, қайси қишлоқда истиқомат қиладур ул киши? – деб сўраб қолди.

– Самарқандга етмасдин Янгиқўрғон яқинида Минглар қишлоғи бор, – деб гапни узоқдан бошлади уй эгаси. – Илгари Оллоқули деган бой бир одам ул қишлоқнинг оқсоқоли бўлиб, анинг икки ўғли

бор эди. Каттасининг оти Фарҳод, кичигиники Оллоёр, Фарҳод Бухоро бориб ўқиди, кейин амир хизматиға кириб, баланд мартабали бек бўлди, Оллоёр ҳам оғасининг кетидин Бухорога сафар этиб, анда таълим олди, кейин бож-хирож маҳкамасига ишга кирди, ўзининг эпчиллиги, раҳмсизлиги билан деҳқонларни бездирди. Оллоёр ёшлигида фақирларга кўп жабр-зулм қилур эди, бойлик орттириб, устма-уст уч-тўрт қизга уйланди.

Машраб унинг сўзига кулоқ солар экан, от устида ўз навкарлари билан қишлоқма-қишлоқ айланиб юриб, хирож тўлай олмаган деҳқонларнинг қўй, сигирларини хазина фойдасига мусодара қилиб юрган бераҳм ўлпончини кўз олдига келтирди. Унинг хаёлхонасида фожиали манзаралар жоилана бошлади. Мана, Оллоёр қамчисини ўйнатиб, солиқ тўлашга қурби етмаган бир деҳқоннинг уйига кирди-ю, рухсори олмадек қизига кўзи тушиб қолди, нияти бузилиб, уни олмоқчи, ўз қўйнига солмоқчи бўлди... Қишлоқ оқсоқолини ўртага қўйиб, кўз ёшини тиёлмаган қизни бир пиёла сув билан никоҳлаб олди...

Машраб тишларини ғичирлатиб, бошини бир силкиди-да:

– Хўш, кейин нима бўлди? – деб сўради.

– Оғоси Фарҳодбек арзимаган бир гуноҳи учун амирнинг ғазабига учраб, боши олингандин сўнг Оллоёр бул ишни ташлаб, ўз қишлоғига қайтиб келди. Қилғон ишларидан пушаймон еб, сўфи бўлиб олди...

Улар шам ёруғида алламаҳалгача гаплашиб ўтирдилар. Шодавлат маст уйқуда, Қитмир эса тумшуғини икки оёғи устига қўйиб, кўзларини мўлтиратиб ётар эди.

* * *

Сўфи Оллоёр ташқари ҳовлисидаги гулзор атрофида, қўлида тасбеҳ билан секин айланиб юрар, қомати келтириб қирилган мош-биринч соқолини чап қўлининг панжаси билан тарар, устара билан қиртишланган боши эса офтобда ялтирар эди.

У ичкари ҳовлига кириб, овқатланишни истамас, чунки бир-бирларига зимдан пичоқ қайраётган хотинларнинг аччиқ-сассиқ гапларини эшитишга тоқати йўқ эди.

«Кимки хотун бирла кўп суҳбат тутар,
Ул киши ғам бирла ғусса кўп ютар»,

деб пичирлаётганида эшикни тақиллатмай, эшагини етаклаганича кириб келаётган йўловчини кўрди-да, таажжубланиб қараб қолди. Кейин қоп-қора сочлари елкасига тушган меҳмоннинг шакли шамоилидан уни дарҳол таниди. Машрабнинг Бухородан қайтиб келаётгани, йўлда бир деҳқоннинг уйида қўноқ бўлгани тўғрисидаги хабар аллақачон унга етиб келган эди.

– Келсинлар, келсинлар, фақирнинг кулбасига ташриф буюрганингиздан беҳад хурсандмен, э шоҳ Машраб! Ассалому алайкум! – деди сўфи Оллоёр тасбеҳини чўнтагига солиб, унга яқинлашар экан. Машраб, орқасидан келаётган Шодавлатга эшагини тутқизиб, беқасам тўнли уй эгаси билан қўл бериб кўришди-да, ҳол-аҳвол сўрашди.

Турли ноз-неъматлар билан безалган дастурхон атрофида қуюқ суҳбатлашиб ўтирдилар. Бир оздан кейин хизматкор катта товоқларда гўшт ва шўрва келтириб, меҳмонлар олдига қўйди. Машраб: «Бисмилло!» деб ёғоч қошиқ билан ҳамма гўштни супа тагида кўзларини тўрт қилиб турган Қитмир олдига ташлади-да, ўзи қуруқ шўрвага нон тўғраб, ича бошлади. Унинг бу қилиғи мезбоннинг иззат-нафсига қаттиқ тегиб, томоғидан овқат ўтмай қолди. Қўл артилиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгандан кейин зардаси қайнаб турган Оллоёр ундан аламини олмоқчи бўлди, гапни узоқдан – валийлар кароматидан бошлаб:

– Сизга ҳайронман, – деди. – Қора халққа оқ йўлни кўрсатган азизларни хор қилиб, алардин авомнинг ихлосини қайтармоқчи бўлурсиз. Туркистонда султони Орифин Аҳмад Яссавий, Бухорода хожа Баҳоваддин, Хатирчида Қосим шайхнинг қабри поклари устига миниб, аларни беҳурмат қилибсиз. Бул хунук хабарларни эшитиб, ниҳоятда хафа бўлдим, сиздин ихлосим қайтди.

– Яхши бўлибдур. Кимики ўзи каби бир одамга ихлос қилиб, анга сиғинса, юзи қаро бўлғай. Сиз номларини тилга олган ҳожа ва шайхлар ҳамма қатори гуноҳкор бандалар, аларнинг қабрларин зиёрат қилиб, фарзанд сўраш, дардларга шифо тилаш динга ҳам, диёнатга ҳам хиёнатдур.

– Ҳеч бўлмаса, сиз билан мендек назм аҳлидин бўлғон Яссавийни риоя қилсангиз бўлур эди...

– Рост, ул кишининг яхши назмлари ҳам бор. Қози муфтиларни ер билан яксон қилғон шеърлари ёдимда. Аммо кўп ғазалларида рўзи маҳшардаги жазо, дўзах азобини тасвир этиб, одамларни даҳшатга солганлар. Ҳофиз ва Навоий каби нафосат бўстонининг булбуллари одамларнинг юрагида ҳақиқатга ошиқлик уйғотиб, ишқ-муҳаббат гулханин ёққанлар, азалий нури ҳақ тушиб турган томонни кўрсатганлар. Афсуски, бизнинг замонда ҳам баъзи шоирлар одамларни Мункар-Накир дарраси, пулсиротдан ўтиш хавфи билан қўрқитиб, аларнинг мардлигини сўндиришга ҳаракат қиладурлар, бул аҳли назмнинг эмас, мутаассиб муллолар иши...

– Кимнинг шаънига тош отаётганингизни пайқаб турибдурмен, – деди сўфи Оллоёр унинг гапини бўлиб. – Шуни билиб қўйсинларки, қора халқни дўзах азоби билан қўрқитиб турмасангиз, рўза тутмай, намоз ўқимай қўядурлар, бировларнинг молини тортиб олишдан ҳам тоймайдурлар.

– Назм аҳли одамларнинг юрагига ваҳима солиб, аларни аҳмоқ қилиб қўймасликлари, билъакс ҳақиқат йўлига бошлашлари лозим. Афсуски, сиз назм бўстонининг хиёбонларин эмас, муллоларнинг остоналарин кипригингиз билан супуриб келгансиз. Назм жавҳарларини муллоларнинг ипига тизгансиз. Одамларнинг руҳини сўндириб, аларни тирик мурдага айлантирмоқчисиз, авомга ҳеч нарса бермай, юракларидаги қўрни олгансиз. Ҳолбуки юраги совиб қолган киши худони ҳам танимайдур, бандани ҳам.

– Одамлар бир хил эмас, баъзиларини яхшиликча тўғри йўлға солиб юбормоқ мумкин, аммо қора халқни дўзах олови билан қўрқитмасангиз, орқасига дарра уриб турмасангиз, шариат буйруқларини бажо келтирмайдурлар.

– Сиздек шоирдин шул гапни эшитганим учун уялиб кетаётирман. Айиқ таёқ зарбидан ётиб туришга ўрганиши – «мулло» бўлиши мумкин. Аммо одам ҳайвон эмаски, жазо билан тоат қилишға ўргатсангиз. Шуни билиб қўйсинларки, мен қора халқ ичидин чиққанмен. Ота-боболарим бечора бўзчи эдилар. Сиз ҳам тўра эмас, ўзига тўқ деҳқон ўғлисиз. Худо олдида ҳамма баробар – тўра ҳам, қора ҳам.

– Шул гап оғзимдин чиқиб кетгани учун мени афв этинг. Одам Атонинг ҳамма болалари азиз ва мукаррам. Бирини таги паст деб ерга уриш, бирини асилзода деб кўтариш номаъкул иш...

– Ана, ўзингизга келдингиз, – деди қизишиб кетган Машраб, унинг гапини оғзидан олиб. – Одам нури ҳақнинг бир заррасидур. Мансур Ҳаллож бекорга «Аналҳақ» (мен худо) деб айтмаганлар. Афсуски уламолар «Аналҳақ»нинг маъносини тушунмай, ани дорға остирдилар...– Руҳан ва жисман ўз ҳамсуҳбатидан кучли бўлган Машраб ҳаяжон билан гапирар, кўзлари чақнар эди. Улуғ шоирларнинг асарларини ёд биладиган Оллоёр ҳамсуҳбатининг ҳақли эканлигини сезиб турарди, шу боис у кўнглини ғаш қилиб турган ҳисни енгиб:

– Рост айтасиз, инсон боласни секин-аста ҳақиқат йўли томон етаклаб, анинг юрагида бируборга, фақир фуқарога меҳр-муҳаббат уйғотмоқ лозим, – деди. – Аммо амир хизматида юрган маҳалимда мендин кўп гуноҳ ишлар содир бўлғон, – деб пешонасига урди сўфи Оллоёр – Тавба собуни билан қора юзимни оқартиришга уриниб, яқомни чок-чок этиб, дод-фиғон қилурмен. Қиёматда шарманда бўлиш, дўзахда куйиб азоб чекишдан қўрқадурмен.

– Сиз астойдил тавба қилғон бўлсангиз, гуноҳлардин фориғ бўлғонсиз. Ҳақиқат ипига тизган бир неча ашъорингиз учун назм аҳли олдида юзингиз оқ бўлғон. Қўрқманг, дўзахга тушмайсиз. – Машраб унинг кўзига тикилиб, тинмасдан бир оҳангда гапирар эди. Ниҳоят ён бармоғи билан ўрта бармоғининг орасини очиб: – Диққат билан қаранг! – деди. – Дўзах дарвозаси ланг очиқ, қотил ва қароқчиларни, риёкор ва зоҳидлар, порахўр қози, муфтиларни муаккиллар судраб дўзахга киритмоқдалар. Мана сизни ҳам етаклаб келаётирлар. Дарвиш ва девоналар дўзах дарвозасини маҳкам ёпиб, сизни ва орқангиздин келаётган шуаронни орқага қайтариб юбордилар. – У қўлини бир айлантириб, ҳамсуҳбатига тикилди. – Эмди менга қаранг!..

Юзида қўрқув аралаш хурсандлик аломати пайдо бўлган сўфи Оллоёр бир сесканиб, Машрабга қаради-да:

– Тавба, кўзимга дўзах олови кўриниб кетгандек бўлди. Назаримда, мени қутқарган дарвишлар қаторида сиз ҳам бордек эдингиз! – деди кўкрагига туф-туфлаб. – Ҳақиқат излаб, улуғ мақомға етибсиз. Сизга Хизр назар қилғон.

Машраб индамай мийиғида кулиб қўйди – яқиндагина ёзган исёнкорона бир шеърининг қуйидаги икки сатри эсига тушган эди:

«Сен агар Хизри наби бўлсанг, ўзингни қуллағил,
Этагимни чангидин юз минг Хизр пайдо бўлур».

## 8. ҲОКИМНИНГ СОВҒАСИ

Машраб билан Шодавлат Хўжанд шаҳрига етиб келганларидан кейин «Чаҳоршанба» карвонсаройига тушиб, бир ҳужра олишди. Эшакларини қўранинг бир четидаги қозиқларга боғлаб, кўчага чиқишди-да, дарё бўйидаги катта тут тагида ётиб дам олишди.

Баҳор пайти, қирғоқ кўм-кўк майсалар, ранг-баранг чечаклар билан қопланган, тоғ томондан елиб келган хушбўй боди сабо яшил барглар билан қоплана бошлаган тут новдаларини аста силкитар эди. Машраб билан ҳамроҳи ширин уйқуга кетганларида карвонсарой яқинидаги жомеънинг муаззини баланд овоз билан жамоатни намози жумъага чорлай бошлади. Шодавлат чўчиб уйғонди-да, кўзларини ишқалай бошлаган ҳамроҳига қараб:

– Туринг, дарё бўйига тушиб, таҳорат олайик, – деди. – Тағин Хўжанд аҳли, бенамоз одамлар экан, деб бизни таъна қилмасинлар.

– Майли, бу гал сенинг айтганинг бўлсин. Бир каттанинг сўзига кир, бир кичикнинг, деган гап бор.

– Сиздин ялиниб-ёлвориб сўраймен. Бугун намозни тўғри ўқинг. Тағин бошингизни саждага қўйиб, хуррак отманг.

– Хўп, бугун сенинг айтганинг бўлсин. Ҳамма билан баробар ётиб-туриб фарзу суннатга амал қилғаймен.

– Мен, Қитмирни саройга обориб боғлаб келай. Сиз дарё бўйига тушиб, таҳорат олиб туринг.

Улар жомеъга бир оз кечикиб боришди. Бир тутам соқоли кордек оқариб кетган бўлса-да, бароқ қошлари қоп-қора хатиб минбарга чиқиб, ваъзхонлик қилаётган экан.

Қиёмат куни беш фарзга амал қилғон, шариатга содиқ аҳли саодатни беҳиштга ташласалар, бадбахтлар эътироз қилиб, нега биз дўзахга тушдик, фалончиларнинг биздин қаери ортиқ, деб айтгайлар. Ҳотифдан овоз келгайки: «Сизлар беш фарзни божону дил қабул этмадингиз, муллоларнинг айтганин қабул қилмадингиз!» – деб.

Машраб унинг кейинги гапини эшитиб ўрнидан туриб кетди. Шахдам қадам ташлаб ваъзхоннинг олдига борди, қўлидан тортиб пастга туширди-да, ўзи минбар устига чиқиб:

– Сен ўшал ҳотифдан келган овозни ўз қулоғинг билан эшитдингми? – деди. – Сен қиёмат ваҳми била мусулмонларнинг юракларидаги имон ўтини сўндирмоқчимисан?! – деди у кўзлари қинидан чиқиб кетаёзган хатибга қараб.

Намозхонлар сочлари елкасига тушган савлатли Машрабга қараб аграйганларича қотиб қолган эдилар.

Машраб ўзи севган бир шеърини баланд овоз билан ўқий бошлади:

Вақти баҳор май ичгил, билгил, ишрат ғанимат,
Соқий, сунғил қадаҳни, фурсат, суҳбат ғанимат.
Зоҳид айтур, ёронлар, тасбеҳ-тоат ғанимат,
Машраб қаландарингга дарду меҳнат ғанимат.
Кўрмас маъшуқ юзини афғона бўлмағунча!..

Ҳатибнинг ваъзидан диллари хуфтон бўлган намозхонларнинг бу шеърдан кейин юзлари ёришиб кетди.

* * *

Шаҳар ҳокими Оқбўтабий уламолардан кўра қаландар, дарвишларни кўпроқ ҳурмат қилар, сарой қоидаларини бузмаслик учунгина жамоат билан намоз ўқир эди. Қози, муфти, шайхулислом қуршовидан узоқлашиб, овга чиққан пайтларида намоз ўқиш ўрнига шароб ичиб, хурсандчилик қилар, шариат қоидаларига риоя қилмас эди.

У Машрабнинг намози жумъада минбарга чиқиб, мутаассиб муллоларга қарши ёзган шеърини ўқиб берганини, фақир-фуқаро орасида ихлосмандлари кўп эканлигини эшитиб, уни саройга чақиришга қарор қилди: «Агар Машрабни меҳмон қилиб, кўнглини олсам, мендан норози бўлиб юрган халойиқнинг ҳусни таважжуҳини қозонган бўлар эдим, – деб ўйлади у. – Ҳукмдор ёлғиз қилич билан эмас, балки халқнинг кўнглини овлаб, у муқаддас деб билган нарсалар олдида бош эгиши керак. Шояд Машрабга ихлос қўйганимни эшитиб, халқ менга ҳурмат кўзи билан қарай бошласа ва мавқеим мустаҳкамланса...»

Машраб дарё бўйидаги тут тагида роҳат қилиб ётган маҳалида зарбоф чопон кийган басавлат бир арбоб унинг олдига келиб, отдан тушди-да, таъзим қилиб:

– Э марди худо, хуш келибсиз, сафо келибсиз! – деди, – Хўжанд шаҳрига ташриф буюрганингиздан беҳад мамнун бўлган Оқбўтабий ҳазрати олийлари сизни ўз ҳузурларига чорлаётирлар.

– Оқбўта? Ким ўзи? – деб ўрнидан туриб ўтирди Машраб.

– Ул жаноб Хўжанд вилоятининг ҳокими эрурлар.

– Бориб айт, агар ҳокимга керак бўлсам, олдимга ўзи келсин, мен бормаймен, – деб Машраб яна ётиб олди.

Ҳокимга нисбатан бундай ҳурматсизликни умрида кўрмаган мулозим эсанкираб:

– Хўп... хўп... Бориб айтамен, – деди.

Оқбўтабий мулозимининг гапини эшитиб, ғазабланиш ўрнига қиқирлаб кулиб юборди. Унинг товоқдай қип-қизил юзи ёришиб, қийиқ кўзлари қисилиб кетди.

– Кимки ул кишига ихлос қилса, носазо гап айтур эмишлар. Майли, не десалар ҳам хафа бўлмаймен. Ҳузурларига ўзим борайин, совға-салом обориб ўрдага чорлайин, дарҳол отимии эгарланглар...

Оқбўтабий ҳамон тут тагида ётган Машрабга яқинлашиб, отдан тушди-да, таъзим қилиб:

– Ассалому алайкум, э шоҳ Машраб, шаҳримизга қадамингиз етган замон келн сизни йўқламаганим учун мени кечиринг, – деди. – Ҳали ҳам бўлса шул арзимас совғамизни қабул айлаб, бизга қўноқ бўлинг.

Унинг мулозими тахлоғлик чакмон устига устма-уст қўйилган тўққизта нонни Машраб олдига қўйди, бошқа бир навкар бўйнидан боғланган семиз бир қўйни етаклаб келиб, арқоннинг учини унга тутқазди.

– Шул ишингни аввал қилсанг яхши бўлур эди. Ҳай, майли. Сен ҳузуримга ташриф буюриб, мени қарздор қилиб қўйдинг. Эмди даргоҳингга бориб, сенга меҳмон бўлиш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб қолди. – Машраб шуни деб Шодавлатга юзланди: – Тўққиз нон билан шул қўчқорни ҳув анави ерда тўпланиб турган яланг- оёқларга элтиб бер. Ани бўғизлаб, этини пишириб, нон билан есинлар.

Машраб совғага келтирилган чакмонни кийди, навкар жиловидан ушлаб турган арғумоқнинг узангисига оёқ қўйиб, эгар устига ўтирди.

Баланд тепа устига қурилган ўрданинг олдидаги майдонда жулдур кийимли, ранг-рўйлари сарғайган бир талай бандилар чордана қуриб

ўтиришар, тепаларида куролли соқчилар қилич яланғочлаб, уларни қўриқлаб турар эдилар. Ўтган-кетганлар маҳбусларга битта-яримта нон, бир қисим туршак ёки чақа пул ташлаб кетишарди. Ўша вақтдаги одатга кўра, ҳокимлар маҳбусларни бокмас, улар халқнинг хайр-эҳсони билан кун кўрар, хусусан жумъа кунлари садақа кўпроқ тушар эди. Машраб отини тўхтатиб, уларга қараб қолди.

Букчайиб қолган эски паранжили кампир ранги бир ҳолатда, бўйни қилтириқ банди йигитнинг олдида тўхтади-да, қўлидаги тугунни ечиб, унга иккита сомса узатди. Унинг ёнидаги бошқа маҳбуслар ҳам қўлларини узатдилар. Аёл тугунидаги ҳамма сомсаларини уларга бўшатиб берди, рўмолини қоқиб уҳ тортди-да, ортига қарай-қарай жўнаб қолди.

– Ислом оламида подшолар жабр қилғувчи бўлсалар ҳам, фақир-фуқарода раҳм-шафқат бор, алар бошиға кулфат тушган ёр-биродарлариға ёрдам қўлини чўзадурлар, – деди Машраб ёнидаги ҳокимга юзланиб. – Кел, сен ҳам алардин ибрат ол. Катталикнинг иззати зулм-тааддийда эмас, шафқат-марҳаматдадир. Бир киши айбини бўйнига олиб, кечирим сўраса, афв этмак лозимдир. Сен раҳм-шафқат қилиб, ёмон йўлға кирган шул маҳбусларни озод қилиб юбор. Уйларига – ота-она, бола-чақалари олдига кетсинлар.

Соч-соқоли оқара бошлаган бўлса ҳам, ҳали анча тетик, йўғон гарвали Оқбўта қовоғини уюб:

– Булар шариат ҳукмидин ташқари чиққан ўғрилар, каззоблар, қандай қилиб аларни бекордан-бекор бўшатиб юборай?! – деди. – Жиноятни жазосиз қолдирмаслик керак. Юмшоқ ва кўнгилчан бўлсанг, ёмонлар кўпайиб кетгусидир.

– Билъакс, ҳукмдорлар инсофли, боёнлар саховатли бўлганларида зулм-жиноят бул қадар қанот ёймаган бўлур эди. Ҳукмдорларда адолат йўқ, боёнлар, муллолар, қози-муфтилар хирсдин тўқ. Раиятни банду балоға қўйғон шохларнинг ўзлари. Тағин ҳам ўғри ва йўлтўсарларнинг кўпайиб кетмаганига ҳайронман. Сен жабр қилувчи подшолардин ибрат олма. Лутф-карам дарёсидин лаби ташналарни баҳраманд қил, тоинки аларнинг қалбларидаги эзгулик ҳислари вояга етсин. Гуноҳкорларни афв этмакдин қандай лаззат олишингни буларни озод қилиб юборгандин сўнг билурсан. Агар менинг айтганимни қилмасанг, даргоҳингга қадам босмайман.

Ҳоким ўйлаб турди-да, кейин юзи ёришиб, кўзлари чақнаб кетди.

– Бугун яхши туш кўрган, оппоқ соқолли бир киши бошимни силаган эди. Келинг, сизнинг айтганингиз бўлсин, умримда бир савоб иш қилай. – У баланд овоз билан маҳбусларга мурожаат қилди: – Ҳой бандилар – зиндонда азоб тортиб ётғон гуноҳкор мусулмонлар! Эшитмадим деманглар! Биз бугун сизларни бўшатиб юборишга аҳд қилдик. Ота-оналарингиз, бола-чақаларингиз олдиға бориб, аларни хурсанд килинглар. Кўрган-кечирганларингизни унутиб, тўғри йўл топиб олишга урининглар!..

Бошда маҳбуслар унинг гапига ишонқирамай, кўзларини катта очиб турдилар. Ясовуллар уларнинг оёқларидан кишанларини очиб ола бошлаганларидан кейин шодликларини юракларига сиғдиролмай ғовур кўтардилар.

Оқбўта қирктача бандини қутқариб юборганидан беҳад хурсанд бўлиб, Машраб билан бирга Ўрда томон жўнади.

Зиёфатдан сўнг, фотиҳа ўқилиб, дастурхон ўртадан олингандан-кейин, Оқбўта чап томонида ўтирган Машрабга юзланиб, шундай деди:

– Менинг ўн саккизга кирган бир ўғлим бор. Довюрак, қўрқув на эканин билмайдур. Баъзан мендин сўрамай дўстлари билан йўлбарс овига чиқиб кетадур. Жанг вақтида ёнидағи навкарлардин узоқлашиб, қилич яланғочлаганича ёв устига ташланадур. Мен анга шикаст етмасайди, деб қўрқаман, шул сабабдин кечалари уйқумда ҳаловат йўқ. Сиздин илтимос, қилич зарбидин, ўқ заҳмидин сақланмоғи учун анга бир дуо ёзиб берсангиз, ёнида олиб юрса...

– Майли, котибингизга амр этинг, менга қоғоз билан қалам-довот келтирсин.

Қуйироқдан жой олган битикчи буйруқни кутиб ўтирмай сакраб ўрнидан турди-да, айтилган нарсаларни муҳайё қилди. Чордана қуриб ўтирган Машраб чап тиззасига шилдироқ қоғозни қўйиб, ўнг қўлидаги савағич қаламни довотга ботирди-да, ўз номини уч маротаба ёзди. Унинг ёнида ўтирган котиб нима ёзар эканлар, дегандай бўйнини кийшайтириб қараб турарди.

– Мен бирор оят ёки ҳадис ёзиб берсалар керак, деб ўйлаган эдим. «Машраб, Машраб, Машраб», деб битдилар холос, – деб юборди у ажабланганидан ўзини тутолмай.

– Сен нени билурсан, нодон, – деди Оқбўта ёзилган дуони қўлига олиб. – Бор, ишингни қил. Ўғлим ушбу дуони ёнида олиб юргай. Ҳукмдорларга маслаҳат бериш сенинг ишинг эмас.

– Бул кеча ётиб қолсангиз яхши бўлур эди, – деди у фотиҳадан кейин ўрнидан туриб кетишга ҳозирланаётган Машрабга юзланиб. – Қош қорайиб қолди, на қилурсиз қоронғида тентираб юриб.

«Чаҳоршанба» карвонсаройи мен учун бир қадам йўл. Ул ерда дўстларим мени кутиб турибдурлар.

«Унга бир нарса инъом қилсам бўлар эди, – деб бош қотира бошлади ҳоким Машрабни ўрда дарвозасигача кузатиб қўйиб. – Йўл харжи учун пул берсам, ҳойнаҳой олмас. Олтин-кумушни ул ҳаром деб билур, ипак, кимхоб жомани хушламайдур. Ҳа, топдим. Менга узоқ, сафарга отланмоқчи бўлгани тўғрисида гапирган эди». – У ёнидаги навкарининг қулоғига бир нима деди-да, азиз меҳмонни гапига тутиб қолди. Орадан кўп ўтмай, навкар устига йўлбарс териси ёпилган оқ эшакни етаклаб келиб Машрабга кўндаланг қилди.

– Йўқ демай, мендин шул арзимас совғани қабул қилғайсиз, – деди Оқбўта жилмайиб. – Йўл юриб чарчамайдурган ҳанги. Бултур ўзим отиб ўлдирган йўлбарснинг терисини ошлатиб қўйғон эдим, ул ҳам сизга насиб қилғон экан.

Машрабнинг эшаги узоқ йўл юриб жуда ҳолдан тойган, энди оқсай бошлаган эди. У ҳокимнинг совғасини мамнуният билан қабул қилиб, унга ташаккур билдирди ва хайр-хўшлашиб, бир сакраб ҳангига миниб олди-да, карвонсарой томон равона бўлди.

## 9. ДОР ТАГИДА

Бобораҳим Машраб устига йўлбарс териси ташланган оқ эшагини йўрғалатиб, Шодавлат билан бирга Балх шаҳрига кириб келди. Ғир-ғир эсган боди сабо шимол томондаги яшил далалар, нокзор, анжирзор, олмазор боғларнинг хушбўй ҳидларини олиб келар эди.

– Жуда файзли шаҳар экан, – деди Шодавлат узоқлардаги баланд тепалар, уларнинг этакларидаги боғлардан кўз узмай. – Ўзимни гўё Наманган шаҳрида юргандек сезаётирман.

Ўз ўйи билан банд бўлган Машраб индамай хаёл суриб борар, сергап ҳамроҳининг сўзлари қулоғига кирмас эди.

Шакли шамоили ғаройиб мусофирларни кўрган шаҳарликлар ҳайрон бўлиб, орқаларидан қараб қолар, баъзилари эса негадир уларга эргашиб борар эдилар.

Бошига симобий салла ўраган чўққи соқол бир мўйсафид тасбеҳ ушлаган қўлини баланд кўтариб:

– Ҳой қаландар, бул дунё роҳатин тарк этган марди ҳаққа ўхшайдурсан, отинг нима? – деб сўради.

Машраб эшагини тўхтатиб, бир-бирига туташган қалин қошларини чимирган кўйи жавоб қилди:

– Отим Худо!

– А? Нима?! – деди гангиб қолган мулло атрофидагиларга қараб. – Ҳой мусулмонлар, эшитдинглар-а? Бул бетавфиқ даъвойи худолик қилаётир. Ани ўлдирмак керак, тутинглар!

Машраб беихтиёр эшакдан сакраб тушиб, ўзини ҳимоя қилиш учун шайланиб турди, новча бир йигит елкасига чанг солган эди, чапдастлик билан уни чалиб йиқитди. Эгасининг ёқасига ёпишган иккинчи бир йигитни Қитмир болдиридан ғарчча тишлади. Машраб пайтдан фойдаланиб, ўрда томон қочди. Ити вовиллаб унга ҳеч кимни яқинлаштирмас, мутаассиб оломон эса шовқин-сурон кўтариб уни таъқиб этар эди.

Ҳарамхонасида дам олиб ўтирган Маҳмудхон яқинлашиб келаётган шовқиндан безовталаниб ўрнидан турди-да, даричадан арк майдонига мўралаб қаради. Сочлари елкасига тушган оқ яктакли бир кишини одамлар қувиб келаётганини кўриб, навкарини чақирди:

– Югур, кўчага чиқ! Оломонни ҳайдаб юбориб, қаландарни қутқариб олиб кел! – деб буйруқ берди. У чиқиб кетгандан кейин ёнида ҳозир бўлган шойи чопонли удайчига юзланди: – Ҳожамқул, менға айт, бул қаландар не гуноҳ қилиши мумкинки, ани уркалтак қилаётирлар?

– Навкарингиз Эгамберди ҳозир ани бошлаб келгай, шунда билурмиз, – деб таъзим қилди удайчи.

– Балх аҳолиси боши узра қилич ўйнатиб келсам доғи, аларнинг бўйинларига итоат ҳалқасин сола билмадим. Агар бўш келсанг, саройға бостириб киришдан ҳам тоймайдур бу баччағарлар.

– Сабр қилсинлар, – деди ҳамон арк майдонига қараб турган удайчи. – Халойиқнинг овози бошқача. Назаримда алар шариат устунига

га болта урган даҳрийдин ғазабланаётганга ўхшайдурлар, оломон ичида муллавачча, намозхонлар кўп.

Ҳар елкасига иккитадан одам сиғадиган, баҳайбат Эгамберди шоша-пиша қиличини яланғочлади-да, яқинлашиб келаётган оломонга:

– Тўхтанглар, уй-уйларингизга жўнанғизлар, бўлмаса чопиб ташлаймен! – деб бақирди. Қизишиб кетиб ўрда дарвозасигача келиб қолган одамлар тўхтаб қолдилар, кейин секин-аста тарқала бошладилар. Навкар эса Машрабни елкаларига ойболта қўйиб турган соқчилар орасидан олиб ўтиб, хон олдига бошлаб кирди.

– Э, дарвиш, нима гуноҳ қилиб эдингки, халойиқ сени шул ерга-ча қувиб келди, айт! – деди Маҳмудхон йўғон овоз билан.

Машраб ҳарсиллаб нафас олганча:

– Балх аҳли... бесабр... эканлар, – деди. – Бердисини айтмасдан-туриб... одамни уриб ўлдиришдин ҳам... тоймас эканлар. Ҳаммасини... ҳозир айтиб берурман. Буюр... менга бир пиёлада... сув келтирсинлар!

Маҳмудхон қовоғини уюб қарс урган эди, навкари Эгамберди кириб таъзим қилди:

– Шаробдорга айт, бир коса гулоб келтирсин! – деди.

Шарбат ичиб ўзига келгандан кейин Машраб бўлган воқеани гапириб берди.

– Шаҳарга киришим билан, бир мулло «отинг нима?» деб сўраб қолди, мен «худой» деб бердисини айтишга улгурмай: «Тутинглар ани, даъвоїи худолик қилди, ўлдирмак керак!» деб жар солди. Таассуб бандаси бўлган одамлар ит бўлиб мени қувладилар, мен мушук бўлиб қочдим.

Маҳмудхон беихтиёр кулиб юборди. Кейин рўмолча билан қийиқ кўзлари четидан оқиб тушган кўз ёшларини артиб:

– Халқимиз бесабр, бир одамни кўрсатиб: «Ур!» десалар, гуноҳи налигини суриштирмай уркалтак қиладурлар. Сен яхшиям ўрдага қараб қочибсан, бўлмаса, аҳволинг чатоқ эди. – У рўпарасида турган шерсурат Машрабга ҳайрат аралаш назар ташлади-да: «Ким экан бу қаландар?» деб ўз-ўзига савол берди, лекин «отинг нима?» деб сўрашни ўзига эп кўрмади. Ҳар, нарсага қизиқавериш менинг мартабамдаги одамга ярашмайди, кимлигини билиб олармен», деб ўйлади у.

– Мусофир-мужовирларға эшигимиз доим очиқ, дастурхонимиз ёзиғлиқ. Чопавериб қорнинг ҳам очиққандир, – деб хон икки марта-ба қарс урган эди, баковул келиб қўл ковуштирди. – Дастурхон ёзиб, овқат келтир!

Яқиндагина ўзини хон деб эълон қилган Маҳмуд оталиқ кўчман-чи ота-боболари одатига риоя қилиб, тахт рўпарасига жой солдирди. Меҳмон бетакаллуфлик билан дастурхон ёнига ўтириб нон ушат-ди-да, кейин баковул келтириб қўйган шўрвани қошиқ билан кав-лаб, ичидаги гўштни остонадан ўтолмай турган Қитмирга ташлади. «Э, кимлиги энди маълум бўлди. Девонаи Машраб носазо сўзлар ва қилиқлари билан одамларнинг ихлосини қайтаради, деб эшитган эдим. Худди ўзи!» деб ўйлади Маҳмудхон кулгиси қистаб.

* * *

Шодавлат ҳамроҳини ҳимоя қилишга қодир эмаслигига, жан-жалга аралашса, оломон мажақлаб ташлашига кўзи етгани учун но-иложлик тўрига илиниб, турган ерида қотиб қолди. Қўл-оёғи чаққон ҳамроҳи мутаассиб одамлар қўлидан қочиб қутулишига, Қитмир ўз эгасини ҳимоя қилишига ишонар эди. Шовқин-сурон узоқлашган-дан кейин остидаги хўтикни ниқтаб, оқ эшакни етаклаганича оло-мон кетидан йўл олди. У арк майдонининг бир чеккасидаги чинор тагида тўхтади-да, воқеанинг нима билан тугашини узоқдан кутиб турди. Кўп ўтмай ўрда дарвозасига яқинлашиб қолган оломон тарқа-ла бошлади; тарвузи қўлтиғидан тушиб ортига қайтаётган одамлар-дан нима ҳодиса юз бергашга сўрашга унинг юраги дов бермади. Дувурга эргашиб келаётган бир болани кўриб, имлаб чақирди-да, гапга солди.

– Ўша сочи ўсиб кетган кишинини ҳеч ким тута олмади, – деб жавоб қилди бола кўзларини ўйнатаб, – Итиям жуда қопағон экан, эгасига яқин келган одамни ёқасидан олади-я!.. Йўқ, ҳеч кимни тиш лагани йўқ... Бир маҳал ўрдадан хон чиқиб, қиличини ўйнатиб бир бақирган эди, ҳамма тўхтаб қолди. Хон ўша сочи ўсган кишини ўр-дага опкириб кетди...

– Худога шукр, ҳеч ким унга зиён-заҳмат еткурмабдур, – хур-санд бўлди Шодавлат ва ҳамроҳининг ўрдадан чиқишини сабр би-лан кутиб турди.

Машраб қорнини тўйғизиб, ўрдадан чиққандан кейин у ёқ-бу ёққа қаради, унинг тахминича, Шодавлат кетидан эргашиб келиб, шу яқин орада кутиб турган бўлиши керак эди. «Қаерда экан?» деб кўзи тўрт бўлиб турганида узоқдан Шодавлат каллапушини силкитиб, қаерда турганлигини маълум қилди.

– Ҳеч ерингизга шикаст етказмадиларми? – деб сўради у.

– Эгамга шукр, сари мўйимнинг бир туки ҳам тўкилгани йўқ.

Машраб бошидан кечирганларини қисқача гапириб бергандан кейин бирор бошпана топиш ҳаракатига тушдилар. Сўраб-суриштириб шу яқин орада катта бир карвонсарой борлигини билиб олишди.

* * *

– Маҳмудбий қандай қилиб хон бўлиб олди? – деб сўради Машраб, соч-соқоли оқариб кетган бўлса ҳам ёшлардек тетик, кўзлари ўткир саройбондан.

Улар нимқоронғи дарвозахонанинг бир чеккасидаги сўри устида суҳбатлашиб ўтирар эдилар.

– Маҳмудбий котоғон уруғининг оқсоқоли, Қундуз шаҳри анинг юрти эди, вақти-вақти билан Бадахшонни талаб, бўшаб қолғон хазинасин тўлдирар эди. Бухоро амири марҳум Субҳонқулихон ёрдами-ла Балхни ҳам қўлга киритди, – деди саройбон ва чилимни хўриллатиб, оғзидан паға-паға тутун чиқара бошлади.

– Бир хизмати бордир-да? Бекордан-бекорга Балхдек шаҳарни анга топширмагандир.

– Ҳа, Хива ҳукмдори Анушхон юриш қилиб Кармана ва Самарқанд шаҳрини забт этганда Субҳонқули Маҳмудбийдан ёрдам сўраган, ул фурсатдан фойдаланиб, ўз отлиқлари билан ёрдамга шошилган ва бухороликлар билан бирга хиваликларни пароканда этиб, Самарқандни ишғол қилгон. Бул хизмати учун Субҳонқулихон ани Балх, Қундуз, Бадахшонга ҳоким қилиб тайинлаган. Аммо Балх аҳолисининг кўпчилиги минг, қўнғирот ва олчин уруғлари Маҳмудбийни ўрнидан тушириб, Нодир Муҳаммаднинг набираси Солиҳхожани ҳоким қилиб кўтардилар...

– Сизнинг гапингизга қулоқ солиб туриб, бошим айланиб кетди, – деди Машраб чилим тутунини кафти билан ҳайдаб.

– Қундузга чекинган Маҳмудбий тинч ётармиди, – деб гапида давом этди саройбон чилимни нари суриб қўйиб! – Субҳонқулига: «Солиҳхожани чақиртириб ол, ўрнига набиранг Муҳаммад Муқим султонни ҳоким қилиб юбор, мен анга оталиқ қилай» деган мазмунда хат ёзиб юборибдур. Субҳонқули бул ҳийлакор одамнинг найрангига учиб, ўзига содиқ бўлган Солиҳхожани Ҳиндистонга жўнатадур, набирасин Балхга ҳоким қилиб тайинлайдур...

У ҳикоясини давом эттирар экан, Машрабнинг кўз ўнгидан аввал ранг-баранг, кейин даҳшатли манзаралар ўта бошлади.

Мана энди, мўйлаби сабз уриб чиқиб келаётган баланд бўйли, хушсурат йигит – Муҳаммад Муқим навкарлари қуршовида Балх шаҳрига етиб келди. Маҳмудбий уни шаҳар бўсағасида карнай-сурнай билан қарши олиб, қуллуқ қилади, ўз қўли билан унга заррин либос кийгизиб, белидаги олтин камарига қимматбаҳо ханжар тақиб қўяди, юган ва умилдириғи тиллодан ишланган арабий отни унга кўндаланг қилади. Ёш ҳокимнинг оғзи қулоғида, боши осмонга етиб, аҳолиси мамнунлик билан уни кутиб олган шаҳарга дохил бўлади. Орадан икки ой ўтар-ўтмас оталиқ ёш ҳокимнинг ҳузурига кириб уни аврай бошлайди:

– Э зоти улуғ шаҳзода, сиз ҳоким эмас, мустақил ҳукмдор, хон бўлишга лойиқдурсиз. Токайгача Бухороға қарам бўлиб, Бадахшон лаъл конларидин тушган дирам ва динорларни, солиқ пулларини ул ерга юбориб турурсиз. Агар шул бойликлар ўзимизда қолса, сиз истиқомат қилғон шул эски кошона ўрниға муҳташам сарой солдириб, мамлакатимизни истаганингизча тасарруф этар эдингиз...

Бу гапларни эшитиб ёш ҳокимнинг боши айланиб кетади, бобосидек салтанат тахтида ўтириб, юртни истаганча идора этишни орзу қилади ва хон бўлишга розилик беради. Маҳмудбий ва унга содиқ бўлган қотоғон уруғи, сарой аҳли Муҳаммад Муқим султонни оқ кигизга ўтирғизиб, уни хон деб эълон қиладилар. Ҳаддан ташқари сермулозимат бўлган ҳийлакор оталиқ ёш ва тажрибасиз хонни ғафлатда қолдириб, ўргимчакдек макр ва ҳийла иплари билан саройни ўраб ташлайди. Субҳонқулихон ўлгандан кейин оталиқ ўз ниятларини амалга ошириш пайти келганини англайди. Сарой атрофига ўзига содиқ бўлган ясовулларни қўйиб, бир куни хоннинг ҳужраи хосига киради-да, унинг кўксига ханжар санчиб чиқади... Машраб

бошини бир силкитипб, кўз ўнгида пайдо бўлган бу машъум манзарани қувиб юборди-да:

– Бу янглиғ жиноят жазосиз қолмағай, – деди. – Хиёнат пойдоворига қурилган салтанат поймол бўлғуси, яқин орада Маҳмудхоннинг кўксига қасос ханжари қадалғусидур.

– Рост, аммо тақдирнинг сабри бениҳоя, ҳақикат дарҳол қаллобликдан устун чиқа олмас экан. Субҳонқулининг ўғли Убайдуллахон жиянининг хунин олиш учун уруш бошламоқчи бўлиб турганда Ҳисор ва Самарқанддаги юз уруғи исён кўтариб, Маҳмудхон тарафига ўтдилар, ички урушлар бошланиб кетди. Мана, етти-саккиз йил бўлди, ҳамон юртда тинчлик йўқ... Имоним комилки, ахир бир кун, сиз айтгандек, бул хиёнаткор жазосини тортгай!

* * *

Маҳмудхоннинг ўнгида ҳам, тушида ҳам ҳаловат йўқ, баъзан кўзи илиниши билан кўксига ханжар санчилган ош Муқим султон унинг томоғидан бўғиб олар, шунда у даҳшатга тушиб, ўрнидан сакраб туриб кетарди. Бир қактлар тоғни урса талқон қиладиган бу бақувват одам узоқ ётган бемордек орикқлаб, бўйни тиришиб қолди. Бадбин хаёллардан чалғиш учун у гоҳо ичкиликка берилар, баъзан девоналарга садақа бериб, дуо олар эди.

Машраб унда кучли таъсир қолдирган эди, у баъзан шоирнинг қилиқларини, гапларини эслаб илжайиб кўяр эди. Сўраб-суриштириб, у Машрабнинг Тошкент, Бухоро. Хатирчидаги саргузаштлари тўғрисида ажойиб ҳикоялар эшитди, яна у билан учрашиб, ўзини чалғитишни истаб қолди, фаррошни чақириб: «Дарҳол ўшал қаландарни топиб келтир!» деб буйруқ берди.

Фаррош карвонсаройга келиб, Маҳмудхоннинг буйруғини етказиши билан Машраб дарҳол эшагига миниб, саройга равона бўлди.

– Ассалому алайкум, э марди ҳақ, пойи қадамингиз теккан ерга бало жетмасин, – дея уни қарши олди хон тахт устида ўтириб. – Бугун нечундир юрагим сиқилиб турибдур, шул сабабдин...

– Кечаси ёмон туш кўриб чўчиб уйғонгандурсан, – деб унинг сўзини бўлди Машраб. – Рангинг бир ҳолатда, ғам-андуҳ юки борган сари оғирлик қилаётганга ўхшайдур.

– Топдинғиз, шул сабабдин дуо олиш мақсадида сизни безовта қилишдин тортинмадим.

– Ҳаққингга дуо қилсам, эвазига не бергайсан?

– Бир ҳовуч олтин.

– Олтин палид ва ҳаром нарса, мен уни қўлимга олишга ҳазар қиладурман. Бир шартим бор, кўнсанг илтимосингни бажо келтирай.

– Айтсинлар шартларини.

– Дуо эвазига бир соат тахтингда ўлтириб, хукмронлик қилсам...

– Ҳаҳ-ҳа, – деди хон ғазабини ютиб. – Агар подшоликни қўлинғизга берсам, қандай фармонлар содир бўлур эди сиздин?

– Мен хазинадор ва мулозимларимни йиғиб, хазинадаги барча олтин, кумуш тангаларни фақиру фуқаро бошлари устидан сочиб юборинглар, деб буйруқ берар эдим.

– Шунча азоб-уқубат билан тўплаган бойликларимни-я? Шул тахт-тож учун тиззамдин қон кечиб, соғлиғимдин айрилдим, келиб-келиб ани сендек ялангоёққа, олтин тангаларимни таги паст қашшоқларга берайинму? Агар бир соатга тахтимни сенга берсам, уни булғатар экансан-да! – деди хон сенсирашга ўтиб, дағ-дағ титрар экан.

– Сен юртни булғатдинг, Балх аҳолисининг қонини сўриб, турар жойларини ахлатхонага айлантирдинг...

Бирдан:

– Жаллод! – деб бақириб юборди хон.

– Ханжарим конга ташна! – деди белбоғига ойболта қистирган, чап томонида ханжари осилиб турган қизил чопонли, давангир бир одам ҳозир бўлиб.

– Ҳаддидин ошиб, худолиқ даъво қилғон, тангрининг ердаги соясини топтамоқчи бўлғон мана бу ялангоёқни дорга ос!

– Бош устига, – деди жаллод кўзларини чақнатиб. Кейин Машрабга қараб боши билан эшикини кўрсатди.

– Сен каби золимдин раҳм-шафқат сўрамаймен, оёғингга ётиб ялинмаймен! – деди Машраб хонга нафрат билан қараб. – Аммо билиб қўй, сенинг ҳам кунинг битган. Ўринсиз тўкилган қонлар, навқирон Муқим Султоннинг хуни ноҳақ кетмас.

Маҳмудхон титраб жаллодга ўшқирди:

– Йўқот кўзимдин!

Ўрданинг орқасидаги зиндоннинг рўпарасида қора ёғочдан ясалган баланд дор, унинг ўртасига ҳалқа қилиб осилган аркон ҳавода даҳшат билан чайқалиб турар эди. Жаллод дор тагидаги баланд тахта сўри ёнига шоти қўйиб, сиртмоққа мой суртаётганида текин томоша пайида юрган бокорчилар йиғила бошладилар, лекин атрофни ўраб олган йигирматача аскар уларни дор яқинига йўлатмас эдилар. Одамлар: «Қайси ўғрини осишар экан, билдингизми?» деб бир-бирлари билан шивирлашаётганларида уларнинг ёнида турган чўққи соқол мўйсафид тасбеҳини ўгириб:

– Анови даъвойи худолик қилғон дарвишни, – деди. – Ёдингиздами, халойиқ ани қувлаб ўрда остиғача борғон эди.

Баъзилар ияжайиб: «Э, ўшал даъвогарнингму?» деса, бошқалари, биз бехабар эдик, дегандек бош чайқаб қўяр эдилар. Елкасига ойболта қўйган соқчилар қуршовида келаётган оқ яктакли, сочлари елкасига тушган мағрур шоирни кўргач, халойиқ негадир донг қотиб қолди. Кўпчиликнинг раҳми келиб, унга ҳамдардлик билдира бошладилар, аммо чўққи соқолли муллонинг оғзи қулоғида эди. Машраб ёнидан ўтиб кетаётганида у тасбеҳини ўгириб:

– Қаерга кетаётирсан? – деб сўради.

Шоир унга бамайлихотирлик билан қараб:

– Маъшуқамни кўргали кетаётирман, – деб жавоб қилди. – Сен зоҳиди ях бунинг маънисини тушунмайсен!

Одамлар орасида қисилиб турган Шодавлат Машрабни кўриши билан ўпкасини тутолмай, йиғлаб юборди.

– Хайр энди, Пиримаст, кўп қайғурма. Наманган борсанг, ёру ёронларға салом айт, – деди шоир қандайдир кўтаринки руҳият билан, сўнг дадил дор тагидаги курсига чиқди-да, бўйнига сиртмоқ солди. Бир лаҳза, бутун ҳаёти, Наманган, Қашқарда кўрган-кечирган аччиқ-чучук дамлари кўз ўнгидан ўта бошлади, ҳаёт ипи шу ерга келиб узилиши зарурий эканлигини у яхши билар, шу сабабдан чеҳраси ботиб бораётган қуёшдек сокин эди...

* * *

Шодавлат минг машаққат билан ўз шаҳрига эсон-омон келиб, бўлиб ўтган даҳшатли воқеаларни таниш-билиш, ёр-биродарларга гапириб берди. Машрабнинг синглиси дод-фарёд кўтариб, сочларини юла бошлади, қаридош-уруғ, қўни-қўшни аёллар уйига йиғи-

либ, унга таскин беришга уриндилар, кейин ҳамдардлик билан, бел боғлаб, зикру-самоъ туша бошладилар.

Гангиб қолган Шодавлат баъзан Машраб билан бирга юрган йўлдан Бордонкўрғон тепалигига кўтарилар, у билан бирга гулхан қалаб дам олган жойларда бирпас ўтириб, кейин сой бўйига тушар эди. Бир куни шундай сайрдан қайтиб келаётганда Ийдгоҳ маҳалласидаги хонақога кираётган қаландарларни кўриб, уларга салом берди-да:

– Э пийри мардумлар, қайси ердин келаётирсизлар? – деб сўради.

– Балх шаҳридин.

– Устозим улуғ шоир Бобораҳим Машрабнинг қотили Маҳмудхон ҳали ҳам тирикму?

– Ие, гапдин хабарингиз йўқми? – деди оппоқ соқоли кўксига тушган бўлса-да, юзи тиниқ, тетиккина бир чол унга яқин келиб. – Бултур Бухоро амири қўшин тортиб келиб, Балх ва Қундуз шаҳрини олди. Шаҳрисабз ўзбаклари қотағонларни пароканда қилиб, бойлиқларини тортиб олдилар. Одамларнинг айтишларича, аскарлари тор-мор бўлган Маҳмудхон қочғони жой тополмай, шаҳарнинг бир чеккасидаги кулбаи вайронага яширинибдур, ярим кечада «Қоч» деган овозни эшитиб, жуфтакни ростламоқчи бўлиб турганида том босиб қолибдур.

– Охир қасос ханжари кўксига санчилибдур-да! – деди Шодавлат кўзлари чақнаб.

# НУР ВА ЗУЛМАТ

## 1. ЖАҲОН ОТИН

Йўлнинг икки томонидаги қатор теракларга қўниб олган зарғалдоқлар сарой соқчиларидек ўқтин-ўқтин бир-бирларини чақириб, қандайдир нохуш аҳволдан хабардор қилаётгандек эдилар.

Кечки пайт. Дарахтларнинг сояси узунлашиб, боққа салқин тушган. Зарбоф, парча, шойи тўн кийган сарой амалдорлари, беклар гердайиб, боғ ўртасидаги хиёбондан кўча томон йўл олмоқдалар. Худди шундай пайтда эски паранжили бир аёл баланд девор билан ўралган ўрда боғининг нақшинкор дарвозаси олдига келиб, сарой боғига кирмоқчи бўлди.

– Ҳой, кампир, орқаға қайт. Не қилиб тентираб юрибсан бул ерда? Рухсати олий бўлмаса, хеч ким саройга киритилмайдур! – деб бақирди ағдарма этик кийган хуш мўйловли қоровул йигит, қиличини ярим белигача суғуриб.

– Қўрқма, темиртагингни қиниға солиб қўй. Калламни олишдан бурун арзимни эшит, қоровул бола, – деди аёл истеҳзо аралаш. Унинг дўқ-пўписадан қўрқмайдиган ўктам аёллардан эканлиги кўриниб турар эди.

– Кеч бўп қолди, ишинг бўлса эртага келарсан.

– Қачон келишим билан сенинг ишинг бўлмасин.Мен амирулмўъминин ҳузурларига кирмоқчимен.

– Онҳазратнинг оллилариға? – шошиб сўради йигиткўзларини ола-кула қилиб. – Ўзлари ким бўладурлар?

– Нима қиласан кимлигимни суриштириб? Хўжайиннинг қоровул бегини чақир!

– Йигит дарвозахонага кириб кетди-да, чорпаҳилдан келган, ўрта ёшли, мис камарига қилич осган бир кишини бошлаб чиқди.

– Хўш, нима хизмат билан келдилар? – деб сўради у қовоғини солиб.

– Онҳазратнинг ҳузурларига кирмоқ ниятидадурмен.

– Бунинг иложи йўқ. Алар аёлларни қабул қилмайдурлар. Ҳарамхонаға кирмоқчи бўлсангиз – унинг йўли бошқа. Ўшанда ҳам чақирилғон бўлсангиз. Қўлингизда ташрифнома борми?

– Йўқ... ҳа, бор, мана! – Аёл паранжиси ичидан шалдироқ қоғозга ёзилган сўнгги ғазалини – арзи ҳолини чиқариб, қоровул бегига узатди. – Югурдакларингиздан бирига буюринг, буни ҳарамхонага олиб кириб, Моҳларойимнинг қўлларига топширсин.

Қоровул беги қоғозни олиб ичкари кириб кетди-да, орадан чорак соат ўтар-ўтмас югуриб чиқиб, таъзим қилди.

– Марҳамат қилсинлар. Сизни бу йигит пойи остонагача кузатиб борғай, – деди юзида бир туки йўқ, аёл башара эроний қул йигитни кўрсатиб.

Сўник кўзлари мўлтираб турган, ҳар бир буйруқни сўзсиз бажарувчи йигит қадам ташлашидан ёш жувонга ўхшаган жулдур паранжили аёлни сарой томон бошлади. Улар хиёбондан юриб, кошинлари йилтираб турган сернақш сарой томон йўл олдилар, икки ёнида қуролли йигитлар турган дарвозадан ўтиб, катта кўра орқасидаги ҳарамхонага етиб келдилар. Ҳарамхона ҳовлисига чорбурчак ғишт ётқизилган, тўрт томондаги иморатларнинг деворлари нақшинкор, кошиялари йилтираб кўзни яшнатар эди. Меҳмон аёл чачвонини кўтариб, деворлардаги нақшларни томоша қилаётган эди, чиройли бир канизак югуриб келиб, унинг бошидан эски паранжини олди-ю, жамолини кўриб қотиб қолди. Унинг рўпарасида чамаси йигирма уч-йигирма тўрт ёшга қадам қўйган қора қошли, оқ юзли моҳрўй бир аёл қоматини тик тутиб, кулимсираб турарди. Шу пайт жиякли атлас кўйлак устидан бахмал нимча кийган ёшгина Моҳлар ойим югуриб келиб, у билан қучоқлашиб кўришди.

– Сизни кўрадиғон бахтли кун ҳам бор экан, Жаҳон опа! Келишингиздан бир-икки кун илгарироқ, бизни огоҳлантирмайсизми? Пешвоз чиқиб, сарой ташқарисида сизни кутиб олар эдик, – деди у севинч аралаш гинахонлик билан.

– Сизни овора қилишни истамадим. Ўз оёғи биланкелган меҳмон атойи худо,дейдурлар. Марғилон борғон баъзи аёллардан мени кўриш орзусида эканлигингизни эшитдим, ўзим ҳам жамолингизга тўйиб, суҳбатингизни олишни истаб юрардим. Вақти-соати етган экан, сафаротига миндиму Қўқон сари равона бўлдим.

Кўнгилдагидек иш бўлибдур, опа. Сизни кўргим келганда ғазалларингизни ўқиб юраман. Буни қаранг,ёзган шеърларингиз ўзингиз каби гўзал, йиллар ўтгансари ҳуснингизга ҳусн кўшилиб, чиройингиз очилади-я!

Юзидан нур ёғилиб турган қора қош сарой бекаси азиз меҳмон билан учрашганидан беҳад шодон эди.

Улар уч-тўрт йил илгари, Умарбек Марғилон ҳокими бўлиб турган вақтда ўрдада учрашиб турардилар. Увайсий тахаллуси билан ном чиқарган Жаҳонойнинг ғазалларини ўқиб завқланган ёш ҳоким иштиёқ билан шеър ёза бошлаган рафиқаси Моҳлар ойимга илми аруздан дарс бериш учун уни ўрдага чақиртирган эди. Акаси Олим золим ўлдирилгандан кейин Қўқонга кўчиб бориб, тахтга ўтирган Умархон давлат ишларини тартибга солиш билан овора бўлиб, уни эсдан чиқарган эди. Сарой шоирлари ва шоиралари даврасига келиб қўшилишни орзу қилиб юрган Увайсий ўз ташаббуси билан бу даргоҳга етиб келди.

Шодлигидан чеҳраси яшнаб кетган Моҳлар ойим азиз меҳмон атрофида парвона бўлиб, уни меҳмонхонага бошлади.

Ганч билан сувалган, мунаққаш токчаларига тилла, кумуш асбоблар, хитой чиннилари териб қўйилган айвондаги бахмал кўрпача устида ёши ўттизларга бориб қолган тўлагина кўҳлик бир аёл – ҳарамнинг бош ходимаси Хушҳол биби чордана қуриб ўтирарди. Уй бекаси билан меҳмон аёлнинг яқинлашиб келаётганларини кўргач, муштини ерга тираб, ўрнидан турмоқчи бўлди.

– Ўтираверинг, овора бўлманг, опа, – деди Жаҳонотин югуриб бориб у билан кўришар экан. – Соғ-саломат юрибдурлармиўғил, қизлар?

– Худоға шукр, ҳаммаси соғ-саломат... Хуш келдилар, қани, юқорига...

Ўтирганларидан кейин Хушҳол биби қўл очиб, ҳурматли меҳмонга соғлиқ, бахт-саодат тилаб, дуо ўқиди; улар яна ҳол-аҳвол сўраша бошлашди. Кейин ходима ҳовлининг бир четкасида қўл қовуштириб турган дуркунгина канизакни кўриб, бир имо қилган эди, у хиёл ўтмай, елкасида сочиқ, қўлида дасту ва қумғон билан келиб, ўтирганлар қўлига сув қуйди, кейин дастурхон ёзди. Меҳмон ва мезбонлар у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, чой ичдилар. Ниҳоят, Жаҳон отин уй бекасига юзланиб, дилида ардоқлаб юрган гапни ўртага солди.

– Мен кўпдан буён Кўқон шаҳрига тўпланган нозимларнинг мушоираларида иштирок этмоқ орзусида юрар эдим, мана энди шу улуғ бўсағада турибмен.

– Шоир ва шоиралар даврасида сизнинг ўрнингиз бўш турар эди. Келганингизни билиб Онҳазрат ҳам шод бўлғусидурлар.

– Шуни билганим учун тап тортмай келавердим-да.

– Сиз Марғилондан кетганингиздан кейин шаҳримиз булбули учиб кетган бўстонға ўхшаб қолғон эди...

Мавзу шеър ва нафосат устига кўчганидан кейин улар роҳат қилиб суҳбатлашиб ўтирдилар. Дастурхонга фотиҳа ўқилгандан сўнг Хушҳол биби кулимсираб:

– Онҳазрат ҳозир хонаи хосларида бир неча шоир билан суҳбат қуриб ўтирибдилар. Бўшаганларидан кейин келганингизни билдириб суюнчи олиш керак, – деди.

– Агар ҳузурларига кириб, салом берсам-да, мушоирага қатнашсам, сўнгги ғазалимни уларнинг муҳокамасига ташласам...

– Номаҳрам бир аёлнинг тўсатдан эркаклар орасиға кириб бориши уларда қандай таассурот қолдирар экан, билмадим, – деди Хушҳол биби қалин қошларини чимириб.

– Хусусан, мавлоно Фазлий норози бўлиб: «Заифалар шариат аҳкомидин четга чиқмасликлари лозим, уларга пўшидалиғ муносиб», демасмикинлар? – деб гапга аралашди уй бекаси.

– Мана, шариат ҳукми! – деб Жаҳон отин бошидаги эски ипак рўмоли билан оппоқ томоғию сочлари, қулоқларини ўраб боғлади, енгини тушириб, кумуш билагузук таққан билагини беркитди.

– Энди номаҳрамга кўринсангиз ҳам бўлаверади, – деб кулди Хушҳол биби. – Ҳеч ким, ҳатто феъли тор қозикалон ҳам сизга тиргила олмайди, асли шариатнинг ҳукми шу!

Иккиланишни билмайдиган ўктам Жаҳон отин эшикда пойлаб турган эроний қул йигит билан бирга ҳарамхонадан чиқиб, маҳкамаи олий томон дадил қадам ташлади. Эроний йигит шоиранинг қўлидан олган қоғоз билан хосхонага кириб кетиб, бир неча дақиқадан сўнг қайтиб чиқди-да, кулимсираб бош ирғаб қўйди.

– Ассалому алайкум, – деб ўн бир ёғочли кенг-мўл машварат хонага дадил кириб борди Жаҳон отин.

Тўрдаги шаҳнишинда кимхоб тўшакда чордана қуриб ўтирган тўла юзли ширакайф хон қийиқ кўзлари билан кулимсираб саломга

алик олди-да, шоирани ўтиришга таклиф этди. Хонанинг икки томонидаги атлас кўрпачаларда бир вазиятда ўтирган, тахаллуслари ҳам, ғазаллари ҳам бир-бирига ҳамоҳанг шоирлар: Хижлат, Ҳайрат, Хислат, Нусрат, Музмар, Мушриф ва бошқалар хайрон бўлиб, қуйироқда тиз чўккан шоирага анқайиб қараб қолдилар.

– Рўпарангизда тахаллуслари Увайсий бўлғон Жаҳон отин ўтирибдурлар, – деди хон орага чўккан оғир сукунатни бузиб. – Биз Марғилонда ҳоким бўлиб турган вақтимизда бу етук шоира бизнинг таклифимизга биноан ўрдага келиб маликага илми аруздан дарс бериб турар эдилар. Юрт ишларидан тинчигач, бу хонимни саройга чақиртирмоқчи эдик. Худди ниятимиздан хабардор бўлганларидек, ўз қадамлари билан ўрдага ташриф буюрибдурлар. – Хон шоиранинг таърифини жойига келтириб, қўлидаги қоғозни чап томонида ўтирган қоп-қора соқолли Маҳжурга узатди. – Бу сўнгги ғазаллари бўлса керак, ўқинг.

Шоир қоғозни олиб, бошини бир оз орқага ташлаб, завқ билан ўқий бошлади:

Забонингни кетургил, э шакар лаб тўти гуфтора,
Нечукким марҳамат бўлсин неча мендек дилафгора.
.................................................................................................
Увайсий, юз жафо кўрсанг, ҳақиқат ёридин доим
Ўгирма юзни андин, солма кўзни ўзга дилдора.

Хоннинг ўнг томонида ўтирган Фазлий энсаси қотиб Маҳжурга истеҳзо билан қаради-да, кейин ерга нигоҳини қадади.

Қуйироқда ўтирган шоир Мушриф завқланиб кетиб:

– Мана бу шеърни маъни дарёси тагидан олинган дурру гавҳар деса бўлур! – деб юборди. – Сафимизга ҳақиқатға ошиқ бўлғон бир булбулигўё келиб қўшилди!

– Офарин! – деб унинг гапини маъқуллашди бошқа шоирлар. Кейин шеър бўстонига кириб келган шоиранинг ишига кушойиш тилаб, дуога қўл кўтардилар.

Икки бети қизариб, кўзлари чақнаб турган Жаҳон отин ҳарамхонага қайтгач, томоғию қулоқларини ўраб олган ипак рўмолини очиб, бошига ташлади-да, дугоналари ёнига ўтирди ва бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир айтиб, уларни хурсанд қилди. Анча фурсат-

дан сўнг – ўрда боғидаги дарахтларнинг учлари ботаётган қуёш нурида заррин тусга кирган бир вақтда Жаҳон отин кетишга ҳозирланди.

– Вой, қаёққа? – дея безовталаниб сўради уй бекаси. – Сиз учун алоҳида хона ажратиб қўйиғонмен, шу ерда истиқомат қиласиз.

Мен бир қариндошимнинг уйига меҳмон бўлиб келган эдим, узримни қабул этинг. Кечалари у ерда бўлсам, кундузлари хизматингиздамен.

Зийрак уй бекаси унинг: «Саройда туролмайман», демоқчи эканини фаҳмлаб, маъюс кулимсираб қўйди-да:

– Агар истасангиз, сизга яхши бир ҳовли топиб берамиз, – деди.

* * *

Увайсий ҳарамхонада ўзи учун ажратилган хонада кезинаркан, беихтиёр очиқ даричадан ҳовли ўртасидаги усти ёпиқ ўра ёнида ювинаётган Умархонга кўзи тушди. Ўратепалик чиройли бир канизак обдастадан хоннинг қўлига сув қуяётганда, бир ўрим сочи чап елкасидан осилиб тушиб, обдастага илашди. Оппоқ семиз юзи ёришиб кетган хон канизакнинг сочини авайлаб олиб, унинг орқасига ташлади. Увайсий рўпарасидаги даричадан Моҳлар ойимнинг ҳам қараб турганини, унинг анордек юзи қизариб кетганини кўрди-ю, ўзини панага олди. У ўз синглисидек севиб қолган малика учун ачиниб, юраги куйиб кетди. Токчадаги чойнакдан бир култум совуқ чой ичиб, ташналигини қондирмоқчи бўлганда, катта бир Қува анорига кўзи тушди. Дарров қўлига олдию пичоқ билан думини қирқиб, бир неча жойдан узунасига пўстини тилди, бармоқлари билан тўртга ажратди, чўғдек анор доналари пиёлага тўкилди. Шу пайт унинг миясига: «Ахир бу гумбазга ўхшаган анорнинг ҳам биз каби бағри қон экан-ку! Ҳамма томони баланд қўрғон билан ўралган ўрда ҳам ҳасрат оловида ёнган гўзал канизаклар билан тўла, уларнииг бекаси ҳам рашк ўтида ёнмоқда», деган фикр келди ва бирдан юзи илҳом нури билан ёришиб кетди. У дарҳол хонтахта ёнига ўтириб, қўлига қалам олди-да, сиёҳга ботириб ёза бошлади:

Бу на гумбаздур – эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур ниҳон.

Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидин олсам хабар,
Юзларида парда тортуғлиқ турарлар, бағри қон.

Увайсий «Анор» деган бу шеърини Моҳлар ойимга ўқиб берганда у ҳаддан ташқари ҳаяжонланиб, мураббиясини кучоқлаб:

– Вой опажон, қандай ажойиб шеър ёзибсиз! – деди. – Агар нафосат тарозусининг бир палласига сарой шоирларининг ғазалларини, иккинчи палласига шу тўртлик қўйилса, албатта сизнинг шу жажжи шеърингиз босиб кетгусидир.

– Жуда ошириб юбордингиз, маликам! – деди шоира қизариб, гарчи бу мақтов унга ёқиб тушган бўлса ҳам.

* * *

Увайсий бир куни сарой боғида тўсатдан шоир Фазлийга дуч келиб қолди. У чачвонини кўтариб, паранжи орқасига ташлаб келаётган эди. Дарҳол рўмоли билан оппоқ томоғини ўраб, енгини туширди-да, унга салом берди. Бошидаги симобий салласи ўзига ярашган, банорас тўн кийган ўрта ёшли сарой шоирининг юзи қизариб, кўзлари чақнаб кетди. Афтидан бир пиёла шароби ноб ичиб олганга ўхшарди. Фазлий саломга алик олиб, ерга қараб қолган шоира билан ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин унинг «Анор» деган шеърини ёддан ўқиб:

– Ўзингиз ҳам шул маконда манзил курган пок нозанинлардансиз, аммо ёлғизликдан бағрингиз қон, – деди. – Ваҳоланки сизнинг суҳбатингизга муштоқ бўлган мухлисларингиз бор... На қилғай, иккимиз каминанинг хилватхонасида ўтириб мушоира қилсак...

У гапини тамом қилмасдан бурун Увайсий ғазаб билан тикилиб:

– Йўлингиздан қолмай кетаверинг, ўзингизга ўхшаган оёғи енгил бир жувонни топиб олинг! Мен сиз ўйлаган аёллардан эмасман, – деди шартта. «Ўзим нима ташвишда юрибман-у, бу нималарни орзу қилади», деб пўнғиллаганча ундан узоқлашди. Ҳарамхонага кирганда бир кампир дастурхон устида Хушҳол биби билан уй бекасига бир нарсаларни уқтираётган эди. Увайсий салом бериб кириши билан у ўрнидан туриб, кўришмоқчи бўлди.

– Ўтиринг, ўтираверинг, – дея у югуриб бориб, кампир билан кўришди ва ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг орага оғир сукунат чўкди.

Бир оздан кейин Хушҳол биби ўрнидан туриб, «юринг» дегандай Увайсийга имлади. Икковлари холи бир хонага кирганларидан сўнг Хушҳол биби тўсатдан:

– Кампирни танидингизми? – деб сўради, лекин саволига жавоб кутмасдан гапида давом этди. – У машҳур ҳофиз ва шоир Ҳайдар девонанинг онаси, сизга совчи бўлиб келибди.

– Нима? Нима дедингиз? Совчи?

– Ҳа. Ҳайдар девона ғазалларингизни ўқиб, сизга ғойибона ошиқ бўлиб қолғон экан.

– Бўлмаган гап. Ёстиқдошим вафот этгандан кейин иккинчи эр қилмайман, умримни икки боламга бағишлайман, деб онт ичганман.

– Қўйинг-а! Ҳали ўн гулингиздан бири очилғони йўқ. У ҳам сўққабош...

– Ундай бўлса бошқасини топсин, мени тинч қўйсин, онтимни бузолмайман. Жон опа, бир илож қилиб, кампирнинг тугунини олмай, қайтариб юборинг! Ўлсам ҳам унга тегмайман.

Хушҳол биби унинг ранги ўчиб, кўзларидан алам ёши чиққанини кўргач:

– Қўрқманг, синглим, сизни зўрлаб ҳеч ким эрга бермайди. Кампирга ўзим жавоб қиламан. Мен бор, бу ерда ҳеч ким кўз ёшингизни тўколмайди, – деди.

Увайсий кечаси билан босинқираб чиқди. Кўзи энди уйқуга кетганда у чўчиб уйғониб кетар, уни ваҳима босарди: «Борди-ю, бу ишга хон аралашса, ишим чатоқ. Иложини тополмай, асорат тузоғига илинаман. Тезроқ бу даргоҳдан жўнаб қолиш керак».

– Бир кечада рангингиз сомондек сарғайибдур! Сизга нима бўлди? – деб сўради Моҳлар ойим эртаси нонушта вақтида.

– Кечаси билан волидайи меҳрибонимни тушимда кўриб безовталаниб чиқдим. Марғилон бориб, уларни биркўриб келмасам, касал бўлиб қоламан. Рухсат берсалар, шу бугуноқ жўнаб кетардим.

– Нега мунча шошяпсиз? Бирор ҳафта сабр қилинг,кейин бир гап бўлар.

Увайсийнинг ранги баттар ўчиб кетганини кўргач, Хушҳол биби унинг ёнини олиб, рухсат беришларини сўради.

– Майли, бўлмаса, – деди Моҳлар ойим ўзидан катта икки эътиборли аёлнинг илтимосини рад этолмай. – Мен онҳазратдан рухсат олиб бераман, аммо икки-уч ҳафтадан сўнг қайтиб келиш шарти билан.

– Бош устига, – деб розилик билдирди Увайсий.

* * *

У: «Уйга кетяпмиз», деб кувонган икки боласи билан Қўқон аравада Марғилонга етиб келиб, Чилдухтарон маҳалласидаги ҳовлисига кирганда оғзи очилиб қотиб қолди.

Катта қовлининг бир томонида – эски иморатлар рўпарасида баланд қилиб солинган мунаққаш уй-айвон унга кулиб қараб турарди.

– Вой, бу иморати олийни качон қурдирдингиз? – деб сўради Увайсий югуриб келиб, кучоқлаб олган онасидан.

– Эсон-омон келдингми, қизим? Сени, болаларингни соғиниб ўлиб бўлдим-ку! – деди сочлари оқариб кетган бўлса-да, қадди букилмаган Чинни биби. – Бу иморат... Нодира бегимнинг буйруғи билан солинган. Олти ойча бўлди..

Ўтириб, юзларига фотиҳа тортганларидан кейин кизи онасига нима учун бу кадар шошилипч билан келганининг сабабини гапириб берди.

– Жуда яхши қилибсан, қизим, – деди Чинни отин. – Бошинг устидаги фалокат булутлари таркалгандан кейинўша даргоҳга яна борсанг борарсан.

## 2. САЛЛАЛИ ЖАЛЛОД

### I

Увайсий Қўқонга қайтиб келганидан кейин Моҳлар ойим унга ўрда яқинидаги маҳалладан бир ҳовли топиб берган эди. Шоира бўш вақтларида Улфатой деган қўшни аёлнинг уйига чиқиб, у билан улфатлашиб турар эди. Бир куни уникига чиққанида ҳовлининг ўртасидаги ўра ёнида жомашовда кир юваётган кўҳликкина бир қизни кўриб: «Бу ким бўлдийкин?» дегандек унга қараб қолди. Кокилларини сариқ шойи рўмол билан танғиган сарвиқомат киз кулимсираб ўрнидан турди-да, қўлини ёнига артиб, таъзим қилди.

– Сиз Улфатойнинг кими бўласиз? – деб сўради шоира унинг елкасига қоқиб қўйиб.

– Менинг синглим, – деб ундан олдин жавоб қилди югуриб келиб кўришган Улфатой. – Оти Ўғилой, ҳафтада бир-икки марта кели б менга қарашиб туради, ҳовлини супуриб-сидириб, кирларимни ювиб беради.

– Барака топсин, ақлли қиз экан, – деди шоира кўрпачага ўтирганларидан кейин, кир ювишга ўтирган Ўғилойнинг орқасидан яна бир қараб қўйиб. – Серғайрат, ўктам қизга ўхшайдур, кўзлари ўткир...

– Топдингиз, кичиклигида қўни-қўшни болалари билан кўча чангитиб ўйнаб юрар, баъзи вақтларда ўзи тенги ўғил болалар билан уришиб қолса, уларнинг адабини бериб қўяр эди, кейин аям уни кўчага чиқармай қўйдилар.

– Мактабга бориб турармиди?

– Ҳа, маҳалламиздаги отин ойидан сабоқ олиб, саводини-чиқарғон, зеҳни ўткир. Фузулийни ўқий оладиғон бўлгандан кейин мактабдан тортиб олдик. Ўн еттига қадам қўйди, ахир.

Зўр бериб кир юваётган Ўғилой гап ўзи устида кетаётганини сезгандек, орқасига бир қайрилиб, жилмайиб қўйди.

Ўттизга кириб «ўтин бўлган» Улфатой ўзи тенги Увайсийнинг гўзаллигидан завқланиб: «Дунёда бахтли аёллар ҳам кўп», деб ўйлади. Икки боласи билан бева қолган шоира бошини қаёққа уришини билмай, Қўқонга келиб қолганидан у бехабар эди. Увайсий сукланиб қараётган уй бекасининг кўнглидан ўтаётган фикрларни сезгандек маъюс кулимсираб, бош чайқаб қўйди. У ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб ўтирганларидан кейин, у дастурхонга фотиҳа ўқиб ўрнидан турди. Хайр-хўшлашиб, ташқари ҳовлига қадам қўйиши билан устахонадан чиқиб келаётган чиройлигина бир йигитга дуч келиб, бошидаги рўмоли билан юзини беркитди-да, унинг саломига алик олди. Бу йигит Улфатойнинг эри, косиб Исмоилхўжанинг халфаси – ёрдамчиси Ҳаётжон эди.

«Ўғилойнинг бу ерга тез-тез келиб туришидан бир гап борга ўхшайди», – деб ўйлади шоира, лекин шу заҳоти миясига келган бу фикрни кувиб чиқармокчи бўлгандек бош чайқаб: «Йўғ-э!» деб қўйди. Кўнглини шубҳа оғуси билан заҳарлашни истамасди у.

## II

Ўғилой опасиникига келиб-кетиб юрганида баъзан Ҳаётжон билан тўқнашиб қолар, ўзини дарров четга олиб, чопганича ичкари ҳовлига кириб кетар эди. Сўнгроқ Ҳаётжондан қочмайдиган, у билан саломлашадиган бўлди. Улар бир-бирларига қизиқиб қарар, ҳар сафар учрашганларида икковининг ҳам юзи гулдек очилиб кетар, лекин дил розларини изҳор қилишга ботинолмас эдилар.

Бора-бора белини шойи белбоғ билан танғиган беқасам тўнли, хушсурат йигит қизнинг кўз ўнгидан нари кетмайдиган бўлиб қолди. Севги домига илинган йигит ҳам кечаю кундуз Ўғилойни ўйлар эди. Кейинроқ улар пана жойларда эҳтиёткорлик билан учрашадиган бўлиб қолдилар...

Севги шароби Ўғилойнинг ҳуснини очиб юборди, гулдек яшнаган икки бети, чақнаган кўзлари гўё ёғду сочиб турарди. Унинг гўзаллиги тўғрисидаги овозалар шаҳарга тарқалгандан кейин совчилар кела бошладилар. Хурсанд бўлиш ўрнига негадир, ташвишга тушиб қолган ота-она: «Ҳали қизимиз ёш, уй ишларига ўрганиб, эс-ҳушини йиғиштириб олсин», деб жавоб қилар эдилар. Аммо қози калоннинг иниси Сайид Муродхожа совчи юборганда Ўғилойнинг отаси иккиланиб: «Ўйлашиб кўрамиз, қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб, кейин жавоб қилармиз», деб дудмал жавоб қилди.

Сайид Муродхожа бой, баобрў одам бўлса ҳам, ёши улуғ, хотини ўлган, болалари катта бўлиб қолган киши эди. «Қизимни берсам, болалари уни чиқиштиришармикин?» деб ўйлар эди гангиб қолган ота. Лекин қизи учун оладиган қалин пули, мол-ҳол чолни васвасага солар: «Ўғилой давлатга эришгандан кейин эрига кўникиб кетар, бошида ақли бор-ку, яхши гап билан ўгай болаларини ҳам ўз томонига оғдириб олар», деб кўнглини хотиржам қилмоқчи бўлар эди у.

Ота-онасининг нега пешона тириштириб юрганларидан хабардор бўлган Ўғилой бир куни аясига:

– Ўлсам ҳам, хотини ўлган чолга тегмайман, у эри ўлганни топиб олсин, – деди.

– Ҳой, уялмайсанми шу гапни айтгани?! – деди сочлари оқариб қолган она икки бармоғи билан юзини сидириб. – Биров эшитмасин бу гапни. Қиз бола ота-онасининг сўзини икки қилмай, нима десалар «хўп» дейиши, эрга чиққандан кейин эса эрнинг измидан чиқмаслиги керак.

– Мени қози калоннинг инисига қул қилиб сотмоқчимисиз, ая? – деди Ўғилой қошларини чимириб. – Ўлсам ҳам сочим билан ўша бойнинг ҳовлисини супурмайман. Биламан, сизлар қалин пули олиб, қуйин-қунжингизни тўлдирмоқ ниятидасиз. Ундан кўра мени қул бозорга опчиқиб сотинглар.

– Ҳой, овозингни ўчир! – деди кўзлари қинидан чиқиб кетаёзган она. – Даданг эшитиб қолса, бошингда калтак синади-я!

– Ўзим хоҳламаган одамга теккандан кўра таёқ еб ўлганим яхши! Мени куёвга чиқариш учун кўп шошилманг, вақти келганда ўз тенгимни топиб оларман.

– Вой ўлай, нималар деяпсан! Уят-э! Яна шу гапни айтсанг, сени ўзим калтаклайман! – деди кампир савағични қўлига олиб.

– Уринг, ўлдиринг мени! – деб орқасини тутиб берди қизи.

Она шўрликнинг таёқ кўтаришга қўли борармиди!

## III

Ўғилой бир қарорга келгандан кейин иккиланиб ўтирмас эди: «Асли ўғил бола бўлиб туғилишим керак эди-ю, толеим пастлик қилиб, қиз шаклида дунёга келдим, – деб пешонасига шапатилади у жаҳл билан. – Нима, эр киши қилган ишни хотин-қизлар қила олмайдими, шошмай турсинлар ўша сайид, хожалар!»

У хон қўшинида хизмат қилувчи акасининг қозиқда осилиб турган беқасам чопонини қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди-да, кўйлаги устидан кийиб олди. «Сал узунроқ экан, майли», – деди ва сочини турмаклаб, устига акасининг қалпоғини қўндириб олди. Бу пайтда ота-онаси хуфтон намозини ўқиётган эдилар...

Ҳаётжон хўжайинининг уйидан ўз кулбасига қайтиб, токчадаги қорачироқни ёққан пайтда биров кўча эшигини аста тақиллатди. Негадир унинг юраги уриб кетиб, торгина ҳовли саҳнига тушди-да:

– Кираверинг, – деди.

Эшик очилиб, қомати келишган, бир йигит ичкари кирди.

– Хуш келибдилар. Сизга ким керак?

– Худди Ҳаётжоннинг ўзгинаси керак, – деди ёш меҳмон майин овоз билан унга жуда яқин келиб.

Уй эгаси уни овозидан таниб, хурсанд бўлиб кетди:

– Ундай бўлса уйга кирайик.

– Улар остонадан ўтиб, қорачироқ липиллаб ёнаётган хонага кирганларидан кейин Ўғилой бошидан қалпоғини олиб, токчага қўйди-да, турмакланган сочларини орқасига тушириб юборди, чопонини ечиб, қозиққа илгач:

– Бошимни қаерга уришимни билмай сизникига келдим, мени қувиб юборманг, – деди энтикиб. – Дунёда сиздан бошқа ишончли одамим йўқ.

– Ўзингизга қандай ионсангиз, менга ҳам шундай инонаверинг. Ўғилой бойга тегиб кетади деб ғам-ғуссада эдим, мана энди кўнглим тинчиди. Эртага... домлани чақириб келай, бир пиёла сув билан бизни никоҳлаб қўйсин.

– Йўқ, бу ишни кейинга қўйиб турсак. Ҳар қандай домла ҳам бир кун эмас, бир кун оғзидан гуллаб, сиримизни очиб қўяди. Анови Сайидхожа бошқасига уйланиб, кўнгли тинчигандан кейингина никоҳ ўқитиб, тақдиримизни бирлаштирсак. Ҳозирча ёнингизда дўстингиздек юраверсам.

– Қандай қилиб? Қўни-қўшнилар...

Ўғилой унинг нима демоқчи бўлганини англаб, шундай деди:

– Ўткир пичоғингиз билан сочимни қириб ташласангиз, мен йигит қиёфасига кираман.

– Майли, – деди Ҳаётжон кўзлари ташвишли жавдираб, уни хурсандчилик шошириб қўйган эди. – Мен ҳозир... кумғонда сув иситай, сиз сочингизни ювиб юмшатинг... Аммо шундай кокилларингизни қириб ташлашга қўлим борармикин?

– Бошқа илож йўқ. Тинчиб кетганимиздан кейин сочимни ўстираман, аввалгидан қалинроқ бўлиб чиқади...

Ўғилой сочини олдириб, ювиниб келгандан кейин икковлон чой ичишга ўтиришди. Яланғоч бошига чуст дўппи, эгнига беқасам тўн кийиб, ёшгина йигитга ўхшаб қолган Ўғилойнинг жамолига қараб ўтирган Ҳаётжоннинг кўнглидан икки ҳис: ачиниш ва шодлик ҳислари бир-бири билан курашар эди. Бора-бора кўнгли ётсираш, ачиниш ҳисларидан мусаффо бўлиб, шодлик ва севги алангаси унинг қалбини ёрита бошлади.

Аллавақтгача суҳбатлашиб ўтириб, уйқулари кела бошлаганда алоҳида-алоҳида ўрин солиб, ёнма-ён ётишди.

Улар вақтнинг қандай ўтганини сезишмас, беғубор севги шабадаси уларни маст қилиб, кўнгилларини кўкка кўтарган эди. Соф муҳаббат ҳисси билан суғорилган кунлар бирин-кетин ўта бердн. Ҳаётжон эса сир бой бермай, аввалгидек юраверар, хўжайинининг ишларинн ҳафсала билан бажариб, уни хурсанд қилишга уринар эди. Исмоилхўжа уста ундан мамнун, ишлари юришиб кетганидан хурсанд, лекин хотини Улфатойнинг кундан-кунга мазаси қочиб, ранги сомондек сарғаяётганига ҳайрон бўлар: «Нима бўлди сенга?» деб сўраса, у: «Тобим қочганга ўхшайди, мазам йўқ», деб жавоб қи-

ларди. Унинг ота-онаси мотам ичида, уйларининг зийнати бўлган қизларининг бир кечада ғойиб бўлганидан хавотир олар эдилар.

Улфатой тахминан синглиси қаердалигини билар, лекин бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очишга журъат этмасди. У бир ҳафта илгари тасодифан иккала ёшнинг имо-ишора билан гаплашаётганларини кўриб қолган эди. Тахмини қанчалик тўғри эканлигини билиш учун у ташқарига чиқиб, тирқишдан устахонага мўралаб, янглишмаганини сезди.

«Ҳозирча индамай юриш керак, сабр таги сариқ олтин, кейинчалик иккаласини бир пиёла сув билан никоҳлаб қўярмиз», деб ўйлар эди у.

## IV

Шариат қонун-қоидаларига фукаронинг канчалик риоя килаётганлари, бозордаги тош-тарозунинг тўғри-нотўғрилигини текшириб турувчи бош раис ўз маҳкамасида миршаббошининг ҳисобини тинглаб ўтирар эди.

– Кечаси Такачилик маҳалласида бир уйга бостирибкириб шароб ичаётган тўртта қиморбозни ушлаб олдик, – деди белидаги қиличининг дастасини ушлаб ўтирган қора соқолли миршаббоши кўзларинн чақчайтириб. – Улар қамоқда, ҳукмингизни кутиб турадурлар.

Катта саллали бош раис:

– Эртага уларни кўчама-кўча айлантириб юриб сазойи қилмоқ лозим, – деди тасбеҳ ўгиришдан тўхтамасдан. – Бирининг орқасига мусаллас солинган хумчани боғлаб қўймоқ керак. Кейинҳар бирининг яланғоч баданига йигирма беш дарра уриб, жазоларини берурмиз...

У гапини тугатгани ҳам йўқ эдики, кичкинагина оқ саллали, соқоли, мўйловларининг ости қирилган, катта ёшли бир киши салом бериб кириб келди.

– Ваалайкум ассалом... э-э, келсинлар! – деди раис ўрнидан туриб, қози калоннинг иниси бўлган Сайид Муродхўжа билан қўл бериб кўришар экан. – Сиҳат-саломатмилар? Қариидош-уруғлар?..

– Худоға шукр, ҳаммалари эсон-омон, – деди меҳмон шойи тўнининг этагини йиғиштириб курсига ўтирар экан, фотиҳага қўл очиб. – Қани, омин!..

Улар юзларини сийпаганларидан кейин раис эшик ёнида турган миршаббошига: «Чиқиб туринг», дегандек боши билан ишора қилди. Ёлғиз қолганларидан сўнг у:

– Эшитишимизга қараганда, хайрли бир иш бошламоқ ниятида эکансизлар, – деди. – Ахир, завжангизнинг вафот этганига олти ойча бўлди, бошни икки, оёқни тўртта қилиб олмоқ фурсати келди...

– Тинчгина юрсам бўлар экан, – деб уҳ тортди қозикалоннинг иниси. – Тўй бошлайман деб қайтага ғалва орттирдим. Гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолай. Акди никоҳимға оладиғон қиз: «Мен хотини ўлган одамға тегмайман», деб уйидан қочиб кетибдур. Ота-онаси қаерга кетганини билмай, ҳасрат ичида қолибдурлар.

– Улар йўқолган қизларини ахтариб юрган бўлсалар, биз топиб бергаймиз, – деди раис, кўнглига ёмон бир фикр келган бўлса ҳам, риёкорлик билан кулимсираб. – Уларнинг маҳалласи, қариндош уруғларининг турар жойларини, оила аъзолари номини айтиб берсангиз – бас.

Сайид Муродхўжа унга шу маълумотлар керак бўлишини билгани учун тайёргарлик кўриб келган эди.

– Хўп, бизга тўрт-беш кун муҳлат берсинлар, – деди раис унинг гапини охиригача тинглаб.

Бир ҳафтадан кейин «Бахтсиз куёв» маҳкамага келганида бош раис гапни чўзиб ўтирмай:

– Йўқолган узукни топдик, – деди тасбеҳини чўнтагига солиб. – Хуфияларимиз Исмоилхўжанинг халфаси Ҳаётжоннинг уйига бир ҳафта илгари бир йигитча меҳмон бўлиб келганини маълум қилдилар. Биз калаванинг учини топғондек бўлдик. Ўтган куни ярим тунда ясовулларимиз ўшал халфанинг уйига бостириб кириб, икковини қўлға олдилар. Сўроқ вақтида маълум бўлдики, уларнинг бири сочини олдириб, эркак қиёфасига кирган қиз – Ўғилой экан. Ҳозир иккови ҳам қамоқда.

Ранги ўчиб, дағ-дағ титрай бошлаган Сайид Муродхўжа:

– Шундай денг, ҳаҳҳа! Аларнинг жазоларини бермоқ керак! – деди. – Тошбўрон қилиб, ўлдирмоқ керак... Икковини ҳам...

– Албатта, ота-она сўзига кирмай, уйидан қочиб кетиб,сочин олдирган қиз ҳам, унинг ошиғи ҳам сангсор қилинмоғи лозим... – У ғазабга келиб, ўзини йўқотиб қўйган обрўли ҳамсуҳбатини чалғитиш учун гапни бошқа ёққа буришга уринди.

– Афсуски, Умархон даврида ўқиғон аёлларнинг мартабаси ошиб, отинлар, шоиралар кўпайиб кетди. Қизлар мактабининг сон-саноғи йўқ. Нодира, Увайсий, Маҳзуналар ёр васли, ишқ-муҳаббат борасида ғазаллар ёзиб, шайхлар, зоҳидлар шаънига тош от-

моқдалар. Бухоройи шарифда шоиралар ҳам йўқ, қизлар мактаби ҳам. Амир шариат этагини маҳкам ушлаган. Биз бухороликлардан ибратолиб, уларнинг йўлидан бормоғимиз лозим. Мен сизгаайтсам, хотунлар эрлар учун, уй ишлари, бичиш-тикиш учун яратилганлар. Афсуски, бизда бул ҳақиқатни унутмоқдалар...

«Рост, – деб ўйлади «бахтсиз куёв» тишларини ғичирлатиб. – Агар мен олмоқчи бўлган қиз саводсиз бўлганда, ота-она измидан чиқмаган, ишқ-муҳаббат тўғрисида хаёл сурмаган бўлар эди. Энди уни муҳаббат шайдолари бўлган қизларга ибрат бўлсин учун тошбўрон қилиб ўлдириш керак. Биринчи тошни ўзим отаман!".

* * *

Қилган ишидан пушаймон бўлган Ўғилойнинг отаси кўчага чиқолмай, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган, ғамдан соч-соқоли оқариб кетган эди. Баъзан у ётган бурчакдаги уйдан: «Оҳ-оҳ!» деган фарёд эшитиларди. «Мен – нафс овораси, нима қилар эдим қизимни бадавлат одамга узатмоқчи бўлиб! – дея ўз-ўзи билан гаплашар эди у куйиб-пишиб. – Бировга муҳтож эмасдик, тирикчилик ўтибтурар эди, устимиз бутун, қорнимиз тўқ, эди-ку! Тамагирлигим бошимга етди. Ўғилойнинг феълини, ўжарлиги, ўктамлигини билар эдим-ку! Нега мен унинг раъйига қарамадим, ўзи хоҳлаган камбағал йигитга никоҳлаб бера қолмадим. Оҳ, оҳ!»

Кампир кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб, эри ётган уйга даричадан аста мўралаб қарар, унинг гапларига қулоқ солар эди.

Бир куни Улфатой уларни кўргани келганда онасининг бир бурчакда йиғлаб ўтирганини кўрдию юрак-бағри қон бўлиб кетди.

– Кўзимнинг нури, эрка қизимдан айрилиб қоладиғонга ўхшайман, – деб ҳақиллади кампир катта қизи билан кўришар экан. – Бу нима кўргулик-а! Пешонам курғур, шўр экан, қошки эди, бу дунёга келмасам», унинг жабру жафосини тортмасам!

– Ноумид бўлманг, аяжон. Ҳалиям бўлса синглимни қутқариб қолиш йўли бор.

Мени юпатиш учун айтяпсанми бу гапни? – деб сўради кампир, атрофини ажин босган кўзларини мўлтиратиб. – Тезроқ айта қолсанг-чи! Қандай қилиб қутқарасан?

– Шошмасдан гапимга кулоқ солинг, ая, – деб секин гап бошлади Улфатой онасининг қоқшол қўлини силаб. – Жаҳон отин деган бир қўшним бор, ғазал ёзадиғон, жуда билимдон аёл. Хон ҳазрат уни Марғилондан чақиртириб олиб келганлар, Моҳлар ойимга байт ёзишни ўргатсин,деб. Агар отин ойимиинг олдиларига чиқиб, унга илтижо қилсам, Моҳлар ойимни ҳол-аҳволимиздан хабардор қилинг, шафқат қилиб, синглимни муллолар қўлидан қутқариб олсинлар, десам...

– Зора худо уларнинг кўнглига раҳм солсаю эрка қизим ўлимдан омон қолса, – деди кампир, пирпайган оқ сочларини рўмоли тагига тиқиб. – Ўша отин ойининг олдига чиққанингда нима дейишингни аввал яхшилаб ўйлаб ол. Шошмасдан ҳаммасини бирма-бир гапириб бер.

– Бундан хавотир олманг, аяжон. Нима дейишимни ўйлаб қўйғонман. Худо бор-ку, биздек бенаволарға раҳм-шафқат қилар!

## VI

Бош раис ва қозикалоннинг маҳкамаларида нима гаплар бўлаётғонидан доим хабардорман, – деди Умархон Нодирага маънодор кулимсираб. – Ўшал хушсурат йигитга мафтун бўлғон чиройли қиз сўроқ вақтида: «Мен шариатга хилоф иш қилмадим, она қорнидан тушган боладек покман. Бошимиз устидаги хавф-хатар булути тарқалғондан кейин никоҳ ўқитиб, эр-хотнн бўлмоқчи эдик», деб қози ва муфтини мот қилибдур. Улар маслаҳатлашиб, бир қарорга келибдурлар, яъни киз сочини олдириб ташлаб, номаҳрам эркак билан бирга юргани учун уни тош бўрон қилмоқчи бўлибдурлар.

– Муҳаббат қурбони бўлғон бул икки ёшни қутқариб олмоқ керак.

Умархон ерга қараб бош чайқади.

– Бунинг иложи йўқ. Мен сайид ва хожалар, шайхлар, уламолар иродасига қарши боролмайман. Уларнинг нуфузлари катта, қора халқ ўртасида эътиборлари зўр. Мен бул забардаст гуруҳнинг раъйига қараб иш юритмоғим керак!

Амирал мўъминин, яъни мусулмонларнинг ҳукмдори деган унвонга эга бўлган Умархон муллолар, сайидлар, хожалар кўнглига қараб иш тутишга мажбур эканини – ожизлигини хилватда тан олишга мажбур бўлди.

– Ўғлимиз Маъдали давюрак, ғайратли бола, эҳтимол кейин акили-ҳушини йиғиштириб олиб, катталарнинг маслаҳати билан иш тутадурғон бўлар, – деб сўзида давом этди паст овоз билан Умархон. – Лекин ҳозир фикри хаёли далада, от-улоқда, қулоғига гап кирмайдур, худо кўрсатмасин, мендан кейин у шаддодлик қилиб мутакаббир шайх ва муллоларга қарши иш олиб борса, хароб бўлғусидур...

– Қўйинг, ёмон нафас қилманг, – деди ранги ўчиб кетган Нодира. – Уни иккимиз жиловлаб олиб, тўғри йўлга солармиз.

Улар авлоқда, Нодиранинг хонайи хосида, бахмал кўрпа устида ўтириб, суҳбатлашар эдилар. Шифтга осилган олтин қандилдан таралган нур остида маликанинг бахмал жиякли атлас кўйлаги турли тусга кириб товланар, лекин юзи борган сари сарғаяр эди.

– Наҳотки бир илож топиб, ўшал бегуноҳ қизнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса? – деб ух, тортди у.

– Иложи нўқ.

– Устозим Жаҳон опамга қайси юз билан қарайман.Улар ялиниб-ёлвориб, Ўғилойни қутқариб қолишни рижо қилғон эдилар. Шаҳримизда сизга ихлосманд бўлғон муллолар ҳам бор-ку! Наҳотки, улар бир ҳийлайи шаръий ишлатиб, зулм-ваҳшатнинг олдини олиб қололмасалар!

Умархон ерга қараб, ўйга толди. Бирпасдан кейин нажот йўлинн топган кишидек жилмайиб:

– Тошбўрон қилишдан олдин ўшал қизни яна бир маротаба сўроқ қилишни талаб этамиз, – деди. – Агар Ўғилой, мен терлама касалига йўлиқиб, сочим тўкила бошлаган эди, текис ўсиб чиқсин, деб таги билан олдириб ташлатдим, деса уни қуткариб қолиш учун йўл топилар...

Кўзларида умид учқуни чақнаган Нодира эрининг гапларини охиригача тинглаб, ўрнидан турди-да:

– Рухсат берсалар, Жаҳон опамни бул гапдин хабардор қилсам. Пастда сабрсизлик билан мени кутиб турибдурлар, – деди.

## VII

Бош раис ўз маҳкамасида тасбеҳ ўгириб ўтирганида миршаббоши кириб таъзим қилди-да:

– Эски паранжи ёпинган икки аёл тошбўрон қилинадиғон қиз билан кўришишни истаб келибдилар, – деди.

– Ким экан улар?

– Бири эгачиси, иккинчиси, билмадим, отин ойиси шекилли.

– Майли, рухсат. Ўлим олдидан ул маҳкумга яқин ақраболари билан видолашсин.

Икки аёл паранжи-чачвонларини қўлга олиб, панжарали даричасидан хира ёруғлик тушиб турган ҳужрага киришлари билан турган ерларида бир зум донг қотиб қолишди. Рўпарада беқасам тўн кийган, чуст дўппили, ранги синиққан ёшгина бир йигит турар эди. Улфатой югуриб бориб синглисини қучоқлаб олди. Ўғилой ўпкасини тутолмай ҳиқиллаб, опаси билан, кейин Жаҳон отин билан кўришди.

– Яхши келдингиз... Ҳозир сизларни ўйлаб турувдим. Аям, дадам омонмилар?

– Ҳаммалари соғ-саломат. Сенинг эсон-омон қутулиб чиқишингни... кутиб ўтириптилар, – деди Улфатой, юзига думалаб тушган кўз ёшларнни қўли билан артиб.

– Ўғилой бош чайқаб кўйди:

– Мендан рози бўлсинлар, сизлар ҳам...

– Ҳаммамиз сендан розимиз, аммо умидингни узма.

– Ноумид бўлманг, амиралмўъминин раҳм-шафқат қилиб сизни шайхлар, муллолар зулмидан халос қилмоқчилар. Агар катталарнинг сўзига кирсангиз, сиз жаллодлар қўлидан қутуласиз, – деди Жаҳон отин ва шошмасдан хоннинг таклифини бир-бир баён қилди.

Йўқ, – деб бош чайқади Ўғилой қоматини тиклаб. – Мен Ҳаёт жон билан бирга ўлишин истайман. Терламакасалига йўлиқиб, сочим тўкилган эди, деб айтишга тилим ҳам бормайди. Ёлғон-яшиқ гаплар билан мен қутулиб қолсаму, у бегуноҳ йигитни тошбўрон қилиб ўлдирсалар, менга яшашнинг нима кераги бор! Умр бўйи мотам ичида, пушаймон еб яшагандан кўра, биратўла ўлган яхшироқ.

– Балки Ҳаётжонни ҳам қутқариб қоладиғонлар бордир, – деди Улфатой ўз гапига ишонқирамай.

– Йўқ, унинг бу ерда ҳеч кими йўқ, мусофир. Бугун эрталаб раис келиб: «Эрта-индин сени Ҳаётжон билан бирга тошбўрон қиламиз, тавба-тазарру қил», деб айтиб чиқиб кетди. Агар қазо қилсак, иккимизни бир гўрга қўйинглар!

Шоира ҳақиқий ишқ-муҳаббат учун жонини қурбон қилишга тайёр турган Ўғилойни маҳкам қучоқлаб, пешонасидан ўпди, Улфатой эса ҳўнграб йиғлаб юборди.

## VIII

Қўқон хони Олим золим бошлаб чала қолдирган, унинг иниси Умархон қуриб битказган катта масжиди жомеъга одам сиғмай, ҳовли саҳнига ҳам бўз жойнамозлар солинган эди. Шойи, банорас тўн, бўз чопон кийган оқ, кўк саллали мусулмонлар намози жумъани ўқиб бўлиб, кўча томон йўл олганларида катта минора тагида кўк рагигача ерга кўмилган икки йигитни кўриб ҳайрон қолдилар. Бош раис жамоатга муфтининг фатвоси ва қози калоннинг ҳукмини ўқиб эшиттира бошлади.

– Хайр, энди у дунёда кўришамиз, – деди Ўғилой рўпарасидаги Ҳаётжонга мўлтираб қараб.

Шу пайт бир чумчуқ унинг чап елкаси устидан учиб ўтиб, минора рўпарасидаги толга қўнди. Ўғилой ўз уйида дастурхонда қолган нон увоқларини ҳовлининг бир бурчагига сепар, шунда чумчуқлар чуғурлашиб учиб келар эдилар. «Ўшалардан бири бўлса керак, – деб ўйлади у пичирлаб. – Э жонивор, менга ачиняпсан, лекин одамларда шафқат йўқ, тош отиб мени ўлдирадилар. Руҳим худди сендек учиб кетишини билдинг!»

– Хайр, у дунёда кўришгунча, – деди Ҳаётжон эшитилар-эшитилмас.

– Фиск-фасод йўлига кирган йигит билан эркаклардек сочини олдирган қизни тош билан уриб ўлдиринглар! – деб хитоб қилди бош раис халойиққа қараб.

Шайхлар, қаландарлар, бўз чопон кийган мутаассиб намозхонлар ҳайқиришиб, тош ота бошладилар. Елкасига, бўйнига тош, ғишт парчаси келиб текканда Ўғилойтишини тишига қўйиб, товуш чиқармасликка уриниб кўрди, лекин рўпарасидаги йигитнинг юз-кўзларидан қон оқиб, бўйни «шилқ» этиб тушганини кўргач, ўзини тутиб туролмай, ҳўнграб йиғлаб юборди. Шу заҳоти томоғининг ўнг томонида хандалакдек бўқоғи шишиб турган бўз чопонли бир кўкнори унинг тепасига келди-да, чап томонга қийшайиб туриб, муштумдек тош билан бошига урган эди, қиз фарёд қилишдан тўхтади. Толдаги чумчуқлар қаттиқроқ чирқиллай бошладилар.

Тошбўронга тутиб, икки бегуноҳ ёшни ўлдирганларидан кейин намозхонлар: «Нима қилиб қўйдик», дегандек бир-бирларига қараб қолдилар.

– Маъмат Аъли, бу икки йигитдан нима гуноҳ ўтган экан? – деб-сўради бўқоқли киши эски беқасам тўн кийган чўлоқ дўстидан.

– Э нодон, раиснинг сўзини эшитмадингми? «Ур!»деса, суриштирмай ура берасанми! Улардин бири сочини олдирган қиз эди-ку!

– Ё тўъба! Чатоқ иш бўпти-ку. Қиз бўлганини билганимда... тош отмоғон бўлардим.

– Бўлар иш бўлди, ўтган ишга саловат! Юр, бир товоқдан бўза ичиб, аламдан қутулғаймиз, – деди чўлоқ унинг билагидан ушлаб.

## 3. ФАРЗАНД ДОҒИ

Жаҳон отин болаларни «озод» қилиб юборгандан кейин оёғининг чигилини ёзиш учун ҳовлига тушди. Айвоннинг тўрига солинган пўстак устида чордана қуриб ўтираверпб оёқлари увишган, баланд овоз билан ҳижжалаб китоб ҳафтияк ўқиган қизларнинг шовқинидан қулоғи битган эди. Ўзига келиш учун қўлига обдаста олиб, юз-қўлини ювди-да, айвонга чиқиб қозиқдаги бўз сочиққа артинди.

Унинг тўрт яшар невараси Хадича бўйра чўпдан ясалган қўғирчоқлари билан гаплашиб, уларни ёткизиб-турғизар эди. Шоира ҳар сафар уни кўрганда: «Худди онасининг ўзгинаси-я, умри узоқ бўлсин. Худо уни олди-ю, буни қўлимга тутқазди», деб ўйлар, кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетар эди. Унинг қизи Қуёшбибининг қазо қилганига бир йил тўлиб, одат бўйича устига оқ кўйлак кийиб олган бўлса ҳам, ичи мотамда, ҳасрат тикани кўксини тирнар эди. «Тақдир шафқатсиз ва қудратли куч, у билан олишмоқчи бўлсанг, сени йиқитади, неваранг кимсасиз қолади», деб ўзини юпатар эди у.

Хадичанинг ўйинини бир оз томоша қилиб турди-да, у нимқоронғи уйга кириб, кўрпача устига чўзилди. Хаёл кемаси ўз йўналишини ўзгартириб, уни узоқларга олиб кетди. У Қошқарда қолиб кетган ўғли Муҳаммадхон тўғрисида ўйлай бошлади: «У ерларда аҳволи нима кечдийкин, тан-жони соғмикин? Нега анчадан бери хат-хабар келмай қўйди?..»

Унинг юраги ўртаб, ўзини қаёққа қўйииниш билмай қолди, ўрнидан туриб ўтирди-да: «Ўлгудек ваҳимачиман, – деб ўзига ўзи таскин беришга уринди. – У ҳали ёш, тан-жони соғ, ёнида қўқонлик ёр-дўстлари бор, яқин қариндошимиз Абдулаҳад бор. Аммо бари-

бир, ошна-оғайнилар билан бирга бўлса ҳам, еган-ичгани татимайди, ўз юртини, мени эслаб юрагига ўт кетади. Ҳаммасига ўзим айбдор. Нима қилардим, ёшлигида уни ўзим билан бирга Қўқонга обориб? Муҳаммадхон у ерда қоровул беги, ясовулларнинг болалари билан «уруш-уруш» ўйини ўйнаб, ботир бўлишнн орзу қилиб қолди. Мен эсам Умархон саройида мушоираларга қатнашиш, канизакларни ўқитиш, назм-наво билан овора, ўғлим от миниш, ўқ отиш билан машғул. Оқибати нима бўлди? Умархон қазо қилгандан кейин Қошқарни фатҳ этиш орзусига тушган Маъдалихои ўғлимни ўзи билан бирга ўша ёққа олиб кетди. Хон саройига яқин бўлишнинг оқибати бу!»

Оғир ҳасрат юки уни эзиб юборгудек эди, нафаси сиқилиб, ўрнидан туриб ўтирди-да, ўзини чалғитиш учун бошқа нарсалар тўғрисида ўйлашга уринди – бўлмади!

«Отаси раҳматлик ўлиб кетмаганда ўғлимнинг тақдири бошқача бўлармиди! Оҳ, пешонам қурсин! Кейинги пушаймон – ўзингга душмаи. Бўлар иш бўлди!»

У ҳовлига тушиб бир айланиб келди. Кейин бир ғазал битиб, юрагидаги ҳасратини қоғозга туширмоқчи, кўнглини бўшатмоқчи бўлди. Келиб хонтахта ёнига ўтирди-да, савағич қаламни сиёҳдонга ботираркан, чуқур ўйга толиб, ёза бошлади.

Букун, э дўстлар, фарзанди жононинмни соғиндим,
Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимии соғиндим.
Тилимнинг зикрию кўнглимнинг фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим.

Кеча-кундуз йўлиға мунтазирдурман, тикарман кўз,
Уйимнинг зийнати, кўз равшаним, жонимни соғиндим.

Етти байтдан иборат ғазалини ёзиб бўлгандан кейин юраги бўшаб, енгил тортгандек, ғам-ғуссаси сиёҳ билан бирга эриб қоғозга тушгандек бўлди. Ўрнидан туриб яна ҳовлига чиқди, ўчоққа қумғон осиб, тагига олов ёқди. Шу пайт кўча эшигини биров секин-секин тақиллата бошлади.

– Кимсиз? – деб сўради у эшикка яқин бориб.

– Мен, кенойи, кираверайми?

– Вой, Абдулаҳадмисан? Киравер, қочадиғон киши йўқ... Эсон-омон келдингми? – деб сўраша кетди уй бекаси эшикдан кириб таъзим қилган ўттиз ёшлар чамасидаги новчагина хушмўйлов йигитни елкасидан қоқиб. – Қачон келдинг?

– Шу бугун эрта билан. Ўғлингиз соппа-соғ, ундан хат олиб келдим.

– Умрингдан барака топ! Вой ўлай, сени кўриб ўзимни йўқотиб қўйибман. Юр, ичкари кир. Ҳозир Муҳаммадхон билан сени ўйлаб турувдим-а!

– Каромат қилибсиз-да! Сизда бир хислат бор, кенойи.

Улар анвонга чиқиб, кўрпачага ўтирганларидан кейин йигит қуръон ўқиб юборди-да, юзига фотиҳа тортиб:

– Қуёшбиби опамни ҳам бериб қўйибсиз. Шу бугун эшитиб, юрагим қон бўлди. Худо сизга сабр-тоқат берсин, – деди титраган овоз билан.

Жаҳон отин кўзидан дувиллаб оқиб тушган ёшларини рўмолчаси билан артиб, ерга қараб қолди.

Абдулаҳад уни чалғитиб, кўнглини кўтариш учун қўйнидан найча қилиб ўралган хатни чиқариб узатди. Шоира томирлари бўртиб чиққан титроқ қўли билан уни олди-да, шошиб-пишиб ўқий бошлади.

– Муҳаммадхон соппа-соғ, ишлари жойида, – деди йигит у хатни ўқиб бўлгандан кейин. – Ойига ўттиз танга моёна олади, кунда иккита нон, бир товоқ иссиқ овқат...Усти бутун, қорни тўқ. Сизга етмиш танга юборди.

У ёнчиғидан халтача олиб, таъзим билан узатди.

– Илоё, умри узун бўлсин. Тежаб-тергаб йиққан пулларини юборибдур-да, барака топсин.

Шу пайт ҳовлида ўйнаб юрган қизча чопқиллагани-ча айвон тагига келиб:

– Қумғон тошиб кетяпти, буви, – деди.

– Вой ўлай, гап билан овора бўлиб, қумғон осганим хотиримдан кўтарилипти, – деди уй бекаси қўлидаги халтачани ёнидаги қутича устига қўйиб.

У чой дамлаб келгандан кейин дастурхон ёзиб нон ушатди. Меҳмон йигит сопол пиёладан чой хўплаб ичар экан, янгасининг ажин босган юзига, оқ оралаган сочларига қараб: «Ҳожихон тоғам тирик бўлганларида янгам бунча тез қаримаган бўлар эдилар, нари борса

элликка киргандирлар, – деб ўйлади. – Эрсиз хотин тез қарир экан. Бунинг устига қизлари хам бахтсиз бўлди. Куёви Абдусамад қори почча ҳам ўлгудек ишёқмас, бемаъни одам эди. Жаҳон опам билганларида биттаю битта қизларини унга узатмаган бўлар эдилар. Ўттиз пора қуръонни ёд олган қори инсофли бўлади, деб ўйлаганлар-да! Молнинг оласи ташида, одамнинг оласи ичида, деб бекорга айтмаганлар. Ювош одамга ўхшаб кўринган қорининг ўлгудек дангаса, тамагир, топганини кўчада ейдиган одам эканлигини қаёқдан билсинлар... Абдусамад қори аканинг қўлларида тасбеҳ, устларида малла тўн, мачит олдида ўзларига ўхшаган мулланамо одамлар билан: «Қаердан худойи ошга чақириб келар эканлар?» деб кўча бошига қараб тургаларини бир неча марта кўрганман. Бундай одамга теккан қиз бахтли бўлармиди?..»

Абдулаҳад янгасининг ярасини янгиламаслик учун ўйлаган нарсалари тўғрисида оғиз очмай, гапни бошқа ёққа бурди:

– Оз бўлмаса, хитойлар бизни қириб ташлар эдилар, – деди кўзларини чакчайтириб. – Тағинам худо асради-да. Яраш-яраш бўлмаганда омон қолишимиз гумон эди. Тавба, Маъдалихон нега Қошқарни босиб олиш васвасасига тушди-а?

Уй бекаси кумғонни энгаштириб, сопол пиёлага чой қуйди-да, уни қўлига олиб, шошмасдан гап бошлади:

– Мен ўша вақтда Қўқонда эдим. Хон ҳузурига Қошқар ҳукмдорининг иниси Муҳаммад Юсуф ёрдам сўраб келибдур, деган гапни эшитиб қолдик. Кейин маълум бўлдики, хитойлар Қошқарни босиб олиб, Офоқхожанинг авлодларидан бўлган Жаҳонгирхожани асир қилиб олибдурлар. Унинг иниси Муҳаммад Юсуф ўз одамлари билан Фарғонага кочиб келибдур. Ўзгаларнинг юртларини забт этиб, ўлжа олиш пайида бўлган Маъдалихон унинг илтимосини қабул қилиб, Қошқар устига аскар тортди, ўғлим билан бирга сени ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Кейин эшитдикки, сизлар Қошқарни олибсизлар, орадан кўп вакт ўтмай хитойлардан енгилибсизлар. Эҳтимол, Маъдалихон катта бир хатоға йўл қўйган, ўша ерли халқларнинг мол-мулкини талатгандир...

– Топдингиз, – деди у сопол пиёлани узатар экан кулимсираб. – Бизлар хитой, қалмоқни, ўша ерда қолган қошқарлик бойларни талай бошладик. Хўтан гиламлари, кумуш, тилла асбобларни, шойи, зарбоф матоларни араваларга ортиб, Қўқонға жўнатавердик. Ора-

дан кўп вакт ўтмай, Чин-мочин аскарлари устимизга бостириб келганда мол-мулки таланган ерли халқ улар томонига ўтиб кетди.Биз енгилиб орқага чекиндик, Қўқондан ёрдам келишини кутдик. Шу маҳалда Хитой мингбошиси хон олдига элчи юборипти, ярашайлик, шаҳар савдогарлари, косиблар тўлайдиғон тамға солиғи сеники бўлсин, лекин аскарларингни опчиқиб кет, дебди. Қараса бўлмайдиғон, хон орқагачекиниб, тамгачиларни сақлаш учун озгина сарбоз қолдирди.

– Сен билан Муҳаммадхонни ўшал сарбозлар қаторида қолдирғони ёмон бўлган-да!

– Хоннинг ўзи, фалончи-фалончилар Қошқарда қолади, деб буйруқ берган, дейишади. Қанчалик рост, билмайман, аммо мусофирлик жонга тегди, берадиғон моёнаси ҳам, кийим-боши ҳам кўзга кўринмай қолди. Мен мингбошига, Қўқонға жўнатиладиган карвонни қўриқлаб бораман, деб арзнома ёздим, илтимосимни қабул қилди. Муҳаммадхоннинг аризаси инобатга ўтмади.

– Ҳа эшитдим, хоннинг буйруғи билан ўғлимни ўшал ерда қолдиришган. Билмадим, нима ёмонлик қилдимки,у бизга таадди қиладур. Маъдалихон отасига яқин бўлган одамларни таъқиб остиға олиб, уларни бесабаб жазолай бошлади. У ўз салтанатидан мағрурланиб, ақли ҳушини йўқотиб қўйди шекилли, доно одамлардан бемаслаҳатиш кўра бошлади. Узоққа бормай, бу жабру зулмларнинг ҳалокатли оқибатларини кўрар...

Абдулаҳад унинг ҳамма сўзларига тушунмаган бўлса ҳам индамай қулоқ солиб ўтирди. Жаҳон отин гапириб кўнглини бўшатгандан сўнг жим бўлиб қолди-да, унга тикилиб:

– Сен қачон жўнаб кетмоқчисан? – деб сўради.

– Эртага, азон пайтида карвон йўлга тушади.

– Ундан бўлса, сенга хат ёзиб берай. Ўз қўлинг билан уни Муҳаммадхон ўғлимга топшир, соғ-саломат юрганимизни айт. Вақти-соати келганда дийдор кўришармиз. Биздан хавотир олмасин.

Жаҳон отин хонтахта ёнига ўтирди-да, бир варақ қоғоз олиб, боя ёзган шеърини оққа кўчирди, уни тўрт буклаб, Абдулаҳаднинг қўлига тутқазди.

## МУНДАРИЖА

ТЎМАРИС ........ 3
СИНГАН СЕТОР ........ 19
НУР ВА ЗУЛМАТ ........ 95

---

*Адабий-бадиий нашр*

**Миркарим ОСИМ**

**ТЎМАРИС**

*Тарихий қиссалар*

Муҳаррир: *Санжар Турсунов*
Бадиий муҳаррир: *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир: *Екатерина Корягина*
Мусаҳҳиҳ: *Доно Тўйчиева*
Саҳифаловчи: *Умида Валижонова*

Нашриёт лицензия рақами AI № 154. 14. 08. 09.
2016-йил 15-февралда босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма 6,97 шартли босма тобоқ.
6,87 нашр босма тобоғи. Адади 500 нусха.
184 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди. 100128
Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

*Telefon: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29*
*Faks: (371) 241-82-69*
**www.gglit.uz** **info@gglit.uz**

ISBN 978-9943-03-739-7

9 789943 037397